ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ
САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**ЗИЁДУЛЛА МУҚИМОВ**

# АМИР ТЕМУР ТУЗУКЛАРИ

**(Тарихий-ҳуқуқий тадқиқот)**

*Алишер Навоий номидаги Самарқанд Давлат университети Илмий кенгашининг қарорига мувофиқ нашр этилмоқда.*

**САМАРҚАНД - 2008**

**УДК: 34:9 (575.1)**
**М-95**

**Зиёдулла Муқимов.** Амир Темур тузуклари (тарихий-ҳуқуқий тадқиқот). Иккинчи тўлдирилган нашри. – Самарқанд: СамДУ, 2008. – 131 бет.

*ББК: 67.3*

*Ушбу тадқиқотда буюк давлат арбоби, машҳур аскарбоши, Ватанимизда мўғуллар ҳукмронлигига барҳам бериб, марказлашган давлат барпо этиб, унга қонунлар берган – Амир Темурбекнинг Тузуклари ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан тадқиқ этилади. Унда улкан ҳоқонлик доирасида амалда бўлган тўралар (одатлар), тузуклар ва уларнинг аҳамияти, асосий белгилари, жумладан, Тузукларга кўра, ижтимоий-сиёсий тузум, давлатни бошқаришнинг асосий қоидалари, мулк, меҳнат, солиқ, ҳарбий ва жиноят ҳамда суд ҳуқуқи қоидалари, уларнинг асосий белгилари ёритиб берилган.*

*Китоб ҳуқуқшунослик факультети талабалари, магистрантлари, ўқитувчи ва тадқиқотчилар ҳамда давлат ва ҳуқуқ тарихи билан қизиққан барча китобхонларга мўлжалланган.*

| | |
|---|---|
| **Масъул муҳаррир** | **А.Х. САИДОВ,**<br>**юридик фанлар доктори,**<br>**профессор** |
| **Тақризчилар:** | **Ҳ.Б.БОБОЕВ,**<br>**юридик фанлар доктори,**<br>**профессор,** |
| | **М.М.ҚЎЛДОШЕВ,**<br>**юридик фанлар номзоди,**<br>**доцент** |

***© Алишер Навоий номидаги Самарқанд Давлат университети, 2008***

## МУНДАРИЖА

**СЎЗ БОШИ**.........................................................................................4

**БИРИНЧИ БОБ. МАРКАЗЛАШГАН АМИР ТЕМУР ДАВЛАТИНИНГ ТАШКИЛ ТОПИШИ ВА «ТЕМУР ТУЗУКЛАРИ» НИНГ ЯРАТИЛИШИ**

1.1. Марказлашган Амир Темур давлатининг ташкил топиши...13
1.2. Амир Темурнинг давлат-ҳуқуқий қарашлари……................25
1.3. «Темур тузуклари», унинг яратилиши ва ўрганилиши…......33
1.4.Ҳуқуқ манбалари тизимида «Тузуклар»нинг ўрни…............52

**ИККИНЧИ БОБ. «ТЕМУР ТУЗУКЛАРИ»ДА ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ МАСАЛАЛАРИ**

2.1. Давлат ва давлат бошлиғи тўғрисидаги қоидалар…..............61
2.2. Давлат бошқаруви ва давлат хизмати ………………………76
2.3. Ҳуқуқ ва қонунчилик ҳамда ҳуқуқ-тартибот ҳақидаги қоидалар..........................................................................................84
2.4. Ҳарбий-ҳуқуқий масалалар.................................................100
2.5. «Тузуклар»да ўзбеклар масаласи........................................107

**ХУЛОСА**...........................................................................................116
**ИЗОҲЛАР**..…………………………………………………122
**ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР**...................................124



## СЎЗ БОШИ

Амир Темур ва темурийлар даври давлатчилиги, маънавияти ўзининг салоҳияти, мазмуни, тарбиявий кучи ва таъсири билан халқимиз тарихида алоҳида ўрин тутади. Шунинг учун ҳам Президентимиз қайд этганларидек, «...бизнинг тарихимизда Амир Темурдек улуғ сиймо бор экан, унинг қолдирган мероси, панду ўгитлари бугунги ҳаётимизга ҳамоҳанг экан, олдимизда турган бугунги муаммоларни ечишда бизга қўл келаётган экан, бизнинг бу меросни ўрганмасдан, таърифламасдан, тарғибот қилмасдан ҳаккимиз йўқ».[1]

Ўзбекистон ўзининг давлат мустақиллигига эришгач, унинг бир неча минг йиллик ижтимоий-сиёсий тарихини ҳар тарафлама ўрганиш учун кенг имкониятлар яратилди. Айниқса, марказлашган Амир Темур салтанати, унинг ўзбек давлатчилиги ва маданиятини ривожлантиришдаги ўрни масалаларига ойдинлик киритилиб, тарихчи, шарқшунос олимларимиз кўплаб биринчи манба аҳамиятидаги асарларни ўзбек тилига таржима қилиб, нашр эттирдилар.

Давлатимизнинг сиёсати ва халқимиз хоҳиш-иродасига асосланган Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 29 декабрда «Амир Темур таваллудининг 660 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги қарори, 1995 йил 26 декабрда эса Президентимизнинг «1996 йилни Амир Темур йили деб эълон қилиш тўғрисида»ги фармонлари қабул қилинди. 1996 йил мартида «Темурийлар тарихи» давлат музейини ташкил қилиш хусусида, «Амир Темур» орденини таъсис этиш тўғрисида фармонлар чиқди. ЮНЕСКО қарори асосида Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги бутун дунёда кенг нишонланди. 1996 йил апрелида шу ташкилотнинг Париждаги бош қароргоҳида «Темурийлар даврида фан, маданият ва таълим равнақи» мавзуида илмий конференция ўтказилиб, Буюк давлат арбобининг тарихдаги ўрнига юксак баҳо берилди. «Амир Темур жаҳон тарихида қудратли ва гуллаб-яшнаган давлат барпо этган буюк саркарда ва давлат арбоби сифатидагина мавқеи тутмайди.

---

[1] Амир Темур – фахримиз, ғуруримиз. Қаранг: Маънавий юксалиш йўлида. – Тошкент: Ўзбекистон, 1998, 414-б.

У ўз пойтахти бўлмиш Самарқандни ер юзининг чинакам маданий ва илмий марказларидан бирига айлантирди. Бу улуғ зот қурдирган меъморчилик ва халқ санъатининг жавоҳирлари янглиғ бугунгача қад кўтариб турган осори атиқалар шаҳар ва қишлоқларимиз кўркига кўрк қўшиб келяпти.

Соҳибқирон замонасининг ажойиб дипломати, давлатлар ўртасида дўстона муносабатлар ўрнатилиши ва иқтисодий алоқалар ривожланишининг тарафдори сифатида ҳам машҳур эди. У олимлар ва ҳокимлар, меъморлар ва шоирларнинг буюк ҳомийси янглиғ донг чиқарган».[2]

Давлат мустақиллигига эришиб, бугунги кунда демократик-ҳуқуқий давлат қураётган халқимиз Ватанимиз тарихида ҳуқуқий давлат ҳақидаги тасаввур ва қарашларнинг юзага келиши ҳамда ривожланиши, унинг юридик манбалари, дунёвий ҳуқуқ ва қонунчилик масалаларини ҳам билишни истайди, албатта. Ана шу нуқтаи назардан қараганда, Темур тузукларини тарихий-ҳуқуқий тадқиқ этиш алоҳида долзарблик касб этади. Зеро, ўтмиш меросимиз, унинг бой давлатчилик ва ҳуқуқий асослари, хусусан, Амир Темур даврида давлат ва ҳуқуқ борасида қўлланилган адолатли тамойиллар бугунги кунда мустақиллигимизга ҳам хизмат қилиб, шахснинг юксак сиёсий, ахлоқий ва ҳуқуқий маданиятини шакллантиришда кўмаклашмоқда.

Амир Темур ҳаёти ва фаолиятини ёритувчи асосий тарихий манбалар бениҳоя кўп ва хилма-хил бўлиб, бу унинг номи, жаҳон тарихидаги роли беқиёс эканлиги ва ғоят машҳурлигидан далолат беради. Бу масалаларга оид манбаларнинг илмий таҳлили жамиятшунос олимларимиз асарларида, айниқса, ўзбек, рус, инглиз тилларида нашр этилган «Амир Темур жаҳон тарихида» номли фундаментал тадқиқотда батафсил берилган. Ушбу тадқиқотда мазкур мавзу бўйича жаҳоннинг турли тилларида нашр этилган адабиётлар рўйхати ҳам келтирилган[3], 

[2] «Амир Темур ва унинг жаҳон тарихидаги ўрни» мавзусидаги халқаро конференция тезислари тўпламига ёзилган сўз боши. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996, 4-б.
[3] Амир Темур жаҳон тарихида. БМТ. ЮНЕСКО. – Париж, 1996, 119-128, 256-293-б.



шунингдек, Амир Темур, Темурийлар давлати, унинг ташкил топиши масалаларига бағишланган, чет элларда ва Республикамизда олиб борилган тадқиқотларнинг илмий таҳлили ҳам бир қатор олимларимизнинг китобларида ёритилган.

«Темур тузуклари» илмий жамоатчиликни 600 йил мобайнида қизиқтириб келмоқда. Албатта, ушбу даврда яратилган адабиётлар жуда кўп[4], мавжуд адабиётларни агар яратилиш саналарига кўра тасниф этсак, уч даврни ажратиб кўрсатса бўлади: 1) тузуклар бўйича 1917 йилгача олиб борилган тадқиқотлар; 2) шўролар даврида ёзилган асарлар; 3) мустақиллик даврида яратилган илмий изланишлар.

Жумладан, XIX асрнинг иккинчи ярмида ўзининг сиёсий-иқтисодий манфаатларидан келиб чиқиб, Туркистонни ўз таъсир доирасига олган, ўлкада мустамлакачилик режимини ўрнатган мустамлакачи маъмурлар Туркистоннинг бой маънавий-ҳуқуқий меросига дуч келдилар ва бу меросни ўзида акс эттирган баъзи асарлар, жумладан, «Темур тузуклари» ўша даврдаёқ рус тилига таржима этилди ва илмий жамоатчиликка таништирилди.[5] Ўша даврдаги рус олимларидан бири Д.И.Логофет «Тузуклар»ни ўрганиб ва унга юксак баҳо бериб: «Туркистонда ҳуқуқий давлат ва Конституцион Кодекс Европадан 500-400 йиллар олдин вужудга келган», деган фикрни илгари суради.[6] Баъзи рус олимлари эса «Темур тузуклари»га паст назар билан қараб, унинг муаллифи Амир Темур эканлигига, ҳатто, шубҳа билдирганлар. Ана шулардан биринчиси – таниқли шарқшунос олим В.В.Бартольд ўзининг 1918 йилда нашр эттирган дастлаб «Улуғбек ва унинг даври» асарида[7], шунингдек, кейинчалик 1928 йилда чоп этилган «Мир Алишер ва сиёсий ҳаёт» номли мақоласида ушбу фикрни олға суриб ва ривожлантириб, «Темур

[4] «Тузукларнинг таржималари, турли йиллардаги нашрлари ҳақида, Амир Темур жаҳон тарихида». – Париж, 1996, 119-144-б.
[5] Автобиография Тамерлана. Перев.с тюркского Н.Лыкошина. – Ташкент, 1894. Уложения Тимура. Под.редакцией Н.Остроумова. – Казань. 1894.
[6] Логофет Д.И. Страна бесправия. Бухарское ханство и его соврсменное состояние. – Санкт-Петербург, 1909. – С.340.
[7] Бартольд В.В. Улугбек и его время. Соч. Т.И. ч.2. – Москва, 1964. – С.38.

тузуклари» XVII асрда Ҳиндистонда битилган асар деган фикрни илгари суради.[8]

В.В. Бартольднинг ушбу фикрлари ўша даврдаги ҳукмрон сиёсатга ҳамоҳанг айтилганлиги яққол кўриниб турибди. Бундай ёндашишлар асосида туркий халқларнинг қадимий давлатчиликка эга бўлганлиги, унинг ўзига хос ҳуқуқий манбалари ҳамда уларни яратиш анъаналари мавжуд бўлганлигини камситиб кўрсатиш ниятлари ётади. Бундай фикрлар давлат ва ҳуқуқ тарихи билан шуғулланувчи рус ва собиқ совет олимлари ўртасида ҳам ўз самарасини берган. Собиқ советлар давлати ва ҳуқуқи тарихининг (тўғрироғи, Россия) биринчи дарслик китобини ёзган С.В.Юшков «Темур тузуклари»дек ҳуқуқ манбаини кўрмасликка олиб, Ўрта Осиё халқларининг ҳуқуқий манбалари фақат «Қуръон ва унга берилган шарҳлар ҳамда «Ҳидоя» дангина иборат», деган хато фикрнинг шаклланишга олиб келди.[9] Ушбу фикр тарихий-ҳуқуқий фанларда 90-йилларгача ҳукмрон бўлиб қолди. «Правда Востока» газетасининг хабар беришича, 1930 йилларда «Темур тузуклари»ни ўрганиш ва унинг барча таҳрирларини тўплаш мақсадида, ҳуқуқшунослардан иборат махсус гуруҳ ҳам тузилган. «Ўзбекистон ҳуқуқи ва совет қурилиши илмий тадқиқот институти қошида ташкил қилинган бу гуруҳ Тузукларнинг ўзбекча ва русча таржималарини топиб тўплаган», деб хабар беради газета, агар бу ҳақиқатан шундай бўлса, бирор жойда, яъни институт кутубхонаси ёки архивларда тургандир улар... «Энг аввало, рус тилида тегишли шарҳлар билан тўла таржимасини босиб чиқариш режалаштирилган. Бухоро, Самарқанд ва Шаҳрисабз каби шаҳарлар архивларида сақланаётган ҳужжатларни ўрганиш учун илмий ходимлар юборилган. Ўша вақтда Бутуниттифоқ фанлар академиясининг «Совет қурилиши ва ҳуқуқи» институтининг директори бўлиб

[8] Бартольд В.В. Соч. Т. II.ч.2. – Москва, 1964. – С. 201

[9] Қаранг: Юшков С.В. История государства и права. Учебник для студентов высших учебних заведений, обучаюшихся по специальности «Правоведение». – Москва: МГУ, 1985, 4.ч.1. – С. 49-50.



ишлаб турган проф. Пашуканиснинг шахсан ўзи бу ишга раҳбарлик қилган».[10]

Агар Ўзбекистондаги бу олимлар гуруҳи фаолият кўрсатган бўлса, улар тўплаган ҳужжатлар бирор жойда тургандир ёки улар ҳам Москвага олиб кетилганми?!. Аммо кейинчалик на матбуотда, на юридик адабиётларда бу борада бирон хабар йўқ. Сирли равишда шу йўналишдаги илмий изланишлар номаълум сабабларга кўра тўхтатиб қўйилган, унинг фаолиятига оид ҳисоботлар нашр этилган ёки этилмагани номаълум.

1969 йилда ЮНЕСКО томонидан Самарқандда Темур ва Темурийлар даврида Марказий Осиёнинг санъати ва маданиятини ўрганиш бўйича халқаро конференциянинг ўтказилиши муносабати билан бу тарихий манбага эътибор кучайди. Айниқса, академик И.М. Мўминов бу борада катта жонбозлик кўрсатдилар. 1968 йилда Н.Остроумов томонидан рус тилига қилинган таржиманинг фотонусхаси матни И.Мўминовнинг сўз бошиси билан «Фан» нашриётида чоп этилди.[11] Шунингдек, олимнинг «Амир Темурнинг Ўрта Осиё халқлари тарихидаги ўрни ва роли» рисоласи ҳам нашр этилди.[12] Бу асарда Соҳибқироннинг хизматларига холисона баҳо берилди. Шундан кейин республикамизнинг кўзга кўринган тарихчи-ҳуқуқшунос олимлари О.И.Эшонов, Х.С.Саматова ва Ш.З.Ўразаевлар томонидан ёзилган «Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи тарихи» дарслик китобида унинг ҳуқуқий белгилари очиб берилди.[13] Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, «Тузуклар»ни ҳақиқий илмий жиҳатдан ўрганиш, уни турли тилларга таржима қилиш, шарҳлаш, асарнинг турли нусхаларини нашр этиш, «Тузуклар»нинг тарихий манба сифатидаги қийматини исботлаб бериш учун фақат мустақилликка эришганимиздан кейингина тўла шароит яратилди. Бу борада тарихчи олимларимиздан, айниқса,

[10] Правда Востока. // 23 июля 1936 года, №169.

[11] Уложение Тимура. – Тошкент: Фан, 1968.

[12] Мўминов И.М. Амир Темурнинг Ўрта Осиё халқлари тарихидаги ўрни ва роли. – Тошкент: Фан, 1968.

[13] История государства и права Узбекистана. Часть I. Учебник. – Ташкент: Ўқитувчи, 1969. – С.39-58.

академик Б.А.Аҳмедов[14] ва Н.А.Аҳмедов[15], Ҳ.Кароматов, шунингдек, ҳуқуқшунослардан Ҳ.Б.Бобоев[16], А.Х.Саидов, Ж.Т.Тошқулов[17] ва бошқаларнинг яратган асарларини кўрсатиш мумкин. Ушбу муаллифларнинг ишларида «Тузуклар», унинг вужудга келиши, «Тузуклар»даги давлат ва ҳуқуқ масалалари очиб берилган. Уларнинг тадқиқотлари маҳсули ўлароқ олинган натижалар дарслик ва ўқув қўлланмаларига киритилган.

Ҳ.Бобобеков, Ҳ.Бобоев ва А.Қуронбековлар «Темур тузуклари»нинг бир неча нусхаларини топдилар, уларни тадқиқ этиб, ҳозирги замон алифбосига ўгирдилар, тегишли изоҳ ва луғатлар билан нашр эттириб, Темурийлар давлати ҳамда «Тузуклар»ни ўрганишга катта ҳисса қўшдилар.[18] Жумладан, 1776 йилда кўчирилган форс тилидаги нусхадан 1858 йилда Паҳлавон Ниёз Девонбеги томонидан Хивада ўзбек тилига ўгирилган нусханинг Санкт-Петербург кутубхоналаридан топиб, чоп эттирилиши тадқиқотчилар учун катта туҳфа бўлди.[19]

Булардан ташқари, ўзбек давлатчилиги, хусусан, Темур ва Темурийлар давлатининг ташкил топиши, ижтимоий хусусиятлари масалалари бир қатор тарихчи олимларимиз, жумладан, А.Аҳмедов, Ҳ.З.Зиёев, А.Ҳ.Зиёев, А.Муҳаммаджонов, Р.Г.Муқминова, А.Соғуний, А. Ўринбоев, У.Уватов, Т.Файзиев; ҳуқуқшунослардан А.Х. Саидов, А.Тўлаганов, А.Ш.Жўзжоний, М.М.Файзиев, С.М.Хидиров ва бошқаларнинг ишларида у ёки бу даражада тадқиқ этилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ҳозирда Буюк Амир Темурнинг ҳаёти ва фаолиятига бағишланган кўплаб конференция ва анжуманлар ўтказилмоқда. Аммо афсуски,

[14] Аҳмедов Б.А. Тарихдан сабоқлар. – Тошкент: Ўқитувчи, 1994, 430 б.; «Амир Темурни ёд этиб». – Тошкент, 1996, 367 б. ва бошқа асарлари.
[15] Аҳмедов Н.А. Амир Темур: ривоят ва ҳақиқат. – Тошкент: Қомуслар бош таҳририяти, 1996.; Амир Темур ва темурийлар даври тарихига кириш. А.Бадиров билан ҳамкорликда. – Самарқанд, 1999. 74-б.
[16] Бобоев Ҳ.Б. Амир Темур ва темурийлар салтанати. – Тошкент: Камалак, 1996, 71-124-б.
[17] Саидов А.Қ., Тошқулов Ж.Т. Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи тарихи. – Тошкент: ИИВ Академияси нашриёти, 1995.
[18] Амир Темур Кўрагон «Тузуки Темурий». – Тошкент, 1999; Амир Темур Кўрагон. Зафарнома. – Тошкент, 2000.
[19] Қиссаи Темур («Малфузоти Темурий»). – Тошкент, 2000, 1107 б.



уларнинг Тузукларга оид материалларида деярли янгиликлар йўқ. Баъзи диссертациявий тадқиқотлар ишларида қайси нусха ёки таржиманинг асл эканлигини билмасдан, тадқиқотчи хатоликларга ва ноаниқликларга йўл қўйган ҳоллари ҳам мавжуд.[20]

Ҳозирги кунда бу борадаги тадқиқотларнинг ютуқ ва вазифаларини белгилаб берадиган ҳамда янги фикрлар бериб, тадқиқотларга ундайдиган ишлар қатори: шарқшунос Убайдулла Уватовнинг «Темур тузуклари Маккадамикан?»[21] Ўзбекистон халқ ёзувчилари Муҳаммад Алининг «Буюк обидага эҳтиром»[22], Пиримқул Қодировнинг «Маънавиятимиз тарихида Темур тузукларининг ўрни»[23], шарқшунос олим Ҳабибулла Кароматовнинг «Темур тузукларини Ўзбекистонда ўрганиш муаммолари»[24] каби ишларни кўрсатиш мумкин.

Тадқиқот манбаларига келсак, давлат ва ҳуқуқ тарихи, назарияси, сиёсий ҳамда ҳуқуқий таълимотлар тарихига оид асарлар, мустақиллик йилларида ўзбек тилига ўгирилиб, нашр этилган мумтоз тарихчиларнинг асарлари, «Темур тузуклари»нинг турли нашрлари ва нусхалари, тарихчи, шарқшунос ва ҳуқуқшунос олимларимизнинг асарлари, Амир Темур таваллудининг турли саналари муносабати билан ўтказилган илмий амалий конференциялар, шунингдек, ушбу мавзуга бағишланган илмий-назарий конференцияларнинг материаллари ва тавсиялари қўйилди ҳамда фойдаланилди.

Ушбу тадқиқотимизнинг объекти албатта, энг аввал, тарихий манбаларнинг ўзи ва олимларимизнинг бу борадаги ишларидир. Шу нуқтаи назардан олиб қараганда, тарихий манбаларни тарихий-ҳуқуқий тадқиқ этишнинг ўзига хос қийинчиликлари ҳамда муаммолари мавжуд. Булар орасида, энг биринчи ўринда, манбанинг бизга катта тарихий довон орқали етиб келганлиги туфайли, унинг қўлёзма, тошбосма ҳамда турли тилларга қилинган таржима нусхалари (списка)нинг кўплиги натижасида

[20] Бу ҳақда қаранг: Муқимов З. Ўзбекистон ҳуқуқининг асосий тарихий манбалари. – Самарқанд, 2008.
[21] «Соҳибқирон юлдузи» газетаси. 1997, 17, 18, 19-сонлари.
[22] Темур тузуклари. – Тошкент: Шарқ, 2005. 3-5-б.
[23] Кўрсатилган асар. 135-145-б.
[24] Ўша асар, 146-156-б.

баъзи ноаниқликлар, бир-бирига зиддиятли ҳолатларининг мавжуд бўлишидир. Темур тузуклари ҳам ана шундай манбалардан бири бўлиб, тадқиқотимизнинг асоси сифатида ўзбек тилидаги нусхаларга таяндик. Булар асосан қуйидагилар:

1. Қўқон хони Муҳаммад Алихон (1822-1841)нинг буйруғига кўра, Хўжанд қозиси Набижон Маҳдум Хотиф Хўжандийнинг 1836 йилда (ҳозирда асл нусхаси Санкт Петербурдаги Шарқшунослик институтида сақланаётган) форсча нусхадан ўзбек тилига қилинган таржима нусхаси. Бу нусха Амир Темурнинг 39 ёшларигача бўлган ижтимоий-сиёсий воқеаларни ўз ичига олиб, таниқли олимлар Ҳ.Бобобеков, Ҳ.Бобоев, А.Қуронбековларнинг сўз боши луғат ва изоҳлари, нусханинг факсимелияси билан икки марта 1999 ва 2000 йилларда «Темур тузуклари», «Зафарнома» номлари билан нашр этилган.

2. 1856-1857 Хоразмда (Хивада) Мухаммад Юсуф ар Рожий томонидан қилинган таржима. Ҳ. Бобобеков, Ҳ. Бобоев ва А.Қуронбековларнинг фикрига кўра, энг қисқа таржима бўлиб, унинг асл нусхаси Санкт-Петербургда сақланмоқда.

3. Хивада 1858 йили Паҳлавон Ниёз Девон томонидан қилинган таржима. Бу асар «Малфузот», «Қиссаи Темур» (таржимага асос бўлган 1766 йили форс тилидаги нусха «Малфузоти Темурий» деб аталган) номлари билан аталган таржима. Ҳар иккала таржиманинг асли нусхаси ҳам Санкт-Петербургда Шарқшунослик институти кутубхонасида. Ушбу нусха ҳажм жиҳатидан катта бўлиб, Ҳ.Бобобеков, Ҳ.Бобоев, А.Қуронбековларнинг катта мехнатлари туфайли «Қиссаи Темур» 2000 йил нашр этилган.

4. 1967 йил таниқли олим Алихон Тўра Соғуний томонидан (1885-1976) Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари бош идорасининг кутубхонасида сақланаётган форсча нусхасидан ўзбек тилига таржима («Гулистон», 1967,8-сон) ҳамда Алихон Соғуний ва Ҳабибулла Кароматовлар таржимаси (1991, 1996, 2005 йиллар нашр этилган). Ушбу нашрларда фикримизча, асосан давлатни бошқариш қоидалари ва ҳарбий қурилиш ҳақидаги қоидалар тўпланган. Таржимаи ҳол қисмига оид маълумотлар қисқароқ. Аммо учинчи нашри жуда чиройли ва катта изоҳлар билан таниқли олимларимизнинг сўз боши ҳамда фикрлари билан нашр этилган.



5. «Мен ким фотиҳи Темур» (Манам Темури жаҳонкушо). Француз тилидан форс тилига Забиҳуллоҳ Мансурий, форс тилидан ўзбек тилига Абдураҳим Учқун таржималари. Бу асар Амир Темурнинг ўз қўллари билан ўз тилларидан баён тарзда ёзилган бўлиб, «Темур тузуклар» нинг биринчи, таржими ҳол қисмига нисбат берилади. Аммо «Шарқ юлдузи» журналида манбанинг еттинчи фаслигача босилиб, кейинчалик унинг алоҳида мустақил бир асар эканлиги маълум бўлгач, нашр этиш тўхтатилган.[25]

Мазкур тадқиқот ишининг иккинчи нашрини тайёрлашда ушбу нусхалардан фойдаландик. Унинг биринчи нашри ҳомий ёрдамида нашр этилиб (Тошкент: Янги аср авлоди, 2001. - 119 б.), китобхонлар томонидан яхши кутиб олинган эди. Шунинг учун унинг иккинчи нашрини тайёрладик. Фикр-мулоҳазаларини билдирган кишиларга муаллиф олдиндан ўз миннатдорчилигини билдиради. (Манзилимиз: Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15, ҳуқуқшунослик факультети).

[25] «Шарқ юлдузи», 1995, 1-2сонлар. 7-64 б.

**Биринчи боб**

# МАРКАЗЛАШГАН АМИР ТЕМУР ДАВЛАТИНИНГ ПАЙДО БЎЛИШИ ВА «ТЕМУР ТУЗУКЛАРИ»НИНГ ЯРАТИЛИШИ

## 1.1. Марказлашган Амир Темур давлатининг ташкил топиши

Европа олимлари Амир Темур давлати Осиёдаги энг сўнгги буюк салтанат эди, дея эътироф этадилар. Соҳибқирон Темур бундай катта давлатни, марказлашган йирик салтанатни қандай тузди, қайси йўллар билан уни тартибга келтирди ва унинг узоқ йиллар ҳукмронлик қилишида қайси омиллар етакчилик қилди? Бу саволларга жавоб излар эканмиз, биз учун «Темур тузуклари» асосий манба сифатида хизмат қилади. Тўғри, Амир Темур тўғрисидаги тарихий манбалар оз эмас. Лекин улардаги маълумотларнинг барчасини бир хилда қабул қилишга ошиқмаслик керак. Ҳатто, ҳозир ҳам баъзи адабиётларда Амир Темур даврига ҳар кимнинг ўзича ёндашувлари мавжудки, улардан фойдаланганда алоҳида шарҳ ва таҳлиллар талаб этилади. Шунинг учун ҳам биз Амир Темур давлатининг вужудга келиши масаласида мумтоз асарлар ва «Тузуклар»га суянишни лозим топдик.

Деярли барча мумтоз ва замонавий тарихий асарларда кўрсатилганидек, XIV асрнинг ўрталарига келиб, Мовароуннаҳрда Чиғатой* улусининг иккига бўлиниб кетиши натижасида ҳокимият анча заифлашиб, бу давлат ўзининг инқироз даврини бошидан кечирмоқда эди.

1346 йилда Чиғатой хонларидан Қозонхон (1338-1346)* ўзининг амир ул умароси бўлган нуфузли турк амири Амир Қозоғон (1347-1358)* томонидан ўлдирилгач, Чиғатой улусининг хонлигига шу сулола вакили Донишмандча хон кўтарилади. Аммо амалда бутун ҳокимият Амир Қозоғон қўлида эди. Унинг давридан бошлаб, **хонлик тизими ўрнини амирлик бошқаруви ола бошлайди.** Яъни расман Чиғатой наслидан бўлган хонлар ҳокимияти тан олинса-да, лекин улусни бошқариш амалда амир қўлига ўтган. 1358 йилда бу улусда



таъсири кучли бўлган амир Қозоғон ўлдирилгач, ўрнига унинг иккинчи ўғли амир Абдуллоҳ ўтириб, унинг таъсири кучаяди. Аммо у ҳам бир йиллардан сўнг ҳокимиятдан четлатилиб, шоҳ Темур ўғлон хон кўтарилади. Ана шу даврда бошбошдоқлик кучайиб кетади. «Олам ичра *ҳар* тарафда ғавғолар пайдо бўлди. Ва нўёнлардин ҳар кишидаким, *кучи* бор эди, давлат даъво қилур эрди», – деб ёзган эди бу ҳақда тарихчи Шарафуддин Али Яздий.[26]

Тармаширин хондан кейин (1326-1334) ўтган йигирма беш йил ичида тўққиз марта хон алмашади. Ана шундай тахт талашишлари даврида мамлакатда сиёсий тарқоқлик вужудга келиб, эски нуёнлар ва нуфузли қабилаларнинг бошлиқлари катта-катта вилоятларни ўз мулклари сифатида бошқарар эдилар. Жумладан, Кешда ҳожи Барлос, Хўжандда Боязид Жалойир, Балхда Улжой Буғо Сулдуз, Шибирғонда Муҳаммад Хожа Апарди, Бадахшонда Кайхусрав, Хутталонда Улжойту Апардий, Сарипул ва Тоткандда Хизир Ясовурийлар салтанат даъво қилмоқда эдилар.

Ҳозирги Ўзбекистон ерларида ўша даврда сиёсий аҳвол уч хусусият билан характерланади: 1. Чиғатой улусининг парчаланиб, бир-бирига душманлик кўзи билан қарайдиган бўлакларга бўлиниши сиёсий тарқоқликнинг авж олиши. 2. 140 йил ҳукм сурган мўғул зулмидан қутулишга интилиш. 3. Тобора мустақилликка эришиш учун ҳаракат қилаётган Чиғатой улусини Мўғулистон хони Туғлуқ Темурхон (1359-1363) томонидан қайта босиб олишга интилиш.[27] Иккинчи томондан эса, бу вақтга келиб, Олтин Ўрда ва Оқ Ўрдага бўлиниб кетган Жўжи улусининг емирилиб кетаётган Чиғатой улусини ишларига аралашиши тобора кучайиб бораётган эди. Ана шундай бир даврда тарих майдонига Кешдаги Барлос бегининг ўғли амир Тўрағай («Тароғай эмас» - Ҳ. Вамбери) Баҳодирнинг ўғли Амир Темур (1336-1405) тарих майдонига чиқади.

---

[26] Шарофиддин Али Яздий.Зафарнома /форс тилидан ўзбек тилига Муҳаммад Али ибн Дарвеш Али Бухорий таржимаси. – Тошкент: Шарқ, 1997, 19-20 б.

[27] З.Муқимов. Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи тарихи. 1-қисм. – Самарқанд: Зарафшон, 167-б.

Амир Темур давлатининг вужудга келиши ҳақида сўз юритганда, тарихчилар унинг ёшлик йилларини четлаб ўтадилар. У 1336 йил 9 апрель куни туғилди. Лекин баъзи адабиётларда 1333 ва 1335 йиллар кўрсатилади. Амир Темурнинг «Таржимаи ҳоли»да туғилган йили юқоридаги каби аниқ қайд этилган. Низомиддин Шомий, Шарафуддин Али Яздийнинг «Зафарнома»ларида Соҳибқироннинг болалиги ҳақида баъзи маълумотлар учрайди. В.В.Бартольд[28], А.Ю.Якубовский, Т.Н.Грановский, Б.Аҳмедов, А.Аҳмедов, Т.Файзиев асарларида Амир Темурнинг ҳижрий 736, сичқон йили шаъбон ойининг 25-кунида (1336 йил 9 апрель) Кеш шаҳридан ўн чақирим (тахминан 13 км.) масофада бўлган Хўжаилғор қишлоғида таваллуд топгани айтилади. Лекин уларнинг Ибн Арабшоҳ хулосаларига асосланганини таъкидлаш жоиздир.

Темурнинг отаси Муҳаммад Тарағай Марказий Осиёнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида катта нуфузга эга бўлган барлос қавмидан чиққан обрўли беклардан бири бўлиб, Чиғатой хонларидан Қозонхон лашкарида хизмат қиларди. Онаси Такина бегим наслу насаб жиҳатдан аслзодалардан бўлиб, бухоролик машҳур фақиҳ Тожушшариа тахаллуси билан танилган Убайдулла ибн Маъсуднинг авлоди эди. Отаси Темурнинг жаҳонга ҳукмдор бўладиган фарзанд бўлиши ҳақида биринчи бўлиб, авлиё шайх Шамсуддин Кулолдан эшитиб, ўғлининг илм олишига жуда катта эътибор берган.

Амир Темур илмга қаерда ўқиган, деган саволга Кешдаги мадрасаларда ёш толибларнинг билим олишлари учун етарли шарт-шароитлар мавжуд бўлганлигини айтиш билан жавоб бериш кифоя. Мадраса ва толиблар вақф жамғармаси маблағидан таъминланар эдилар. Бу эса ўқув услубларини такомиллаштиришга ҳам катта ёрдам берар эди (тўққиз ёшли Темур Қуръони Каримни ёддан билган, шунинг учун у ҳофиз унвонини олган), беш вақт намозни канда қилмайдиган, мактабдаги барча ўқувчиларга бошлиқ бўлган обрўли ўсмир бўлган.

---

[28] Бартольд В.В. Сочинения. Том I-IX. – Москва, 1965.; А.Ю.Якубовский. Всемирная история. Т.3. – Москва, 1957. – С.573-757 ва бошқалар.



Ана шу ўринда бир нарсани таъкидлаш жоизки, кўпинча тарихий манбалар, ёзилган рисолаларда Амир Темурнинг ёшлиги ҳақида маълумотлар жуда кам. Яқинда Ҳ.Бобобеков ва бошқалар томонидан нашр этилган «Қиссаи Темур» («Малфузоти Темурий») асрининг бу борадаги муҳимлиги шундаки, унда айнан ана шу масалалар жуда яхши ёритилиб, Амир Темурнинг ёшлиги, таълим-тарбия олиши, пирлари билан учрашишлари батафсил баён этилган.[29]

Темур мадрасанинг бошланғич даврини муваффақиятли тамомлагандан сўнг, таҳсилни Мадрасаи Олияларда давом эттирган. Боланинг теран фикрлаши, юксак қобилияти ўз даврининг уламолари ва фозилларини лол қолдирди. Баъзан мураккаб масалаларни бир зумда ечар, унинг учун ҳар қандай вазифанинг ҳеч қандай қийинчилиги йўқ эди. Ўқиш давомида у жаҳон мамлакатларининг тарихи, ислом таълимоти ва ҳуқуқшунослиги, ҳандаса, риёзиёт, жуғрофия ва фалакиёт илмларини пухта ўрганган, муҳими, маънавий оламини бойитган. Бир ўқиган нарсаси ёш Темурнинг эсида маҳкам ўрнашиб қолган. У нафақат Қуръони Каримни, балки араб, турк машойихларининг дурдона фикрларини ҳам ёд олган. Бўлажак жаҳонгирнинг беҳад жарангдор ва ёқимли овози кишиларни ўзига ром этиб, дилларга завқ-шавқ бағишлаган. Амир Темурнинг ёшлиги чингизийларнинг оғир мустамлакачилик йилларига тўғри келиб, вайрон бўлган юртининг озодлиги учун у ҳарбий ишга юз буришга мажбур эди. Шу ўринда унинг дўст танлай билиш хислатини алоҳида қайд этиб ўтиш жоиз, зеро, унинг қирқ нафар тенгдоши, жумладан, Амир ҳожи Сайфиддин, Умар Аббос, Жоку Барлос, Идику Темур, Амир Сулаймон, Амир Довуд Барлос, Амир Муайяд Барлослар ўша вазир ва амирларининг фарзандлари бўлиб, Темур билан бирга юрт озодлиги учун курашишга қасамёд қилган эдилар. Улар ўзига ўхшаган довюрак, ақл-заковатли, эл-юрти учун жонини берадиган йигитлар эди.

Ёшлиги ҳақидаги бор ҳақиқат, юқорида тилга олинганидек, ҳаю-ҳавосиз ўтмаган: у сиёсат майдонига кирган пайт ҳар томонлама етук инсон эди, куч-қудратда ҳам алпомишларга

---

[29] Қаранг: Қиссаи Темур (Малфузоти Темурий). – Тошкент, 2000, 33-103-б.

бошлиқ бўла оладиган даражада эди. Мовароуннаҳрдаги оғир сиёсий вазиятдан фойдаланмоқчи бўлган Туғлуқ Темурхон Қарши воҳасига бостириб киради, муаллифлар айнан шу вазиятда Амир Темур характерининг баҳодир подшоларга хос қирралари намоён бўлганига кам эътибор қаратадилар. Чунки бу Соҳибқирон ҳаётидаги муҳим босқич ҳисобланади. Унинг ўша пайтдаги ҳолати қуйидаги далил-исботларда яққол кўзга ташланади:

– душман бостириб келганда, юртни ташлаб қочишни ўзи учун ор санади; ғалаба аскарлар сонининг кўп бўлиши билан эмас, тўғри тадбир орқали қўлга киритилишини ёдда тутди;

– вақтинча душманга тобе бўлиш ютқазиш эмаслигини англади, Ҳожи Барлос ва бошқа амирларга «Туғлуқ Темурхоннинг ҳузурига борсангиз, икки фойда, бир зиён бордир», Хуросон томонга ўтиб кетишининг (эса) икки зиёни, бир фойдаси бордир»[30], дея доноларча маслаҳат берди. Кейинчалик Ҳожи Барлос Хуросонга қочиб, ҳалок бўлгач, ўзининг тадбири тўғри эканлигини англади.

Темурнинг биринчи кенгаши ўзи учун муваффақият келтирди, десак, хато қилган бўламиз, зеро, у халқ учун, кейинги авлод учун ҳам намунали сабоқдир. Халқ, деганимизда, Қарши воҳасини талон-тарож этишдан мўғул қўшинлари зулмидан қутулиб қолган Темурнинг юртдошларини назарда тутаяпмиз. Дарвоқе, Амир Темур мол-мулк, совға-саломлар тўплаб, мўғул амирларининг оч кўзларини бойликка тўлдирди, амирлар ҳам осонгина қўлга кирган ўлжадан оғизлари қулоқларига етиб, Туғлуқ Темурга унинг тўғрисида мақтовли гаплар айтдилар. Тез орада Амир Темур Мовароуннаҳр ҳокими этиб тайинланди. Аммо тарихимизга кўз югуртирсак, душман ҳеч қачон ўз аҳдига вафо қилмаганига гувоҳ бўламиз. Туғлуқ Темур ўз аҳдидан қайтиб, ўғли Илёсхўжани Мовароуннаҳрга ҳоким қилиб жўнатади.

Бу ерда Соҳибқирон Темурнинг яна бир инсоний хислатини кўрамиз: аҳдидан қайтган инсон худонинг назаридан қолади,

[30] Темур тузуклари. Форсчадан Алихон Соғуний ва Ҳабибулло Кароматов таржимаси. Б.Аҳмедов таҳрири остида. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1996, 27-б.



Амир Темур бундайлардан узоқ юришга ҳаракат қилган. У Илёсхўжага хизмат қилишдан бош тортди ва Амир Ҳусайн билан унга қарши иттифоқ тузади. Тузуклардаги иккинчи кенгашдан маълум бўладики, Мўғулистон мамлакати аскарлари Мовароуннаҳрга қайтадан бостириб киради.

Илёсхўжа давлат ишларида лаёқатсиз бўлганлиги учун уларга қарши кураша олмайди. Босқинчилар Мовароуннаҳрлик етмиш нафар саййидни асирга оладилар. Халқ золимларга қарши курашда Амир Темурни қўллаб-қувватлайди.[31] Уламою фозиллар унга фатво ёзиб бергач, душманларга қарши курашда Амир Темур халқ ва шаръий жиҳатдан қонуний ҳукмга эга бўлади. Ҳокимият учун сиёсий кураш авж олиб кетади. Туғлуқ Темур Амир Темурни йўқ қилиш учун буйруқ юборади, аммо бахтли тасодифми ё бошқами, ишқилиб, ёрлиқ унинг қўлига келиб тушади. У пири Абу Бакр Тойибодийнинг маслаҳати билан Хоразмга кетишга мажбур бўлади.

Амир Темур давлатининг вужудга келишида сарбадорларнинг ўрни қандай? Маълумки, ҳар қандай сиёсий даврда, ўта оғир сиёсий вазиятларда халқ бирлиги мамлакатлар ҳаётида асосий куч саналган. Ҳокимиятсиз қолган Мовароуннаҳр аҳолиси ҳам ўз эрки ва озодлиги, оила шаъни, муқаддас тупроғи ҳурмати учун мўғулларга қарши курашга отланди. Бу ҳаракат тарихда «сарбадорлар» ҳаракати номи билан шуҳрат топди.[32]

Самарқандда бундай ҳаракатга Мадраса талабаси Мавлонзода, пахта титувчилар маҳалласининг оқсоқоли Абу Бакр Кулуйи (Наддоф) ва мерган Хурдаки Бухорийлар бошчилик қилдилар. Улар ҳокимиятни бошқаришда етарли тажрибага эга эмасдилар. Фақат халқнинг босқинчиларга бўлган нафрати, ўзаро жипслашуви, озодликка бўлган интилишларининг кучлилиги боис Илёсхўжа лашкари устидан ғалаба қозондилар ва бутун қиш давомида Самарқанд Мавлонзоданинг қўлига ўтиб, «уни имом ва амир сифатида қабул қилдилар».[33] Сарбадорлар

[31] Темур тузуклари. – Тошкент: «Шарқ», 2005. – 19-б.

[32] Сарбодорлар ҳаракати Хуросонда вужудга келиб, уларнинг пойтахти Сабзовор шаҳри бўлган. Бу давлат (1337-1381) 45 йил яшаган.

[33] Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. – Тошкент: Адолат, 2000, 157-б.

ҳаракати Амир Темур давлатининг ташкил топишини тезлаштирди.

«Мовароуннаҳр ҳокими бўла оладиган амирлар кўп эди. Ана энди, нима учун бу чўққига айнан Амир Темур кўтарила олди, деган саволга жавоб излайлик. Тўғри, унинг тақдирида бундай қисмат аввалдан ёзилган эди, дейиш осон. Аммо бунда энг муҳим жиҳат адолат мезонидир, зеро, унинг хоҳ сиёсий, хоҳ маърифий жабҳаларида, қайси ҳаётий масала хусусида бўлмасин, у ҳар бир кишига биринчи навбатда инсоний қонун-қоидалар, тамойиллар бўйича ёндашди.

Демак, 1365-1370 йиллар орасида Соҳибқироннинг давлат тузиш борасида олдида турган энг муҳим муаммолар қуйидагилар эди:

1. Аввало Мовароуннаҳрни мўғуллар зулмидан бутунлай халос этиш, у билан муроса қилиш.

2. Амир Ҳусайнга истаган вилоятини бериб, уни назоратда тутиш.

3. Турли вилоятларда «қўғирчоқ» ҳукумат тузиб, Мовароуннаҳрни пароканда этган амирларни тобе ҳолатига келтириш.

4. Мамлакат чегараларини мустаҳкамлаш, пойтахтни танлаш, уни обод этиш.

5. Қўшинни тартибга келтириш, озиқ-овқатидан тортиб, навкарлар маошини тўлашгача бўлган барча ишларни ҳал этиш.

У ўзининг ўн иккинчи кенгашида «тўғри чораю тадбир ишлатиб, Илёсхўжа лашкарини синдирдим»[34], деб ёзади. Ўн учинчи кенгашда ўқиймиз: «Жете лашкари урушда енгилганига иқрор бўлганидан кейин, иккинчи бор жанг қилишга ботинолмади, «чорасиз қолган Илёсхўжа Хўжанд сувидан ўтиб кетди».[35]

Шундан сўнг Амир Темур салтанат мустақиллигини мустаҳкамлашга киришади. Бу тўғрида «Тузуклар»да шундай ёзилади: «Кенгашларим ўзини шавкатли, буюк амир деб ҳисоблаган ва бошқа амирлардан ўзини улуғроқ билаётган амирларни итоат эттириб, бўйсундиришга қаратилганди».[36]

---

[34] Темур тузуклари. – Тошкент, 1996, 44-б.
[35] Ўша асар. – Тошкент, 1996, 44-б.
[36] Ўша асар. – Тошкент, 2005, 37-б.



Амир Темур олдида амир Ҳусайн масаласи кўндаланг турар, бу ўша пайтда биринчи вазифа ҳисобланиб, уни тезда қатъий ҳал этиш лозим эди. 1365 йилдаги «Лой жанги»дан сўнг Соҳибқирон унга ишонмай қўйганди. Шу боис, уни Хўжа Шамсиддин Кулол мозорига олиб бориб, дўстлик изҳор қилиб, қасам ичса-да, кейинчалик у ўз қасамини бузади ва хун талабгорлари томонидан ўлдирилади.

Бошқа амирлар ҳам ёки кенгаш билан ёки уруш, ёхуд дипломатия йўли билан бўйсундирилади. 1370 йилнинг 9 апрелида Балхда ўтказилган Қурултой уни қадимги турк одати бўйича оқ кигизга ўтказиб, Мовароуннаҳр ҳукмдори деб эълон қилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, баъзи нусхаларида бу воқеа бошқача тарзда келтирилган. Жумладан, «Қиссаи Темур»да таърифланишича, «жетелар» тор-мор келтирилиб, бир вақтлар Темурнинг иттифоқчиси бўлган, кейинчалик унинг душманига айланган Амир Қозоғоннинг набираси Балх ҳукмдори бўлиб турган Амир Ҳусайн ҳам ҳалок бўлгач, ўша даврда таъсири кучли бўлган уч ҳукмдор – Бадахшон ҳокими Шоҳ Муҳаммад Бадахший, Хатлон ҳокими Амир Кайхусрав Хутталаний ва ўзини минг оилалик сулдузлар уруғининг ҳокими деб билган амир Шайх Муҳаммад Баён сулдуз Мовароуннаҳр ҳукмдорлигига даъво қиладилар. Ана шу вақтда Термиз Сайидларидан Сайид Абдул Баракот Амир Кайхусрав талаби билан қуръа ташлайди. Қуръа уч марта ҳам Амир Темур номига чиққач, ўн икки амир унга бўйинсуниб муборакбод қилишади. Шундан сўнг: «Сана етти юз етмиш биридаким, ўттиз беш ёшга кириб эрдим, тўрт азамушон сайидким, аларнинг бири Сайид Абул Баракот ва яна бири Абул Маъоний ва яна бири Амир Зиёвуддин, ва яна бири Амир Али Акбар эди, саодатлиғ саотида манинг қўлумни тутуб, салтанат тахтиға миндурдилар», деб ёзади Амир Темур бу ҳақда.[37] Ушбу манбада келтирилган: «Ва ман тахтга минган кун аввал умаро сипоҳининг ултурмоқ ва тик турмоқлик тузукин қилдим. Самарқанд ва Бухоронинг раъиятларин табоби била тархон қилдимким, алардан молу-

---

[37] Қиссаи Темур («Малфузоти Темурий»). – Тошкент, 2000, 213-б.

манол олмасунлар»[38], деган маълумотлар ҳам бошқа манбаларда учрамайди. Шу тариқа Мовароуннаҳр ҳаётида янги давр бошланади. Амир Темур номи оламга ёйилди.

Амир Темур шахси унинг давлат тузиш ҳамда аскарбошилик фаолияти ҳақида яқин-яқингача фақат бир томонлама ёндашиб келинди. Шу давр тўғрисида илмий иш ёзган муаллифлар, асосан,тарихчи Ибн Арабшоҳнинг «Темур тақдирида тақдир ажойиботлари» номли асаридаги унга берилган таърифига суяниб, уни раҳмсиз, жоҳил, золим Чингизхондан ҳеч кам бўлмаган ўрта аср ҳукмдори деб таърифлаб келдилар.[39]

Аммо шу нарсани тан олиш керакки, Ибн Арабшоҳнинг китоби диққат билан ўқилса, Темурга берилган салбий баҳолардан ижобийлари кўпроқ. Аммо Оврўпо тарихчилари шу китобда келтирилган уч қаторгина таърифни ушлаб олганлар, холос. Шунинг учун ҳам бундай бир томонлама ёндашишни, энг аввало, ғаразсиз деб баҳолаб бўлмайди, қолаверса, бу тарихий фактни бузиб кўрсатишдир. Тўғри, Амир Темур ўз даврининг ҳукмдори, унинг шахси зиддиятли бўлиб, фаолиятида адолат ва қатгиққўлликлар бир чизиқда ётади.

Унинг давлат арбоби ва аскарбошилик фаолиятини икки даврга бўлиш мумкин: 1. Темурнинг Чиғатой улусида ҳокимиятни қўлга киритиши. Мўғуллар зулмини ағдариб ташлаб, мустақил марказлашган давлат тузиши (1370-1380 йиллар). 2. Империяни кенгайтириш мақсадида ўзга мамлакатларни асоратга солиш даври. Марказлашган давлат тузилгач, бутун кучини қисман мудофаа ва истило урушларига бурди (1380-1405 йиллар). Тез фурсатда Хуросон ва Эронни, Ҳиндистон, Ироқ, Сурия ва Мисрни, Рум ва Кавказортини босиб олиб, ўз давлати ҳудудларига қўшди. Шуниси характерлики, фақатгина Темурда эмас, балки ўрта асрнинг деярли барча ҳукмдорларида шунга ўхшаш ўзга ерларни босиб олиш кайфияти мавжуд бўлган. Маркази Самарқанд бўлган жуда кучли давлат вужудга келган бир даврда Осиёда иккита кучли Турк давлати бор зди. Бу даврга келиб, Олтин Ўрдада оз сонли

[38] Қиссаи Темур («Малфузоти Темурий»). – Тошкент, 2000, 120-б.
[39] Қаранг: Ибн Арабшоҳ. «Ажойиб ал-Мақдур фи тарихи Таймур» (Темур тарихида тақдир ажойиботлари. 2-қисм. – Тошкент: Меҳнат, 1992, 70-б.



бўлган мўғул уруғлари мусулмончиликни қабул қилиб, туркий уруғларга тамомила сингиб кетган эдилар. Олтин Ўрданинг давлат тили хоразмий туркий тили эди. Анатолияда эса қудратли Усмонли турклар давлати ташкил топиб, улар Рум (Византияга), Шарқий Европага таҳдид солиб турар эдилар. Усмонли беклар насаблари бўйича Марказий Осиёлик турк бекларига яқин эдилар. Темур давлатининг яшаш ва яшамаслиги ана шу икки давлат билан бўладиган муносабатга ҳам боғлиқ эди.

Юқорида кўриб ўтганимиздек, Амир Темур кўп ўтмасдан, ўз иттифоқчиси бўлган Турк амири Қозоғоннинг набираси Ҳусайнни жангда енгиб, 1370 йилда унинг бош кенти – Балхни қўлга киритади ва икки дарё оралиғида марказлашган кучли давлат тузишга киришади. Унинг бу ишида Чиғатой беклари, ҳарбий бошлиқлар, руҳонийлар ва шаҳарликлар орасида таянч кучлар вужудга келади. Дастлаб, у Кешга келиб, давлат вазирини, туман бошлиқлари ва мингбошиларни тайинлайди. Хоразмдан бошқа барча ерларни ўз ҳокимияти остига бирлаштиради. Мўғуллар даврида Хоразм икки қисмга бўлинган бўлиб, маркази Урганч шаҳри бўлган Шимолий Хоразм, бу Олтин Ўрда таркибига кирар эди ва иккинчиси – Маркази Кат қалъаси бўлган Чиғатой улусига кирадиган Жанубий Хоразм эди. 1359 йилда Олтин Ўрдада юз берган ғалаёнлардан кейин бу иккала қисмни Қўнғирот қабиласига мансуб сўфийлар бирлаштирган эди. Аммо бу вақтда собиқ Чиғатой улусида ҳокимиятни ўз қўлида тўплаб олган Амир Темур ўзини шу улуснинг ҳам вориси деб ҳисоблаб, Хоразмнинг Олтин Ўрда билан бирлашишига норози эканлигини билдиради.

Амир Темурнинг Турон элини бирлаштириш учун олиб борган кураши ҳокимият ўзбек амирлари қўлларига ўтган Олтин Ўрда давлатини буюк давлатчилик сиёсатига қарши кураш билан бирга боради. Хоразмни ўз давлатига қўшиш учун 4 марта юриш қилиб, 1388 йилда уни узил-кесил қўшиб олди. 1395 йилда у Шимолий Кавказдаги Терек дарёси бўйида Оқ Ўрданинг ўзбек амирларидан бўлган Тўхтамишхонга халокатли зарба берганидан кейин Олтин Ўрданинг бош кенти – Сарой Беркани эгаллади.

Олтин Ўрдага берилган зарба Амир Темур ўз давлати манфаатларидан келиб чиқишига қарамасдан, бу ғалаба рус

халқига ва Рус давлатига кўрсатилган катта ёрдам эди. Бу тарихий ҳолни илғор фикрли рус тарихчилари А.Ю. Якубовский ва Б.Д.Грековлар объектив баҳо бериб, тан олганлар.[40] Тўғрисини айтганда, унинг хизматларини тўғри тушуниб тан олганлар Россияда ҳозир ҳам кўп. Шулардан бири Россиянинг Покистондаги элчиси А.Ю.Алексеевнинг қуйидаги сўзлари диққатга сазовордир: «Амир Темур Тўхтамишхон устидан қозонилган ғалаба ҳақида Олтин Ўрдани емириш билан Рус мамлакатини қарийб 200 йил давом этган мўғул-татар зулмидан фақат озод қилибгина қолмай, балки Россиянинг мустақил давлат сифатида ривожланишига йўл очиб берди. Бу тарихий ҳақиқат. Лекин Россияда яқин вақтларгача бу ҳақида гапирилмас ёки гапиришни исташмасди. Бироқ бундан кўз юмиб бўлармиди?! Ҳақиқат – бу ҳақиқат!»[41] 1405 йилда Амир Темур Хитойга қилаётган юришида касалланиб, вафот этади. Гарчи Ибн Арабшоҳ ва баъзи тарихчилар уни саводсиз, шафқатсиз ҳукмдор сифатида ёзиб қолдирган бўлсалар-да, унинг жаҳон тарихида тутган ўрни, ўзбек давлатчилиги, унинг тарихи, маданияти қаҳрамонлик тарихи олдидаги хизматлари ниҳоясиздир. Унинг қийинчилик билан тузган давлати кўп сонли амирзодалар орасида тез бўлиниб, парчаланиб кетади. Амир Темур вафотидан кейин ўзаро ҳокимият учун курашлар кучаяди.

Шоҳрух (1405-1447) даврида гарчи Амир Темур давлатининг бир қисми бой берилган бўлса-да, аммо у қудратли давлат эди. Бу давлат амалда иккига – бош кенти Ҳирот бўлган Хуросон ва бош кенти Самарқанд бўлган Мовароуннаҳрга бўлинган. Шоҳрух 15 ёшли ўғли Улуғбекни Самарқанд ҳокими, Амир Темурнинг сафдоши – аскарбоши Шоҳ Маликни эса унга Отабек қилиб тайинлайди. 1411 йилдан эътиборан, 17 ёшли Улуғбек Мовароуннаҳр ва Самарқандни мустақил бошқарди. «У одил судлов ва бошқаришни амалга оширишда мақтовга сазовор қоидаларга риоя қилди», – деган эди Давлатшоҳ Самарқандий. Улуғбек отасидан икки йил кейин, ўз ўғли Абдуллатифнинг

[40] Греков Д.Д. Якубовский А.Ю. Олтин Ўрда ва унинг қулаши. – Тошкент, 1950, 317-318-б.
[41] Ғойибов Н. Амир Темур даври маънавияти. – Тошкент, 2001, 24-б.



фатвоси билан 1449 йилда ўлдирилди. Ундан кейинги даврда Дашт ўзбекларининг икки дарё оралиғи ишларига аралашуви кучайиб, уларнинг хони Абулхайрхон ёрдамида Мироншоҳ авлодларидан бўлган Абу Сайид (1451-1469) ҳокимиятни қўлга олади. У Эронда Темурийлар ҳукмронлигини тиклаш учун қилинган урушда асир олиниб, қатл этилгач, ҳокимият унинг авлодларига ўтади. Хуросонда эса Умаршайх авлодларидан Султон Ҳусайн Бойқаро ҳукмдор бўлади. XV асрнинг охири – XVI асрнинг бошларига келиб, Темурийлар давлати ўзаро тахт талашишлар ва Дашт ўзбекларининг ҳужумлари остида ҳалокатга учради. Хуллас, Амир Темур, энг аввало, халқини ва юртини золимлар исканжасидан озод этишда мардлик ва жасорат кўрсатди. Ватан иқболи, шону шавкати учун фидойиларча курашди, ўзи айтганидек, «салтанат тўнини кийгач», тинчлигу соғлиғи кетди, ўз тўшагида роҳатда ухлаш, ҳузур-ҳаловатидан воз кечди. Аммо у «адлу инсоф билан жаҳон гулшани обод бўлур» дея, ўзидан яхши ном қолдирди. Бугунда у тузган қудратли давлатнинг моҳияти ва тарихда тутган ўрнига аҳамият бериб, унинг ўзбек давлатчилиги борасидаги энг яхши анъаналарини ўрганиш, давлатининг вужудга келишини янада кенгроқ таҳлил этиш бугунги давлатчилик ишларимизда жуда қўл келади. Шундай қилиб, Амир Темур салтанатининг ташкил топиши тасодифий бир ҳол бўлмасдан, бутун XIV аср ижтимоий-сиёсий воқеалари ривожланишидаги тарихий жараённинг тақозоси эди. Марказлашган давлат ташкил топишининг ички ва ташқи шарт-шароитлари мавжуд эди. Ички сабаблари: а) Чиғатой улусининг инқирози ва сиёсий тарқоқликнинг кучайиши мамлакатнинг иқтисодий аҳволининг тобора оғирлашиб бораётганлиги, шунинг учун деҳқонлар, чорвадорлар, ҳунармандлар, савдогарлар-барча аҳоли мамлакатни мўғул зулмидан халос қилиш ва уни бирлаштириш тарафдори эди; б) мўғуллар истибдодининг ўрнатилиши, Чиғатой хонларидан то Тармаширин давригача ислом дини мавқеини жуда пасайтириб, унинг обрўсини тушириб юборган эди. Давлатда ислом дини мавқеини тиклаш бутун руҳонийларнинг хоҳишига айланган, улар тезроқ бу истибдодни тугатиш тарафдори эдилар; в) ўзаро урушлар, ҳокимият талашишлар халқнинг тинка-мадорини қуритиб юборган,

шунинг учун бутун халқ истиқлол ва ягона давлат тарафдори эди. Ташқи шарт-шароитларига келганимизда: а) Олтин Ўрда, Оқ Ўрда томонидан Муовароуннаҳрда ўзгаришлар кузатилар, вақти-вақти билан Чиғатой улуси ишларига аралашиш ҳоллари юз бериб турарди; б) Чиғатой улиси иккига бўлиниб, Мўғулистон ташкил топган ва унинг қудратли хони Туғлуқ Темурхон бу улусни ўз давлатига қўшиб олиш учун икки марта Моварауннаҳрга қўшин тортиб келиши, яъни қайтадан мўғуллар ҳукмронлигини тиклашга интилиш мавжуд эди. Ана шу шарт-шароитлар Амир Темурнинг марказлашган Туркистон салтанатининг ташкил топишини тезлаштирди.

## 1.2. Амир Темурнинг давлат ҳуқуқий қарашлари

«XIII асрнинг 20-йилларида Марказий Осиёга мўғул ҳукмдорлари эгалик қила бошлашлари оқибатида Абу Наср Форобий, Мусо Хоразмий, Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Аҳмад Югнакий, Маҳмуд Кошғарий кабилар заковати билан тикланган илм-фан ва маданиятимиз қоялари нурашга юз тутди, ҳукмрон мафкура ҳисобланган ислом дини ҳам ўз мақомидан анчагина маҳрум бўлди. Чунки Мовароуннаҳрни ўз улуси ўлароқ тасарруфига олган Чиғатойхон ислом динининг ашаддий душмани эди».[42]

Ёв асоратида қолган Мовароуннаҳр халқи, озодлик курашига шайланар экан, кўксида асраб-авайлаб келган истиқлол ғоясини қудратли куч ва ҳаракатга айлантирадиган маънавий асосни ахтарди.[43] Туронликларнинг эркка бўлган интилиш ва иродасини тарбиялаган ер, аввало, машҳур аждодлар ватанпарварлиги, сўнгра дини ислом ва шу юртда дунёга келган тўрт буюк тариқат бўлди. Мўғуллар босқини арафасида шаклланиш босқичида бўлган Футувват (жавонмардлик, жўмардлик), Яссавия, Хожагон (кейинроқ Нақшбандия) ва Кубравия тариқатлари намояндалари таъсирида халқ эътиқодини поклаб, маънан ўзидан тубан турувчи душман устидан руҳий ғалабага эришди.

---

[42] Бу ҳақда батафсил қаранг: Ҳ.Бобоев. Амир Темур ва темурийлар салтанати. – Тошкент: Камалак, 1996, 3-65-б.
[43] Яхшиликов Ж., Ахадов Ш. Темурийлар маънавияти (Илгариги манбалар ва янги тадқиқотлар асосида). – Тошкент: Фан, 1999, 6-7-б.



Темурнинг ижтимоий-сиёсий тамойиллари тизимини янада батафсилроқ баён қилсак, қуйидаги манзара ҳосил бўлади:

1. Амир Темур иқтисодиётни ҳар қандай салтанат пойдевори, деб тушунган. «Давлату салтанат – деб таъкидлайди, Темур ўзининг «Тузуклари»да, – уч нарса билан – мулк, хазина ва лашкар билан тирикдир». Бу билан Темур давлатнинг яшаши ва ижтимоий ривожи учун, аввало, иқтисодий имкониятларга эга бўлиши зарурлигини таъкидлайди.

2. Амир Темурнинг қарашларига кўра, ҳар бир мамлакат, турли хил иқтисодий имкониятларидан келиб чиқиб, барча минтақалар «хусусида тўла маълумотларга эга бўлиши ва уларнинг иқтисодий хусусиятларини ҳисобга олиши» лозим.

3. Амир Темур асосий ишлаб чиқариш воситаси бўлган ер эгалигига катта эътибор қилди ва ҳар бир вилоятни идора қилишда давлат, вакф, хусусий ер эгалиги тартибларини сақлаб қолди ва бунга ер майдонининг миқдори, эгалик ҳуқуқини давлат манфаатини кўзда тутиб, ўзгартиришга ҳаракат қилди.

4.Темур меҳнатнинг яратувчанлик фаолиятини назарда тутиб, уни ижтимоий қадрият, деб тушунди.

5. Амир Темур иқтисодий тамойиллари тизимида молия масалаларига катта эътибор берган. Чунки молия Темур назарида давлатнинг иқтисодий таянчи ҳисобланган.[1] Темурнинг Темурнинг сиёсий-ҳуқуқий қарашлари унинг ахлоқий қарашлари билан асосланади ва диний ахлоқ устига қурилади. Шунинг учун ҳам Темур назарида ҳар қандай сиёсатнинг муваффақияти подшоҳнинг ўз фуқароларига бўлган раҳмдиллиги, саховатида-дир. Қуръонда «Тахлаку би-ахлоқ Аллоҳ» дейилганидек, – деб ёзади Темур, – агар подшоҳ, бирор гуноҳкорнинг гуноҳини кечирса, бу билан фуқаросига раҳм қилган бўлади. Менинг барча ишларимда ана шундай подшоҳлар менга ибрат бўлди».[2]

Темур ўз сиёсатида ҳам адолат, ҳаққонийлик, одилликка таяниб иш тутди. Чунки ўз сиёсатида ҳақ йўлини танлаган

---

[1] Қаранг: Каримов С.К. Амир Темур ижтимоий-сиёсий таълимотининг асосий тамойиллари. Ўрта Осиё социологик фикрлари тарихидан (Ўқув қўлланма). – Самарқанд: СамДУ, 261-262-б.
[2] Темур Тузуклари. 1996, 17-б.

Темур бундан бошқа сиёсат юритиши мумкин эмас эди. У нимаики қилса, шариат доирасида, мусулмон фиқҳи қоидаларига таяниб, умуман Ислом қудрати билан иш тутди. Бу эса Темурнинг ўз пири Абу Бакр Тойибодийнинг «рости-расти» яъни, «ҳақгўй бўлсанг, нажот топасан» ҳикматини, Ибн Арабшоҳнинг ёзишича, Темур ўз тамғасига муҳр сифатида ўрнаштирган эди.[1] Шундай қилиб, Темур ҳам адолат ҳақидаги ўз қарашларини диний тамойиллар асосида баён қилди.

Маълумки, XIV-XV асрларда ислом мафкураси ўзининг расмий ҳукмронлиги учун кураш олиб борди, бунинг натижасида у кучли марказлашган давлат барпо бўлишига ёрдам берди, – деб таъкдлайди проф. С.К.Каримов.[2]

Бизгача сақланиб қолган йилномалар ва тарихий манбаларда Темурнинг динга муносабати ўзининг яққол ифодасини топган. Жумладан, ислом динига муносабат тамойилини ишлаб чиққанлиги бутун темурийлар учун дастур вазифасини ўтади. Чунки Темур ислом динига давлатни идора қиладиган сиёсий тамойили йўқлиги учун эмас, балки унинг халққа энг яқин ва маъқул бўлганлиги ҳамда унинг инсонпарвар хусусияти учун тўла таянган.

Темур ўз «Тузуклари»да ислом дини ва шариат қонунларига таянмайдиган ҳокимият узоққа бормай, ўз қудратини йўқотади, шунинг учун подшоҳлик, албатта, дин ва шариат қонун-қоидаларига сўзсиз амал қилиши лозим, деб ҳисоблайди.

У ўз қарашларида савдога, ишбилармонликка катта йўл очиб, уларга имтиёзлар яратиб берган. Лекин у ҳалол, ҳақиқий меҳнатга асосланган тижоратни қувватлаган, ҳатто бундай тадбиркорлардан уч йилгача солиқ олмаган. Темур фақатгина давлат раҳбари сифатидагина эмас, балки бир мутафаккир сифатида ҳам ўз даврининг илғор сиёсий қарашлари мукаммал тизимини яратди. Чунки у бирор ғояни ўз фикрида таҳлил қилганида масаланинг ҳамма томонини ҳисобга олар эди. Унда ўзгалар фикрини эшита олиш ва қабул қила олиш қобилияти бор эди.

[1] Ибн Арабшоҳ. Кўрсатилган асар, 2-қисм, 65-б.
[2] Каримов С. К. Кўрсатилган асар, 168-б.



Кўринадики, Темурнинг сиёсий тамойили марказида инсон туради. Темур ўз даврида салтанат манфаатини халқ манфаатига бўйсундира олган давлат раҳбари эди.

Темур сиёсий қарашлари тизимининг яна бир муҳим томони шундан иборатки, у ҳар бир сиёсий масалани ҳал этишдан олдин шу соҳанинг билимдон одамлари, олимлари билан маслаҳатлашиб, сўнгра қарор қилар эди. Унинг олимлар билан қиладиган маслаҳатлари турли шакл ва даражада бўларди.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, XIV-XV аср мутафаккирлари[1] ўз ижодлари ва ғоявий карашларида адолатли ва маърифатпарвар шоҳнинг энг олий сифати қилиб, бирлари адолатни кўрсатсалар, бошқалари ақлни, учинчи тоифадагилар эса - ахлоқий сифатларни кўрсатганлар. Шуниси қизиқарлики, агар улар ўзларининг «Идеал давлат» номли ғоявий хаёлотини назарий жиҳатдан таърифлаган бўлсалар, XIV асрга келиб, Амир Темур уни амалда қўллай олди ва ўзида бухислат ва хусусиятларни мужассамлаштирган адолатли ҳукумдор сифатида майдонга чиқди.

Ўз салтанати сиёсатини тасаввуф асосига қурган Темур адолат байроғини баланд кўтариб, халқни қуруқ қонун-қоидага эмас, балки инсоний тартиб-интизомга бўйсунишга чақирган. Чунки Темур инсоний тартиб-интизомга илоҳий тус бериб, уни муқаддас деб билади ва шунинг учун ҳам ёмонликни мақсад қилган кишиларни жиловловчи ва яхшилик йўлида жафо чекувчиларни қувватловчи ҳар қандай подшо ва ҳокимга бўйсуниш керак, деб ҳисоблайди.

Темур, проф. С.К.Каримовнинг фикрича, тасаввуфнинг ривожланишини янгича хусусият билан бойитган ва унинг дунёвийлик аҳамиятини янада кенгайтирган.[2] Амир Темур ҳар гал Қуръони Каримдан сўнг пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг муборак номларини ҳадсиз ҳурмат-эҳтиром билан тилга олади, ул ҳазратнинг саҳобаларини ва авлодлари – саидларни ўзининг ягона ва энг яхши дўсти деб билади. Шуниси

[1] Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри, 160-161-б.
[2] Каримов С.К. Амир Темурнинг тасаввуфга муносабати. Амир Темур ва унинг дунё тарихидаги ўрни. 17-18 бетлар. Халқаро илмий конференция маърузалари баёни. – Самарқанд, 1996. 22-23 май.

муҳимки, Амир Темур жаҳоннинг катта қисмини фатҳ этиб, хоқон бўлганида ҳам исломга тааллуқли ишларни дунёвий ишлардан устун қўйди. Бу ҳақда у шундай ёзади: «Аввал Тангри таоло тоатини адо этиб бўлгандан кейингина кундалик ишларга қўл урдим».

Ёки: «Мен ўн икки нарсани ўзимга шиор қилиб олиб, салтанат мартабасига эришдим... давлат ва салтанатимга боғланган менинг биринчи тузугим Тангри-таолонинг дини ва Муҳаммад Мустафонинг шариатига дунёда ривож бердим, ҳар ерда ва ҳар вақт ислом динини қувватладим,[1] чунки унинг шариат ва дини ойинга асосланган, унинг метин пойдевори устида қурилган салтанат тартиботлари мусулмон халқи томонидан тез тушунилган ҳамда ижро этилган. Раият (халқ)дан узоқ, исломий талабларга таянмайдиган подшоликнинг ҳалокати яқин бўлганидек, дин ва шариат заифлашган юртда улуғ аъмоллар хор этилади, адолат оёқости қилинади, жабр-зулм, фисқу фасод кучайиб кетади.

Мазкур ақидадан келиб чиққан Амир Темур ёзади: «Қайси мамлакатда диндан қайтишлик (илҳод) ва зиндиқлик (худосизлик, динга ишонмаслик) кучайса ва у диёрнинг аҳолиси, сипоҳу раияти турли маслакка кириб, иттифоқлари бузилса, у мамлакатнинг ҳалокати яқиндир».[2] Шу кунларгача ҳам Амир Темурнинг тасаввуф тариқатларига муносабатини белгилашда ягона фикр йўқ. Биров уни футувватчи деса, бошқаси Яссавия, айримлари Нақшбандия ихлосманди сифатида ёритадилар ва баҳолайдилар.[3]

«Комил ишонч билан айтишимиз мумкинки, – деб ёзади иқтисодчи олим З.Салоҳиддинов, – Амир Темур шахси, унинг тарихий жасорати футувватчилик таълимоти билан суғорилган эл-улус ичидан униб чиқди, ўсди, улғайди. Зотан Темурнинг ижтимоий келиб чиқиши ҳам олий ҳукмрон табақага мансуб бўлмай, у аслида раиятга яқин ўрта амалдор намояндаси эди. Шу

[1] Қиссаи Темур («Малфузоти Темурий»). – Тошкент, 2000. 260-262-б.
[2] Мен ким фотиҳи Темур. // Шарқ юлдузи, 1995, №1-11.
[3] Яхшиликов Ж., Аҳадов Ш.Т. Темурийллар маънавияти (Илгариги манбалар ва янги тадқиқотлар асосида). – Тошкент: Фан, 1999, 24-б.



боис, Темур Жавонмардлик қоидаларига амал қилиб, умрининг охиригача камтарона амирлик даражаси билан қаноатланди».[1]

Дарҳақиқат, Амир Темурнинг амалий фаолиятида жўмардлик тариқати қоидаларига қатъий риоя этганлиги, футувватчиларнинг барча хислат-фазилатларини ўзида мужассамлаштирганлигини исботловчи далиллар унинг ҳаёти ва фаолиятида жуда кўп. Бунга «Тузуклар»дан кўп мисоллар келтириш мумкин. Уларнинг наздида дунё бойлиги эмас, инсон қадри устун турган. Шунинг билан бирга, Темур тасаввуфнинг Яссавия тариқатига ихлоси баланд бўлганлиги ҳақида ҳам далиллар бор. Бунинг сабаби бир томондан «... Яссавия таълимоти ўзининг мустаҳкам интизоми, пок исломий-мазҳабий, ирфоний-тасаввуфий ғоялари билан Туркистон халқларини мўғуллар зулми ва истибдодига қарши жипслаштириб тарбиялаб борган»[2]лигида бўлса, иккинчи томондан, Амир Темур Кўрагон, Хўжа Аҳмад Яссавийнинг (1166-1167 йилда вафот этган) авлиёлик мартабасидан маънавий, руҳий озиқ, куч олиб келганлигидадир.

Йирик жанг ва тадбирлар олдидан, жумладан, Султон Боязидга қарши юриш бошлаганида Қуръондан, шунингдек, Шайх Аҳмад Яссавиий мақомотидан ҳам руҳий қувват излаб, фол очган. Бу ҳақда Набижон Маҳдум Хотиф Хўжандий 1836-1837 йилларда таржима қилган «Тузуки Темурий» («Зафарнома») асарида шундай дейилади:

Ва тангри башоратидан бири бул эрдики, ўшал вақтки Рум пойтахти томон юзланиб, ҳазрат Шайх Яссавий мақомотидан фол очдим. Бул башорат бўлдиким, ҳар урушда мушкул юзланса, бу рубоийни ўқунгиз. Рубоий:

*Ялдо кечани шамъа шабистон этган.*
*Бир лаҳза оламни гулистон этган,*
*Бас мушкул ишим тушубтур, осон этғил,*
*Эй барчани мушкулини осон этгил.*[3]

Мен рубоийни ёд этдим. Ул пайтки Қайсар аскариға юзландим ва рубоийни етмиш марта ўқудум ғалаба ҳосил

[1] Салохиддинов З. Тарихий жасорат ёҳуд жавонмардлик сабоқлари. // Гулистон, 1996, №4, 13-б.
[2] Усмон О. Ваҳдат шаробин ичдим... (Яссавия тариқати). //Мулоқот, 1991, №6.
[3] Амир Темур Кўрагон. Зафарнома. – Тошкент, 2000, 21-б.

бўлди[1], шуни айтиш лозимки, баъзи олимлар ҳақли равишда, Буюк Темур салтанати – империясининг бошқариш қонун-қоидалари Нақшбандий тариқати ғоялари билан асосланган, деб ҳисоблайдилар. Темур тузукларининг вужудга келиши, кучли мафкуравий назария ҳамда бой амалий тажрибалар маҳсули сифатида майдонга келганлиги кўрсатиб ўтилади. «Ана шу тарзда Нақшбандия тариқати ғоялари Амир Темур даврида Мовароуннаҳрда ва салтанатнинг бошқа ҳудудларида кучли ижтимоий мафкурага айланди», – деб ёзади файласуф Н.Ғойибов.[2]

Амир Темур маънавиятининг шаклланишида, унинг диний-фалсафий қарашлари ва ўз таълимотини яратишда, фақат Нақшбандийликни такрорлайверишда илмий асос йўқ, – деб ёзади проф. Ж.Яхшиликов.[3] Файласуф олим С.Каримов ушбу ҳолатларнинг барчасини назарда тутади, шекилли, Амир Темурни бирон-бир тариқат ёки сулукнинг муриди эмас, балки умуман «...суфийларнинг муоширлари (суҳбатдошлари, шериклари), яъни тасаввуф аҳлининг мухлиси, дўсти деб айтиш, мувофиқ бўлади, – деб хисоблайди, чунки суфий ҳеч нарсага банд ва гирифтор бўлмаслиги керак. Амир эса салтанат эл-улус ташвишлари билан банд, мудом тоат-ибодат билан ҳаёт кечиришга имкони йўқ шахс».[4] Биз ҳам олимнинг ушбу фикрини маъқуллаймиз. Чунки шундай катта давлатнинг бошлиғи тарафдорлик қилиб, бирон-бир тариқатга устунлик бериши мумкин эмас эди. Афтидан, Соҳибқирон ҳамма тариқатларни ҳам маъқуллаган кўринади.

Демак, Темур ўз салтанати сиёсатини амалга оширишда ислом, шариат, тариқат, футувват илмларини тўла эгаллаш билангина эмас, балки дунёвий илмларни ҳамда сиёсат тамойилларни, ўтмишдаги давлат бошлиқлари сиёсий

[1] Амир Темур Кўрагон. Қиссаи Темур («Малфузоти Темурий»). – Тошкент, 2000, 50-б.
[2] Ғойибов Н. Кўрсатилган асар, 2001, 10-б.
[3] Яхшиликов Ж., Ахадов Ш. Темурийлар маънавияти. – Тошкент: Фан, 1999, 34-б.
[4] Каримов С.К. У фоний бўлмаган (Амир Темур ва тасаввуф). // Гулистон, 1996, №5, 9-б.



қарашларини ўрганиш ва қабул қилиш билангина муваффақиятли сиёсат юргизиш мумкинлигини англаб етган.

Амир Темур ўзи яшаб турган жамиятни энг етук ижтимоий тизимга айлантириш, фаровон ҳаёт қуриш мақсадидагина курашиб қолмай, балки бу ғояларнинг бутун дунёда тантана қилишига ҳам ишонган эди. Фақат шу мақсаддагина у ҳарбийлик либосини кийган эди. У ана шундай мақсадларда жаҳонгирлик қилган ҳар бир давлат бошлиғи, асосан, тўрт нарсани хотирасида сақлаш кераклигини уқтиради: биринчидан, қайси мамлакатни забт этмоқчи бўлса, тўғри тадбир ва кенгаш билан иш тутиш; иккинчидан, хатога йўл қўймаслик учун ҳар бир ишни кўп ўйлаб, сергаклик ва эҳтиёткорлик билан қилиш; учинчидан, ўз атрофида аслзода эр йигитларни (амирларни) тўплаш ва бирлаштириш; тўртинчиси, бугунги куннинг ишини эртага қолдирмаслик.[1] Амир Темур дастури ва сиёсий-ҳуқуқий қарашларида мукаммал жамиятни орзу қилишдан кўра, кўпроқ уни амалга ошириш ҳамда унинг масъулиятини ўз зиммасига олиш яққол сезилиб туради. Шунинг учун ҳам Амир Темурнинг давлат арбоби, саркарда ва мутаффакир сифатидаги ўзига хос томони шундаки, у ўзи ҳукмронлик қилган салтанат (империя) тимсолида мукаммал жамиятни қурди ва уни ҳар томонлама мустаҳкамлашга ҳаракат қилди. Амир Темур сиёсий таълимотининг муҳим жиҳати жамиятни бошқаришда қонуннинг устуворлиги, қонунчилик масаласидир. Темур салтанатини бошқаришнинг асосий шарти, қонуннинг ҳамма аъмоллардан устунлигини тан олиш ва унинг асосий қоидаларини яратишдан иборат бўлди. Темурнинг қонун устуворлиги тамойили зарурий шарт эканлиги ҳақидаги хулосасида, қонуннинг устуворлиги жуда теран қўйилган: бу ғоя Соҳибқироннинг онгида Имом Исмоил Бухорий, Имом Абу Исо ат-Термизий, Форобий, Тафтазонийларнинг ҳуқуқий таълимотларини, Бурҳонидин Марғинонийнинг «Ҳидоя»сини, унинг «Мухтасар» ини мактаб ва мадрасада ўрганиб, олимлар билан бўлган учрашувларида эшитиш натижасида шаклланган ва шунинг учун жамиятда қонун устуворлиги масаласига «Тузуклар»да кенг ўрин ажратган. Яъни «Улуғ бобокалонимиз

[1] «Темур тузуклари». 1996, 116-117-б.

Амир Темур «қаерда қонун ҳукмронлик қилса, шу ерда эркинлик бўлади», деган гапларини тарих саҳифаларига зарварақлар билан ёздирган эди».[1]

Темур даврининг мумтоз тарихчиларидан бўлган Ибн Арабшоҳ Амир Темурнинг фазилатларини шарҳлаб: «Темур тенги йўқ феъл-атворли, чуқур мулоҳазали киши бўлиб, унинг тафаккур денгизининг қаъри йўқ ва (унинг) таъбири тагига на текислигу, на ғадир-будур орқали йўл топилади», – деб юксак баҳо берган эди.[2]

Амир Темурнинг қандай шахс ва давлат арбоби бўлганлиги ҳамда унинг сифатлари ҳақида жуда кўп муаллифлар ўз фикрларини айтганлар. Аммо айнан уни кўриб, суҳбат қилган кишилар Ибн Халдун, дон Клавихо ҳамда Темурнинг маслаҳатчиси ва, айниқса, ғарб мамлакатларига юборилган христиан элчиси Иоанн Францискнинг, ҳозирда Париж миллий кутубхонасида сакланаётган хотиралари, айниқса, қимматли, ишончли далилдир. «Амир Темур форс, араб ва турк тилларини билади. Қуръон илми ва Ислом ҳуқуқшунослиги илмида шу қадар кучли олимки ҳеч бир мусулмон олими у билан мунозара қдлишга қодир эмас, у олим ва шоирларга катта ҳурмат кўрсатади. Бунинг сабаби шундаки, унинг ўзи олим ва донишманддир».[3] Биринчи манбада келтирилган ушбу сифатлар собиқ шўро тарихчиларининг Амир Темурга берган таърифларини йўққа чиқариб, шу билан бирга, у «Тузуклар»нинг муаллифи эканлигини ҳам тасдиқлайди**.**

### 1.3. «Темур тузуклари», унинг яратилиши ва ўрганилиши

Минг йиллар давомида инсониятнинг буюк даҳолари тарихий тараққиётнинг ички мантиғини тушунишга ва шу асосда инсониятнинг иқтисодий, сиёсий ва маънавий ривожланиши муаммоларини ижобий ҳал этиб, жамиятни

---

[1] Каримов И.А. Биздан озод ва обод ватан қолсин. – Тошкент: Ўзбекистон, 1994, 189-б.

[2] Ибн Арабшоҳ. Ўша асар, 2-қисм, 71-б.

[3] Кўчирма А.Жузжонийнинг «АмирТемурнинг ҳуқуқий қоидалари» мақоласидан олинди. //Ҳаёт ва қонун, 1997, №7, 13-б.



бошқаришнинг энг мақбул, адолатли усулларини жорий қилишга интилдилар.

Бир ярим аср мобайнида мўғуллар зулми остида топталган, эзилган Мовароуннаҳрнинг сиёсат майдонида пайдо бўлган Амир Темурни фақат ўз манфаатлари учун курашга чиқди, десак ёки унинг «Тузуклари» фақат ўзи учун зарур эди, деган хулосага борсак, ҳақиқатдан йироқлашиб, тор фикрлар доирасига тушиб қолган бўламиз. Манбаларда эътироф этилишича, Соҳибқирон мамлакат тахтига ўтирган биринчи кунлариданоқ, яъни 1370 йил апрель ойиданоқ давлат ишларини қонуний ҳужжатлар асосида юритишга ҳаракат қилади. Бу фикрни ойдинлаштириш зарурати шу хусусда кенгроқ тўхталиб, батафсилроқ мулоҳаза юритишни тақозо қилади.

Гап шундаки, агар Амир Темур ўз давлатини қонунлар асосида барпо этмаса, бундай давлатнинг нуфузи, салоҳияти, обрўсига путур етар ва унинг ҳукмдори ҳам юқори даражада тан олинмасди. Чунки X-XII асрларда Мовароуннаҳрда илм-фан гуркираб ривожланган, жамият тараққиёти учун Ислом ҳуқуқига амал қилиш ижтимоий заруриятга айланган, кўплаб фиқҳ олимлари ҳуқуқшунослик оламини адолатли қонунлар мажмуалари билан зийнатлаган эдилар.

Жумладан, Бурҳониддин Марғиноний нафақат ҳукмдорлар, алломалар, балки оддий халқ орасида ҳам «ҳидоят йўлининг сарбони» сифатида катта обрў-эътибор топди. Ул зотнинг «Ҳидоя» асари мусулмон ҳуқуқшунослар орасида катта шуҳрат топди.

Ҳуқуқшуносликка оид бундай асарлардан мукаммал хабардор бўлган Амир Темур чингизийларнинг «Ясо» ва биликлар «Мангу ёрлиқ» сингари давлат ахамиятига эга бўлган ҳужжатларини ҳам синчиклаб ўрганган. Шунинг учун ҳам ҳукмдор ҳам ўз давлатига мана 600 йилдан бери турли баҳсларга сабаб бўлаётган, қонун ва қоидалар, ҳукмлар тўплами – тузукларни берди.

Ибн Арабшоҳ «Амир Темур тарихи» китобида шундай ёзади: «Темур тарих китоблари, ....анбиёлар қиссаларини, подшолар сийратлари ва ўтган салафлар ҳақидаги ҳикояларни доимо ўқитиб, кунт билан тинглар эди. У шу даражага бориб

етгандики, агар ўқиётган киши бирор хатога йўл қўйса, Темур унинг хатосини тузатиб, саволга солар эди».[1]

Тузукларнинг Амир Темур девонида туркий тилда ёзилганлиги ҳақида хулоса қилишга машҳур тарихчи Шараффуддин Али Яздийнинг қуйидаги фикрлари асос бўла олади: «...шу тартибда ул ҳазрат ҳаётининг улуғ воқеалари ва кечинмаларини ўз ичига олган туркий манзума ва форсий асар, алоҳида алоҳида назм ва (наср) тарзида тузулган эди», – деб гувоҳлик бериши[2], шунингдек, яқинда тўла ҳолда нашр этилган «Қиссаи Темур»да «амр этдимки, ул мактуб суратини воқеаларим дафтарида сабт этгайлар», – деб Темурнинг ўз қўли билан ёзилган сўзларнинг манбада учраши[3] «Тузуклар» XVII асрда Ҳиндистонда тузилган компилятив асар деб таъкидловчиларга жавоб бўла олади.

«Ушбу асар ёзилаётганда, – дейилади И.Мўминовнинг рисоласида, – унинг бобларини Темур неча марталаб ўқиб чиққан, баъзи жойларини тузатган, таҳрир этган, қўшимча далиллар зарур бўлиб қолганда, ўша воқеа содир бўлган жойларга одам юбориб, аниқлаштирган, воқеаларнинг доимо тўғри, тарихий ҳақиқатга мос равишда ёритилишини талаб қилган».[4]

Жамият ўзининг зарурий қонуниятларига эгадир. Ўша зарурий Қонуниятлар таркиб топмас экан, жамиятда турли тенгсизликлар келиб чиқиши ҳамда бу билан давлатнинг ривож топишига путур етиши муқаррар. Шу боис ҳам Амир Темурнинг, 27 давлатни бирлаштирган Марказлаштирилган улкан салтанати, табиийки, қонунлар тўпламлари асосида яратилган ва унга қатъий амал қилиш йўлга қўйилган бўлиши керак эди.

Амир Темур турмуш тажрибалари асосида ишлаб чиққан ва унинг ҳукми билан қонун даражасига кўтарилган қоидалар мажмуи бор эдики, уларни тўплам ҳолига келтириб, ўзидан

[1] Ибн Арабшоҳ. Ўша асар, 2-қисм. 94-б.
[2] Шарофиддин Али Яздий. Зафарнома. – Тошкент: Камалак, 1994, 91-б.
[3] Қиссаи Темур... 2000, 255-б.
[4] Мўминов И.М. Амир Темурнинг Ўрта Осиё халқлари тарихида тутган ўрни ва роли. – Тошкент: Фан, 1993, 18-б.



кейинги ворисларига ҳам қонунлар тизими, ҳам турмуш тажрибаси ва маслаҳатлар тарзида қўлланма қилиб қолдириши лозим эди. Ана шу тўплам тарихий асарларда ва турли тилдаги таржималарга мос ҳолда «Темур тузуклари», «Тузукот Темурий», «Темурнинг айтганлари» ва «Воқеоти Темурий» – «Темурнинг бошидан кечирганлари», «Қиссаи Темур», «Малфузоти Темурий», «Темур Қиссаси», «Зафар йўли», «Зафарнома», «Таржимаи ҳол», «Эсдаликлар», «Танзиймот» (янги қонун-қоидалар, ислоҳот), туркий чиғатой тилидан рус тилига ўгирилганда Малфузот ва Тузукот ўрнига «Дастур ул амал» номлари билан машҳурдир. Тузук сўзи асли эски ўзбек тилидаги «Қонун-қоидалар тўплами», «Низом» каби ҳуқуқшуносликка оид маънони англатган. Бундай «Қонун-қоидалар тўплами» ёзиш факатгина Темур даврига оид бўлмасдан, турк-мўғуллардан келиб чиққан бошқа хонларда ҳам учрайди. Жумладан, араблар истилосидан олдин Самарқандга келиб-кетган Хитой элчиси бу ердаги ибодатхонада Турк ҳоқонлигининг жиноят ва жазо ҳақидаги Низоми сақланганлиги ҳақида ёзиб қолдирган.

«Тузуклар»ни илмий адабиётларда, турли соҳа олимлари, унга турли қирралари бўйича ёндашиб, турлича баҳолайдилар: «давлат сиёсати аспектларини амалга ошириш дастури» (академик М.Хайруллаев)[5], Темур салтанатининг бутун қонун-қоидаларини ўзида мужассалаштирган ўзига хос Кодекс, Конституция (Ш.Муҳаммадиев).[6] Амир Темур даврининг муҳим ҳужжати, қимматли манба (К.Саидова)[7], Мустақиллик фалсафасини ўзида мужассамлаштирган асар (С.Абдувоҳидов, Н.Абдувоҳидов)[8] «Давлат юритишнинг машҳур қонун-

[5] Темур ва темурийлар даврида маданият гуллаб-яшнашининг омиллари. //Амир Темур ва унинг жаҳон тарихидаги ўрни мавзуидаги халқаро конференция тезислари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996, 51-б.
[6] «Темур тузуклари»да жиноят ва жазо масалалари.//Амир Темур илм-фан ва маданият ҳомийси мавзуидаги халқаро илмий амалий конференция тезислари. 2-қисм. – Самарқанд. 1996, 155-б.
[7] «Тузуклар» Амир Темур даврининг муҳим ҳужжати. – Ўша жойда, 142-143-б.
[8] Университет педагогик курси тизимида «Темур тузуклари»ни ўрганишга доир мулоҳазалар. Ўша жойда, 205-206-б.

қоидалари мажмуаси (проф. Н.Ғойибов)[9], АмирТемурнинг сиёсий васиятлари деб, ўз фикрларини билдирадилар. Ўрта Осиё халқларининг жанг олиб бориш усулларини тадқиқ қилган М.Иванин эса уни ҳақиқатан ҳам Амир Темур ҳузурида чақирилган кенгашлардаги маълумотлардан тузилган бўлиши тўғрисидаги фикрни билдиргани ҳолда, уни «мўғул тилида ёзилган» деб нотўғри таъкидлайди.[10]

«Агар, – деб ёзади туркийшунос олим Р.Рахмоналиев, – империяни тузишда юридик асос ҳисобланган, машҳурликда Наполеон кодексига тенг бўлган, «Тузукларни», шунингдек, унинг армияси учун жуда муҳим бўлган Ясо қонунларининг аҳамиятини унутиб турсак, дастлаб камгина воситаларга эга бўлгани ҳолда, жуда қисқа муддат ичида қандай қилиб жуда кўп подшоликларни забт этиб таниқли ва қудратли монархларни тахтдан ағдарганлигини тасаввур қилиш жуда мураккабдир».[11] Кўриб турибмизки, таниқли тадқиқотчи, шу ўринда тузукларнинг аҳамиятини XIX аср бошларида Францияда қабул қилинган Наполеон Бонапартнинг кодексларига тенглаштирмоқда.

Тузуклар «Амир Темур даврида давлатни идора этишда қўлланилган (идоравий) маъмурий ва ҳарбий қонун-қоидалар ва тартиботлар мажмуаси», – деб баҳолайди араб тадқиқотчиси Мазҳар Шиҳоб[12]. «Тузуклар»нинг яратилиши масаласида, республикамиз фани ва маданияти фидойиси, марҳум И.Мўминов таъкидлаганидек, тарихчиларнинг фикри учга бўлинади. Биринчи гуруҳга мансуб тарихчилар ҳақиқатан ҳам унинг муаллифи Темур, деса, иккинчи тоифадагилар уни Темурнинг котиби тузган, учинчилари эса умуман тукий тилда бундай манба бўлмаган, у XVII асрда йилномачилар томонидан форс-тожик тилида тузилган, дейишади. Шу фикрни биз беғараз, илмий фикрлар қаторига қўша олмаймиз. Унинг дастлабки

[9] Н.Ғойибов. Ўша асар, 10-б.
[10] Иванин М. Икки буюк саркарда. Чингизхон ва Амир Темур. – Тошкент: Фан, 1994, 121,163-б.
[11] Рахмоналиев Р. Империя тюрков (Тюркские народы в мировой истории с. X. В. до н.э. по XX в.н.э.) Монография. – Москва: Прогресс, 2002. – С.657.
[12] Убайдулла Уватов. Соҳибқирон араб муаррихлари нигоҳида. – Тошкент: Шарқ, 1997, 131-б.



нусхаси туркий тилда ёзилганлиги тўғрисида қуйидаги далилларга таяниб ҳукм юргизса бўлади, яьни биринчидан, Темур саройида бўлган испан элчисининг гувоҳлиги ҳамда тарихчи Ш.Яздийнинг берган хабарларига кўра, девонхонадаги давлат ишлари уйғур мирзолари томонидан туркий тилда юритилганлиги ҳақидаги маълумотлар; иккинчидан, тузуклар араб ва форс тилида ёзилган манбалардаги каби анъанавий ўхшатишлар, муболағалар, байту ғазаллар ҳар бир тарихий шахсни ёзганда унинг номини улуғлаш сингари узоқ, ортиқча безаклардан холис туркий тилга хос бўлган аниқлик, қисқалик ва кескинлик билан ифодалангани, яъни ўзига хос ёзилиш услуби, «Амир Темур эсдаликлари солномалар тартибида … содда услубда ёзилган бўлиб, ўша даврнинг аксар муаллифларига кенг кўламда хос бўлган лафзий безаклардан холидир (Мазҳар Шиҳоб)»[13]; учинчидан, унинг ҳақиқий туркийча номи – «Тузуклар» – «қонун», «қоида», «низом», «тартиб» маъносини англатиши; тўртинчидан, унинг таржималарида ҳам турк-чиғатой сўзларнинг кўплиги; бешинчидан, бизгача Темур ва темурийлар давридан кўплаб турк-чиғатой тилидаги ёзувлар ва ҳужжатларнинг етиб келиши. Буларнинг барчаси «Тузуклар»нинг Амир Темур иштироки билан, унинг девонхонасида эски ўзбек тилида ёзилган тарихий ҳужжат эканлигини тасдиқлайди. И.Мўминовнинг юқорида номи зикр этилган рисоласида 1391 йили Амир Темур ибн Муҳаммад Тарағай Баҳодирнинг Абу Муслим ва унинг авлодларига имтиёзлар бериш тўғрисидаги унинг шахсий муҳри қўйилган тарихий ёрлиғи келтирилган.

Тузукларнинг топилиши ва дастлабки таржималарининг нашр этилиши ҳам ўзига хос хусусиятларга эга. Абу Толиб ал Ҳусайний ат Турбатий (1625 й. Теҳронда вафот этган) Макка ва Мадинага ҳажга борганида, Яманда 1616 йилгача ҳукм суриб, кейинчалик бу ерга кўчиб ўтган Усмонли туркий ҳукмдор Жаъфар Пошшанинг кутубхонасидан Темур Тузукларининг асли туркий тилдаги нусхасини қўлга киритган. “Унинг туркий ва арабий алфозлари-ю, иборалари тушунишдан узоқ, чунончи тарқоқ ва паришон бўлганлигидан мен уни форс тилига

[13] Убайдулла Уватов. Кўрсатилган асар, – 133-б.

ўгирдим”, – деб ёзиб қолдирган таржимон.[14] Таржимани тамомлаб Шоҳ Жаҳоннинг отаси Нуриддин Жаҳонгирга (1605-1627 й.й.) тақдим қилган. Уни эса инглиз офицери майор Вильям Дэви Ҳиндистондан топиб, 1779 йилда уни Англияга олиб келади. Бу нусха 1336 йилдан 1375 йилгача, яъни Соҳибқироннинг 41 ёшигача бўлган даврини ўз ичига олади. В. Дэви унинг Амир Темур давлатида қўлланилган аҳкомлар ва ислоҳотларни ўзида тўплаган қисмини инглиз тилига таржима қилган ҳамда «Темур тузуклари» номи билан машҳур бўлиб келган (У. Уватов). Ушбу Тузуклар қисми форсий тўлиқ матни билан 1783 йилда Оксфорд университетида араб тили бўйича профессор лавозимини эгаллаб турган Джон Уайт раҳбарлигида нашр этилган. Абу Толиб ал Ҳусайний таржимасидан қолган тарихий қисмини ҳам майор Чарльз Стюарт 1830 йилда инглиз тилига ўгириб, нашр эттиради.

Абу Толиб ал Ҳусайний таржимаси ана шу тарзда жаҳон кеза бошлайди. Аммо таржима қилинган вақтда ундан қониқмаган Ҳиндистонда ҳукм сурган Темурий султонлардан Шоҳ Жаҳон (1627-1658 йй.) подшоҳ саройида хизматда бўлган мансабдор шахслардан Амир Темурга саккизинчи даражада набира ҳисобланган (Мазҳар Шаҳоб) Муҳаммад Афзал бин Тарбиятхон Бухорийга (Ч.А.Стори) ёки Муҳаммад Ҳифз ал Бухорийга (Мазҳар Шаҳоб) 1637 йилда топшириб, уни асл манбаларга, жумладан, Шарофиддин Али Яздийнинг «Зафарнома»си билан солиштириб, ноаниқ жойларини аниқлаб, баъзи жойларини тўлдиришни сўраган. Шу зайлда малфузотлар Ш. Яздий «Зафарнома»сига тўла-тўкис мос келтирилган (У.Уватов).[15] Бу таржимадан ҳам бошқа икки нусха: а) Ҳиндистонда ҳукм сурган султонларнинг набираларидан олинган нусха – султония нусхаси; б) инглиз генералларидан бири Деҳлидан топган нусха. Ҳар иккала нусха ҳам 1830 йилда Англияга келтирилган. «Бу икки нусха Амир Темурнинг малфузотларининг тўла-тўкис қамраган бўлиб, ҳаётининг

[14] Убайдулла Уватов. Соҳибқирон араб муаррихлари нигоҳида. – Тошкент: Шарқ, 1997, 137-б.
[15] Убайдулло Уватов. Кўрсатилган асар, 139-б.



охирги йилигача ҳикоя қилар эди».[16] Ушбу нусхалар билан танишиб чиққан Ч.Стюарт уларни бир таржиманинг икки нусхаси эканлигини аниқлайди. Шундай қилиб, ҳозирда биз малфузотларнинг тўла нусхалари деб ҳисоблаётганларимиз, бу аслида Муҳаммад Афзал ал Бухорий таржима қилиб, қайта ишлаб чиққан нусхалар бўлиб чиқиши мумкин. Ана шу тарзда Тузуклар жаҳон кезиб, 1787 йилда эса, Эсдаликларнинг (Мазҳар Шаҳоб) Абу Толиб ал Ҳусайний нусхасининг тузуклар қисмини Дж. Уайт Оксфордда нашр қилган форсча нусхасига таянган ҳолда француз шарқшуноси Л.Лэнгле француз тилига таржима қилди. 1785 ва 1791 йилларда ҳинд, 1868 йил форс, 1845 йил урду, 1894, 1934, 1999 йилларда рус тилларига қайта-қайта таржималар қилинди.

Баъзи олимлар юқоридагиларга таяниб, Тузуклар XVII ёки XVIII асрларда ёзилган, деб хисоблайдилар. Бизнинг фикримизча, бунга жавобни тарихий манбанинг ўзидан ахтармоқ керак. Жумладан, унинг «Ўғиллар ва набираларга улуфа бериш тузуги» ҳақидаги иккинчи мақоласидаги ҳукмларда: – «Амр қилдимки, тўнғич ўғлим Муҳаммад Жаҳонгир валиаҳдим бўлсин», – деб ёзилган[17], маълумки ҳукмдорнинг бу ўғли жуда эрта, 1376 йилда вафот этади. Шундан сўнг унинг ўғли Муҳаммад Султон ворис этиб тайинланади. У ҳам 1403 йилда жангда ҳалок бўлгач, укаси Пирмуҳаммад валиаҳд қилиб тайинланади.

«Тузуклар»да тасвирланаётган воқеалар Амир Темур вафот этган йили 1405 йилнинг 18 феврали билан тугайди. Демак, валиаҳд тайинлаш масаласидаги ҳукмларнинг ўзгаришсиз қолиши «Тузуклар»нинг ҳақиқий ва унинг муаллифи ҳаётлигида тузилганлигини кўрсатади. Агар баъзи олимлар таъкидлаганидек, асар XVII-XVIII асрларда тузилган бўлганида юқоридаги ўзгаришлар қўшилган бўлиши мумкин эди. Бундан ташқари А.Соғуний ва Ҳ.Кароматовлар таржимасида биринчи мақола «Етти йиллик урушдан сўнг зафар ва нусрат билан Самарқандга қайтдим…» деб тамомланади. Бу сана мелодий 1404 йилга тўғри келади.

[16] Убайдулло Уватов. Кўрсатилган асар, 138-б.
[17] «Темур тузуклари», 2005, 86-б.

Ушбу манбани форс тилидан ўзбек ва рус тилига қайта таржима қилиш ишига муҳим ҳисса қўшган олим Ҳабибулла Кароматовнинг фикрича Мир Абу Толиб Ҳусайний ат Турбатий 1637 йилда Темур Тузукларини туркий тилидан форс тилига ўгириб, «ТузукиТемурий» номи билан Бобурий ҳукумдор Шоҳжаҳонга (1628-1657) тортиқ қилган нусха, бу ўзи алоҳида асар. Ундан кейин эса Шоҳжаҳон таржимада баъзи ноаниқликларни топгани учун Декан вилоятининг қози калони Муҳаммад Ашраф Бухорийга Шарофиддин Али Яздийнинг «Зафарнома» асари ва унга ўхшаш манбаларга солиштириб, ҳатто ва камчиликларини тузатиб чиқишни топширган. Шу зайлда асарнинг янги тўлдирилган таҳрири вужудга келиб, у «Малфузоти Темурий» номи билан танилган. Кейинчалик бу икки ҳар хил асарни «Тузуки Темурий», «Тузукоти Темурий» номи билан бир муқова ичида кўчириб ёзишган. Яъни, олимнинг фикрича, «Тузукоти Темурий» ва «Малфузоти Темурий» турли мустақил асарлардир.[18]

Биз барча муаллифларнинг фикрларини рад этмаган ҳолда аниқ бир хулоса чиқаришни: а) илмий экспедициялар ташкил қилиб Тузукларнинг янги-янги нусхалари топилганда (ахир раҳматли проф. Ҳамид Сулаймонов доимо жаҳон кутубхоналари бўйлаб илмий экспедицияларда юриб Ҳофиз Хоразмийдек буюк шоиримизни қайта кашф қилганлар-ку!); б) улар қиёсий таҳлил қилиниб, танқидий матн яратилгандагина, бу масалага ойдинлик кириши мумкин деб ҳисоблаймиз.

Ўзбекистон тарихининг собиқ советлар ҳукмронлиги йилларида аянчли тақдирга эга бўлган бундан ташқари бошқа тарихий манба бўлмаса керак. Ушбу асарга берилажак баҳо кўпинча унинг муаллифи Амир Темур шахсига берилган баҳо ва унга нисбатан бўлган муносабат айнан тарихий воқелик, ўтмиш меросига эмас, ҳукмрон давлат сиёсатига боғлиқ бўлиб келди. Аммо Амир Темурнинг ҳаёти ва фаолиятига бўлганидек, унинг Тузуклари ва жорий этган қонунларига қизиқиш, уларга

[18] Кароматов Ҳ. «Темур тузуклари»ни Ўзбекистонда ўрганиш муаммолари.// Темур тузуклари: Сўз боши муаллифи ва масъул муҳаррир М.Али, форсчадан тарж. А. Соғуний ва Ҳ. Кароматов. – Тошкент: Шарқ, 2005, 146-156-б.



етарлича баҳо бериш Оврўпо мамлакатларида жуда эрта бошланган эди.

Жумладан, француз олими Л.Лянгле ўзининг 1772 йилда ёзилган «Темурнинг сиёсий ва ҳарбий бошқаруви» номли асарида бу тарихий-ҳуқуқий манбанинг аҳамияти тўғрисида шундай ёзган эди: «Биз ҳарбий юришларига талончилик мақсадида қилинган босқинчилик деб қараган татарлар хони (Амир Темур ҳарбий ва сиёсий тактика ҳақида трактат (рисола) ёзганлиги, ўз авлодлари учун доно тизим яратганлигини, тасаввур ҳам қила олмаймиз. Қачонки бу ҳукмдор бошқариш тизимини қўлдан қўйиш лозимлигини англагач, ўзининг ворисларига оғзаки маслаҳат бериш билангина чекланиб қолмасдан у Темур, империя билан биргаликда яна ҳам қимматли нарса – уни сақлаш санъатини совға қилди».[19] Бундан кўриниб турибдики, олим «Тузуклар»га юксак баҳо бериб, уни давлатни бошқариш ва сақлаб қолиш санъати ҳақидаги рисола деб баҳолайди.

Немис тарихчиси Ф.Шлоссер ҳам Темурнинг фаолияти ҳақида ана шундай таъриф беради: «Умрини урушларда ўтказган Темур тез-тез Бухоро ва Самарқандга қайтиб турар ва ўзининг янги давлатига қонунлар тақдим этар эди. Бу қонунлар татар мўғуллари (Оврўпада шундай деб билганлар) томонидан қилинадиган ваҳшийлик ва вайронагарчиликларга ҳайрон қоларли даражада қарши турарди».[20]

Амир Темур фаолиятига, шахсига салбий баҳо бериш ўтган йиллар мобайнида Россияда чоп қилинган адабиётларда ҳукм сурди. Айнан худди шундай ёндашиш рус тарихчиси Т.Н.Грановский (1813-1855) томонидан ҳам юз берди. У ўзининг 1852 йидда МДУ талабалари учун ўқиган «Темур» деган маърузасида (нутқ бошқа асарлари билан 1855 йилда нашр этилган), рус тарихчиларидан биринчи бўлиб, Амир Темурнинг фаолиятига уни яхши ўрганмасдан салбий баҳо берди. У ёшлигида майда талончилик, йўлтўсарлик билан шуғулланган

[19] Саидова К. Амир Темур даврининг муҳим ҳужжати. //Амир Темур илм-фан ҳомийси. Халқаро илмий конференция, 22-23 май. – Самарқанд, 2-қисм, 1996, 143-б.

[20] Шолоссер Ф. Всемирная история. 8 том. – Москва, 1870, – С.56.

деган фикрни илгари сурди.[21] Афсуски, бу нотўғри маълумот қарийб 150 йил давомида рус тарихчилари асарлари саҳифаларидан тушган эмас.

Академик В.В.Бартольддек олимнинг ҳам Темур фаолиятига баҳо беришда, холисоналикни йуқотганлигида юқоридаги фикрларнинг таъсири бўлган бўлса ажаб эмас. Рус тадқиқотчиларининг баъзилари ўз давлатининг сиёсатидан келиб чиққан ҳолда, илмий холисоналикдан узоқ бўлган муҳит таъсирига тушиб қолган. Натижада Темур шахси ҳам, унинг «Тузуклар» ининг аҳамияти ҳам «бузиб талқин этилган».[22]

Назаримизда, Бартольддек таниқли олим, сулолалар алмашувига баҳо беришда, холис ёндашишдан узоқлашиб, тарафкашликка йўл қўяди**.** Маълумки, тарихий жараёнлар ўзларининг объектив қонуниятлари асосида кечади. 999 йилнинг 23 октябрида Қорахоний хонларидан Илекхон Наср, Сомонийларнинг марказлаштириш ва мутлақ ҳокимиятга интилишларидан ҳамда инқирозга юз тутаётган бу давлатдаги бош-бошдоқликлардан безган халқнинг қаршилигисиз Бухоро шаҳрини эгаллайди. Шу билан Мовароуннаҳрда узил-кесил янги мусулмон сулоласи ҳукмронлиги қарор топади. Ушбу воқеадан «афсусланган» олим, «маҳаллий орий элементлари ҳукмронлигига абадий чек қўйган» ушбу тарихий воқеанинг аҳамиятини ўша даврда бирор кишини тушуниб етаётганлигига шубҳа қилиб «умумий лоқайдлик натижасида таниқли сулола ағдарилди»,[23] деб афсус чекди. Шундай экан, бундай нохолисоналикка йўл қўйган ва Чингизхоннинг «Яса» қонунлари бўлганлигига ишонган олим Амир Темур «Тузуклари» ҳақиқийлигига шубҳа билан қарашини табиий бир ҳол деб тушунмоқ лозим.

Бу ҳол, айниқса, собиқ советлар даврида янада авж олди. Академик В.В.Бартольд ўз илмий фаолиятида турк-мўғул

[21] Грановский Т.Н. Темур. Сочинение. Четвертое издание. – Москва, 1980, – С.596.

[22] Пиримқулов Ш.Д. Грановскийнинг «Тимур» мақоласи хусусида. //Амир Темур илм-фан ҳомийси. Халқаро илмий конференция. 22-23 май. – Самарқанд, 2-қисм, 1996, 162-бет.

[23] Бартольд В.В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия. Соч., Т. 1. Москва: Наука, 1963, – С.329.



халқларининг тарихи устида фаол ишлаган икки асосий даврни фарқлаш лозим, яъни бу 1892-1899 йилларда ёки Туркистон чор мустамлакачилиги зулми остига тўла тушган даврда ҳамда 1925-1930 йилларда, яъни Туркистон халқларининг собиқ советлар режими зулми остига тушган, ўлкада советлар режими ўрнатилиб, Ўрта Осиёда миллий давлат чегараланиши ўтказилган, Туркистон халқлари бўлиб ташланган давр. Унинг туркий халқлар тарихига оид асарлари, асосан, ана шу икки даврга тўғри келади.

«Шу нарса яққол кўзга ташланадики, – деб ёзади унинг шогирди машҳур турколог олим С.Г.Кляшторний, – Ўрта Осиё, айниқса, туркий тилли халқларнинг тарихини ўрганиш ҳамда уларнинг ўтмиши» га оид энг асосий саволларга жавоб бериш, миллий ва маданий қурилишнинг энг зарурий, асос қисмини ташкил қилади. Бу борадаги ҳар қандай сусткашлик сохталаштирилган тарих ёрдамида миллий ва диний тоқатсизликни, рўй бераётган жараёнларни, қабул қила олмасликни, миллий ҳис-туйғуларни Туркистондаги совет ҳокимиятига қарши курашда ўткир курол қилиб фойдаланишга ҳаракат қилаётган миллий реакцияга ён беришни англатар эди».[24] Шунинг учун ҳам машҳур олим Темурнинг шахси ва фаолиятини ёритишда ҳаққонийликдан узоқлашган бўлса ажаб эмас.

Ўрта Осиё тарихини ўрганишга улкан ҳисса қўшган, бу борадаги хизматларини жаҳон тан олган буюк олим, албатта, баъзи масалалар, хусусан, сиёсий тарихга оид масалаларни ёритишда собиқ шўролар мафкурасининг тарих фани олдига қўйилган юқоридаги вазифалардан четда туриши мумкин эмас эди. Акс ҳолда, деярли тўрт минг йилдан ошиқ давр ичида Осиё қитъасининг турли қисмларида, кўп ҳолларда турғун миллий давлат бирлашмаларини тузган, мустақил ижтимоий, сиёсий ва маданий тараққиёт йўлини босиб ўтган туркий тилли халқлар тарихини мураккаб жараён деб қараган В.В.Бартольддек олим, уларда қадимги даврдаёқ ёзма қонунлар бўлганлиги тўғрисидаги маълумотларни, шу нуқтаи назардан, «Темур тузуклари»дек манбанинг бўлиши табиий бир ҳол эканлигини эътибордан четда

[24] Кляшторнний С.Г. Предисловие к 5 тому. Соч. В.В.Бартольда. Изд. Наука. Главная редакция восточной литературь. – Москва, 1968, – С.6-7.

қолдириши мумкин эмасди. У мазкур тарихий манбага паст назар билан қараб, унинг муаллифи Амир Темур эканлигини шубҳа остига қўяди. Ўзининг 1918 йилда чоп эттирган «Улуғбек ва унинг даври» асаридаги, шунингдек, 1928 йилда чоп этилган «Мир Алишер ва сиёсий ҳаёт» номли асарларида ҳам бу фикрни давом эттиради.[25] «Темур тузуклари» қалбаки бўлиб, XVII асрда Ҳиндистонда битилган деган фикрни илгари суради. Бунда у ҳужжатли далилларни келтира олмасдан: «Агар Амир Темур чиндан ҳам Қозоғон жангларида қатнашганда, расмий тарих бу ҳақда билган бўлур эди», – дейиш билан чегараланади. Кўриниб турибдики, В.В.Бартольднинг «Тузуклар»га берган баҳоси асосида унинг қуйидаги икки хулосаси ётади[26]:

1. Тузукларнинг «Таржимаи ҳол» қисмида келтирилган 1360 йилгача бўлган воқеаларда, яъни Амир Темур ва отаси Тарағай Баҳодирнинг амир Қозоғон олиб борган жангларда қатнашганлиги тўғрисида расмий тарихларда ҳеч қандай маълумот йўқ.

2. Бундай асар ёзиш XV асрдаги Эрон учун мутлақо хос эмас. Бу ўринда ҳақиқатан ҳам В.В.Бартольд ҳақ. Зеро, «Тузуклар» тузиш Эрон учун эмас, балки азал-азалдан Турон, Туркистон учун хос анъана бўлган.

Ушбу манба Эронда эмас, Туркистонда вужудга келган. Бунинг исботи учун VI-VII асрларга тааллуқли Хитой манбаларидаги Самарқанд ибодатхонасида сақланган Турк қонунномаси ҳақидаги маълумотларга эътибор берсак бас.

Амир Темурнинг Олтин Ўрда хони Тўхтамишхон устидан эришган ғалабалари рус халқининг мўғуллар зулмидан кутулиши борасидаги ҳаракатида ижобий роль ўйнаганлигини тан олган рус тарихчиси А.Ю.Якубовский ҳам В.В.Бартольднинг фикрига суянган ҳолда «Тузукоти Темур»нинг автобиографик характердаги асар эмаслиги, балки XVII асрда Ҳиндистонда ёзилганлиги ва унинг XV асрдаги Эрон маданияти учун (?) характерли эмаслиги ҳозирги вақтда аниқланган, деган нотўғри фикрни беради. Бинобарин, М.И.Иваниннинг «Чингизхон ва Темурланг даврларида мўғул-татарларининг ва Ўрта Осиё

[25] Бартольд В.В. Улугбек и его время. Соч., Т. 2. Ч.2. – Москва, 1964, – С.3.
[26] Бартольд В.В. Соч., Т. 2. Ч.2. – Москва, 1964, – С.201.



халқларининг ҳарбий санъати ва истилолари» (СПб., 1875) китобини ёзишда Темур тузукларидаги маълумотлар асос бўлганлигини кўрсатиб: «Темурнинг ҳарбий ташкилоти ҳақида бу асосда айтилган фикрлар тарихий аниқ материал бўла олмайди», – деб ёзади.[27] Аммо бу катта олимнинг ўзи бошқа тарихий манбаларда келтирилган ва айнан Темур тузукларига зид бўлган бирор маълумотни ўз фикрининг исботи сифатида келтиролмаган.

Амир Темур шахсига ва унинг фаолиятига бундай муносабат, албатта, ҳамма рус ёки собиқ шўролар тарихчиларининг қарашларига хос эмас. «Темурдай буюк шоҳ ва инсон хотирасига муносабатни кўриб ачиниб кетасан, – деб ёзган эди Ўрта Осиёни тадқиқ этган олимлардан Д.Н.Логофет – ахир у ўзининг халқини тараққиётнинг юқори босқичига олиб чиққан, ўз даврининг ўта маданиятли вакили эди... Биз эса Осиё тарихига тааллуқли далилларни билмай, билишга ҳам қизиқмай, уни ёввойи деймиз».[28]

XIX аср охири – XX аср бошларида яшаган маърифатпарвар олим Аҳмад Дониш Амир Темур шахси ва фаолиятига ҳамда унинг «Тузуклар»ига юксак баҳо берган эди. Жаҳон тарихида ҳар минг йиллик ёки юз йилликларда бирин-кетин уни янгиловчилар дунёга келиб турадилар, худди шунингдек, бир эранинг тамом бўлиши, бошқасининг бошланишидир. Қачонки, жаҳон йилномалари минг йиллик ва юз йилликларга тўғри келар экан, мусулмонлар орасида, албатта, Юпитер, Меркурий ва Зуҳро юлдузларининг хислатларини ўзида мужассамлаштирган, дин ва имонни янгиловчи инсонлар ва ана шундай хислатларни ўзида гавдалантирган давлат бошлиқлари ҳамда уларга ёрдам берувчи кишилар дунёга келади. Агар чуқурроқ назар ташласак, ҳар бир касб-ҳунарда, санъатда шундай янгиловчиларни кўрасан, одатда эса кишилар буларга эътибор қилмайдилар. Биз учун барча минг йиллик ва юз йилликларнинг янгиловчиларини

[27] Греков Б.Д., Якубовский А.Ю. Олтин Ўрда ва унинг қулаши. – Тошкент: Ўқувпед нашр, 1956, 290-291-б.
[28] Логофет Д.Н. Бухоро тоғлари ва текисликларида «Сомон йўли» – Тошкент: Камалак, 1992, 72-73-б.

аниқлаш муҳим эмас. Ким буни хоҳласа, «Тузуки Темурий»дан аниқлаши мумкин»[1], – деб ёзади олим.

Амир Темур Кўрагонийнинг ўзи саккизинчи юз йилликнинг (ҳижрий йил ҳисоби бўйича) янгиловчиси бўлиб келди. Ундан кейин ҳам ҳар бир мусулмон давлатида янгиловчилар вужудга келиб турганлар: тахминан тўққизинчи юз йилликда Ҳиротда Султон Ҳусайн Бойқаро (1469-1506); иккинчи минг йилликнинг бошларида Бухорода Абдуллахон II (1557-1598), ўн биринчи юз йилликда Сайид Субхонқулихон (1680-1702), ўн иккинчи юз йилликда эса Амири Маъсум – амир Шоҳмурод (1785-1800) янгиловчилар сифатида тарих саҳнасига чиқдилар. Кўриниб турибдики, илғор фикрли олимлар, ҳатто Амир Темурга «давлат ва динни янгиловчиси» деб баҳо берганлар. «Темур тузуклари»га ишончли, тарихий, фалсафий манба сифатида қараб, ўзининг рисолаларида кенг фойдаланган Аҳмад Донишнинг «Манғит сулолалари тарихи» рисоласини форс-тожик тилидан рус тилига таржима қилган И.А.Нажафова ҳам (Душанбе, 1967) ушбу манбани «XVII асрда ёзилган компилятив асар» деб атайди. Ушбу фикрни таржимага берган изоҳларида ҳам такрорлаб, «Тузуки Тимурий» Темур ҳукмлари (установление) ёки Малфузоти Темурий (Темурнинг айтганлари), Темур ҳаётидан келтирилган турли ҳолатлардан иборат бўлган, Темурнинг сохта автобиография (ёзувлари) баёнлари (Записки) деб сохта ғайриилмий баҳо берган.

Ҳозирда унинг ҳақиқий тарихий манба эканлиги исботталаб нарса эмас. «Асарнинг муаллифи Соҳибқирон Амир Темур бўлиб, айтишларича, у аслида туркий-ўзбек тилида ёзилган», - деб таъкидлайди академик Б.Валихўжаев.[2] Мазкур манба, жаҳон жаҳон илмий жамоатчилигини ва шу билан бирга» турк-ўзбеклардан чиққан давлат бошлиқларининг ҳам диққатини доимо ўзига тортиб келган. Кўпгина ҳукмдорлар ўзларининг давлатни бошқариш ва ҳарбий ҳаракатларида ушбу «қўлланма»дан нажот ва маслаҳат излаганлар. Шунинг учун ҳам

[1] См.: Трактат Ахмад Дониша. История Мангитской династии. Перев. предис. и и премеч. И.Наджафовой. – Душанбе: Дониш, 1967, – С.147.

[2] Валихўжаев Б. Самарқандда олий таълим – мадрасайи олий-университет тарихидан лавҳалар. – Самарқанд: Мерос, 2001. – 163 б.



асар ўзларининг кутубхоналарида доимий бўлиши учун XIX асрда бир неча марта форс тилидан, қайтадан ўзбек тилига таржима қилдирганлар.

Шулардан дастлабкиси, Қўқон хони Муҳаммад Алихоннинг (1822-1842) топшириғи билан Хўжанд қозиси Набижон Маҳдум Хотифий томонидан 1836-1837 йилларда амалга оширилган бўлиб, ушбу таржима Амир Темурнинг 39 ёшигача бўлган давр воқеаларини ўз ичига олган.[1] Ушбу таржима профессор Б.Аҳмедов кўрсатганидек, 1890 йилда Тошкентда тошбосмада босилиб чиққан.[2] Уни олимларимиз Ҳ.Бобобеков, Ҳ.Бобоев ва А.Қуронбековлар асл нусхасининг фотонусхалари билан, ҳозирги ўзбек алифбосида таҳрир этиб, нашр эттирганлар.[3]

XIX асрнинг иккинчи ярмида бу манба, Хивада Қўнғиротлар сулоласидан бўлган Абдуллахон (1855-1864) даврида; иккинчи марта эса иккита олим томонидан ўзбекчага ўгирилган. Биринчиси – 1856-1857 йилларда Муҳаммад Юсуф ар-Рожий томонидан таржима қилинган бўлиб, ана шу нусха юқоридаги олимларнинг таъкидлашича, Алихонтўра Соғуний томонидан ўзбек тилига ўгирилган ва 1991, 1996 йилларда нашр этилган «Темур тузуклари»нинг ҳажми ва мазмунига тўғри келади. Учинчи таржима эса, 1776 йилда кўчирилган форс тилидаги қўлёзма, яъни нисбатан тўлиқ таржима – «Малфузоти Амир Темур»дан Паҳлавон Ниёз Девон томонидан 1858 йилда ўзбек тилига ўгирилган. Ушбу нусхани топиб, таҳрир қилиб, нашрга тайёрлаган Ҳ.Бобобеков ва бошқа олимларнинг фикрича, 1991 ва 1996 йилларда нашр этилган «Темур тузуклари» форсча кисқартирилган таржимадан қилинган таржима бўлиб, шунинг учун ҳам уларнинг ҳажми қисқадир. Форс тилидаги тўла таржимаси ҳам ар-Рожий ва Ниёз Девон томонидан ўзбек тилига

[1] Кейинчалик ушбу таржимадан икки марта рус тилига ўгирилган. Автобиография Тамерлана. Перев с тюркского Н.Лыкошина. – Ташкент, 1894; Автобиография Тимура.Богатирские сказание о Чингизхане и Аксак Тимуре. Прев. с тюркского и джигатайского языка, вступительная статья и комментарии В.А.Панова. – Москва, 1934.

[2] Аҳмедов Б.А. «Темур тузуклари» ҳақида икки оғиз сўз. // Шарқ юлдузи, 1989, №8, 127-б.

[3] Амир Темур Кўрагон. Тузуки Темурий. – Тошкент, 1999.; Амир Темур Кўрагон. Зафарнома. – Тошкент, 2000.

қилинган таржималар ҳам аслида Хива хонларига тегишли мулк бўлиб, улар давлат хазинасида сақланган*. Қатор йиллар мобайнида давлат ва ҳуқуқ тарихи фанларидан дарс бериб, бу манбага собиқ советлар давридаги ҳукм сурган совуқ, бефарқ муносабатга афсусланган бўлсак, мустақиллик даврида эса унга бўлган қизиқишни олиб борилаётган тадқиқот ишларни кўриб фақат қувониб, қониқиш билан кузатиб турибмиз.

Собиқ Советлар давридаги буюк давлатчилик каби шовинистик ғоялар деярли тўртминг йиллик давлатчилик тарихи ва тажрибасига эга бўлган туркий халқларга нописандлик, паст назар билан қараб, ижтимоий фанларда ҳам бир томонлама ёндашиш ҳукм суриб келган. Бизни Иван Грознийнинг куй басталаганига ишонишимизга, лекин 27-мамлакатни бирлаштириб, марказлашган давлат тузган Темурбекнинг саводлилигига, Тузукларни ўзи ёзганлигига ишонмасдан, уни саводсиз дейишимизга ўргатиб келдилар. Темурбек Тузукларининг қанча нусхаси борлиги, уларнинг ҳажми қандайлиги, қайси тилдалигидан қатъий назар, Буюк давлат арбоби Амир Темурнинг ўз ижодига мансуб деб биламиз. Чунки а) Рус правдасининг юздан ортиқ нусхаси бизгача етиб келган барчаси ҳар хил ҳажмда, лекин унинг тарихий манба эканлигига шубҳамиз йўқ; б) Темурбекка замондош бўлса ҳам ҳарбий ҳаракатларда армия фавжлари (полклари)нинг жойлаштирилиши ва ғалаба учун қандай стратегия ҳамда тактика қўллаш лозимлигини ким ундан яхши билиб, ёзиб қолдира олди; в) жаҳон халқлари тарихида ўтган барча буюк аскарбошилар ва давлат арбоблари ўз давлатларига қонун-қоидалар беришга интилганлар, бу хислатдан Темурбек маҳрум эди, деб ким исбот эта олади.

XX асрнинг 60-йилларига келиб яна тарихий меросимизга бўлган қизқиш бироз кучайди. 1967 йида «Гулистон» журнали саҳифаларида ўзбек халқининг таниқли олими Алихон Тўра Соғуний (1885-1976) томонидан форс тилидан ўзбек тилига қилинган таржимаси босилиб чиқа бошлади.[1] Аммо тарихий шахслар ва уларнинг фаолиятига бир томонлама баҳо берилиши натижасида «Темур босқинчи бўлган» деган нуқтаи назар билан

[1] «Гулистон» журнали. 1967, №1, 16-17-б.



ўша вақтда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг ғоявий-сиёсий ишлар бўйича котиби бўлиб ишлаб турган шахс томонидан «Гулистон» журнали таҳририяти қаттиқ танқид остига олинди ва нашр тўхтатиб қўйилди*. «Тузуклар»ни ўрганиш ва нашр этилиши хусусида «Садойи Шарқ» журналининг 1967 йил 10-сонида босилган тақризда «Темур тузуклари» ҳақида манбаларга таянмаган салбий фикрлар билдирилади. Мазкур мақолага таржимон Алихон Тўра Соғунийнинг жавоби 1992 йилгача нашр этилмай қолиб кетди. Уни «Звезда Востока» журнали кутубхонаси «Ватан» туркумида чоп этилган тўпламда биринчи марта эълон қилди.[1]

Ҳуқуқ тарихимизнинг бир саҳифаси маълум даражада ойдинлашгандек бўлди. Аммо бу каби меҳнатлар рағбатлантирилиши ўрнига турлича шарҳланиб, ўтмиш илоҳийлаштирилаяпти деб жар солинди. Ниҳоят, қайта қуриш даври ва Ўзбекистоннинг давлат мустақиллигига эришиши тарихий меросни ўрганишни туб янги асосларга қўйиди. Жуда кўп тарихий манбалар чоп этилди. «Шарқ юлдузи» журнали таҳририяти бу борада давр руҳига мос ҳолда бориб (1989 йил,8-сон) «Темур тузукларини республикамиз тарихининг билимдони ва жонкуяри проф. Б. Аҳмедовнинг сўз бошиси билан тўла босиб чиқарди*. Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа бирлашмаси эса уни 1991 йилда ўзбек тилида биринчи марта алоҳида китоб шаклида чоп этди. «Тузуклар» деярли 600 йилдан кейин яна ўзининг туркий тилига қайтди.

Илмий жамоатчилигимизнинг бунчалик қизиқишига сабаб бўлган бу ҳужжат катта аҳамиятга эга бўлган тарихий-юридик манба ҳисобланади. Мустақиллик йилларида у ўзбек, рус, инглиз, француз тилларида қайта-қайта нашр этилди.[2] Айниқса, яқинда унинг тўлароқ таржимаси араб имлосидаги факсмилеси билан чоп этилиши илмий жамоатчиликка катта туҳфа бўлди.[3] Аммо ўз мамлакатимизда ҳам, чет элларда ҳам Амир Темурнинг

[1] «Олтин китоб ҳимояга муҳтож эмас». // «Ўзбегим» тўплами. – Тошкент, 1992, 36-б.
[2] Темур тузуклари. Сўз боши ва изоҳлар, умумий таҳрир. акад. Б.Аҳмедовники, инглиз тилига М.Дэви, француз тилига Л.Лангле таржималари. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1996, 344 б.
[3] Қиссаи Темур («Малфузоти Темурий»). – Тошкент, 2000, 1107-б.

ўзи ва унинг фаолиятига бўлган қизиқиш пасайгани йўқ. Яқинда таниқли шарқшуносимиз Убайдулла Уватов ўзининг юқорида келтирилган «Соҳибқирон араб муаррихлари нигоҳида» номли китобида араб олимларидан Мазҳар Шиҳобнинг «Темур» (унинг даври, ҳаёти ва фолияти. 1981 Байрут) номли асаридан «Темур тузуклари» ҳақидаги фикрларини ўзбек тилига таржима қилиб, эълон қилдилар. Ундаги Шоҳ Жаҳон – Абу Толиб Ҳусайний таржимани қайтадан кўриб чиқишни топширган шахс Муҳаммад Афзал Бухорийни, Султонга яқин кишилардан бири ва унинг муаллими «Муҳаммад Ҳифз Бухорий деб келтириши, 1616 йилда Жаъфар подшо ўз кутубхонасини олиб, Макка ёки Мадинага борганлиги, Абу Толиб ал Ҳусайний 1625 йилда ҳаж зиёратига борганида, асл туркий нусхани қўлга киритгани, Ал Ҳусайнийнинг туркий аслдан форс тилига қилган таржимасини Шоҳ Жаҳон ҳокимият бошига келишидан икки йил илгари унинг отаси «Иккинчи Соҳибқирон» – Нуриддин Жаҳонгирга (1605-1627) берганлиги, инглиз тилига илк таржимонлардан бири Майор Дэвининг малфузотларни Амир Темурнинг ўзига мансублигини қўллаб-қувватлаши ҳақидаги фикрлар жуда қимматлидир.[1]

Тузукларнинг яратилиши, тили масаласида Мазҳар Шиҳобнинг тадқиқотида келтирилган, Тузукларнинг муқаддимасидан олинган парча тўлиқ маълумот беради: «Ушбу эсдаликларимни (Музакиротий) аждодларимдан содир бўлаётган амр ила туркий чиғатой тилида китобат этдим. Бу (хайрли) иш Аллоҳ таолонинг мусоадаси (кўмаги), пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом ва у зоти шарифнинг издошларининг ҳифзи – ҳимояти ила тамомига етди (Аллоҳнинг инояти ила подшолик тахтига ўтириб, мамлакат ҳукмига етишимда омад менга кулиб боқди. Бу ютуқлар менга шижоатим, қатъий курашим ва муҳорабаларим орқали насб этди. …Мен албатта, ушбу асосий қонун-қоидалар ва тартиботларга қатъий амал қилдим. Ишончим комилки, менинг набираларимдан бир қанчаси келажакда албатта салтанат тахтига ўтиради. Шу боисдан ҳам мен ўзим тартиб берган ушбу ҳикматларни улар учун деб тўпладимки,

[1] Убайдулла Уватов. Соҳибқирон Араб муаррихлари нигоҳида. – Тошкент: Шарқ, 1997. – Б.129-138.



улар ушбу қонунлар ва тартиботларга иқтидо этиб, уларга таяниб иш юритадилар». Ушбу парчадаги баъзи фикрлар ўзбек тилидаги таржималарда йўқ, шунинг учун ҳам жуда қимматлидир.[1]

Шундай қилиб, «Тузуклар» Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи тарихида энг кўп фикр, баҳолар билдирилиб, ўз бошидан турли даврларда турлича муносабатни кечирган тарихий манбадир. Биз уни ўрганишимизда, асосан олимларимиз Б.Аҳмедов, Ҳ.Бобоев, Ҳ.Бобобековлар томонидан айтилган ва биз томонимиздан ривожлантирилган фикрлар асосида қуйидаги қисқа хулосаларга келдик: 1) «Тузуклар» – ҳақиқий тарихий манба; 2) «Тузуклар» – дунёвий қонун-қоидаларни ўзида мустаҳкамлаган тарихий юридик манба; 3) «Тузуклар» Амир Темур даврида унинг ўз қўли билан ёки девонида яратилган, унинг ўзи бир неча марта кўриб, таҳрир қилган; 4) унинг илк нусхаси эски, ўзбек-чиғатой тилида яратилган, унинг форс тилидаги таржимаси XVII асрда амалга оширилган ва бизгача шу ҳолда етиб келган; 5) «Тузуклар» давлат тузуги, уни бошқариш, мустаҳкамлаш борасидаги ҳуқуқий асосларни белгилаб берадиган, шариат, одат ва қонунларга таянган тавсия ҳамда қоидалардан иборат бўлган, у ўз даврининг Конституциявий қўлланмасидир; 6) ўзбек давлатчилиги тарихида унинг ниҳоятда юксак аҳамияти ва ўрни бор.

### 1.4. Ҳуқуқ манбалари тизимида «Тузуклар»нинг ўрни

XIV-XV асрларда вужудга келган Амир Темур салтанатининг ҳуқуқ манбалари республикамизнинг ҳуқуқшунос олимлари асарларида батафсил таҳлил этилган.[2] Темур давлатида ҳаракатда бўлган ҳуқуқ манбалари қуйидагилардан шаклланган:

1. Мусулмон ҳуқуқидан.

[1] Убайдулла Уватов. Кўрсатилган асар, 132-б.

[2] Муқимов З. Амир Темур давлатида ҳуқуқнинг манбалари. //Амир Темур ва унинг дунё тарихидаги ўрни. Конференция тезислари. – Самарқанд, 1996, 67-68-б.; Темурбек тузуклари ҳуқуқининг тарихий манбаи сифатида. // Амир Темур илм-фан ва маданият ҳомийси. – Самарқанд, 1996, 136-б.

2. Амир Темурнинг ҳуқуқ яратиш ижодидан – «Темур тузуклари», ёрлиқ ва фармонлардан.

3. Амир Темур давлати таркибига кирган турли минтақа ва жойлардаги ҳуқуқий нормалар ва институтлардан;

4. Марказий Осиё ва бу минтақа таркибида яшаётган халқларнинг одат ва удумларидан.

5. Шу халқларнинг бир-биридан фарқ қилувчи диний нормаларидан.

6. Шу халқлар ва давлатларнинг сиёсий удумлари таркибига кирувчи одатлардан.

7. Маҳаллий ҳоким, раислар, маъмурий доиравий бирликлар, мансабдор шахсларнинг ҳуқуқий ижодидан.

8. Суд ва маъмурий амалиётлардан иборат бўлган.

Шунингдек, қисман Ясо («Ясоқ») қонунлари таъсири ҳам бўлган, албатта. Ўрта аср мутлоқий монархиясини ташкил қилган бундай улкан давлат механизми ички тартиб ва интизомни таъминлаб турадиган қонунчиликсиз фаолият кўрсатиши мумкин эмас эди. Буни ҳукмдорнинг ўзи ҳам чуқур тушуниб етиб «Тузуклар»да кўрсатиб ўтган эди. Жумладан, у бу борадаги тажрибаларни хулосалаб, «тажрибамдан кўриб билдимки, давлат агар дину тартиб асосида қурилмас экан, тўра ва тузукка боғланмас экан, ундай салтантнинг шукуҳи ва қудрати тартиби йўқолади. Ёхуд қаланғи-қасанғи одамлар кириб чиқадиган шифтсиз, усти очиқ, эшиги, тўсиғи йўқ уйга ўхшайди».[1] Бунда дини-ойин, диний тартиб ва қоидалар, интизом ва урф-одатлар, уларнинг бажарилиши бўлса, тўра-одат ҳуқуқлари, тузук ҳукмдорларнинг дунёвий қонунчилик фаолияти натижасида қабул қилинган актлари тушунилган. Демак, бу хулоса ўша даврдаги ҳаракатда бўлган ҳуқуқ манбалари тизимини ўзида акс эттирган.

Фикримизча, Амир Темур давлатида ҳаракатда бўлган асосий ҳуқуқ манбаларини қуйидагича гуруҳлаш мумкин: 1. Амир Темур давлатида ислом дини ҳукмрон мавқега эга бўлганлиги, унинг таркибига кирган халқларнинг асосан шу динга эътиқод қилганлиги учун ҳам ҳуқуқнинг асосий манбаи мусулмон ҳуқуқи ҳисобланган.

[1] Темур тузуклари, 1996, 72-б.



Мусулмон ҳуқуқи – мусулмон дини ва араб теократик давлати ташкил топиши билан Ўрта асрларда вужудга келган, ўзида диний (каноник) ва дунёвий ҳуқуқ (фиқҳ)ни бирлаштирган ҳуқуқий тизимдир. Амир Темур давлати доирасида кўпроқ исломнинг ҳанафийлик мазҳаби кенг тарқалган, чунки бу ҳуқуқий мактаб асосан туркий халқлар ичида кенг ёйилган. Бу ўринда шуни таъкидлашимиз лозимки, мусулмон ҳуқуқи барча мусулмон давлатларида, жумладан, Амир Темур давлатида ҳам ўзгаришсиз, бир хилда амалда бўлган деган фикрни қувватлай олмаймиз. Мусулмон ҳуқуқи худди Амир Темур тузуклари сингари дунёвий қонунчилик нормалари билан тўлдириб борилган.

2. Бу давлат ҳарбий-монархик давлат бўлганлиги учун ҳамда армия ва аҳолининг хизмат қилувчи табақаси кўпроқ турк ва турк-мўғул уруғларидан келиб чиққан кишилар бўлганлиги туфайли қадимги турк ҳуқуқий одатлари (тўралар) ҳуқуқнинг иккинчи манбаини ташкил қилган. Айниқса, давлат бошлиғини сайлаш, армия ва унинг тузилиши ҳақидаги қоидалар, оила ва никоҳнинг баъзи масалалари (масалан, есирлик), сувдан фойдаланиш борасида кўплаб ҳуқуқий одатлар мавжуд бўлган. Кейинчалик «Тузуклар» ёзилганда, бу одатларнинг, айниқса, ҳарбий қурилишга оид масалалари ёзма қонунчилик билан мустаҳкамланган.

3. Дунёвий қонунчилик бу давлатда турк-чиғатой ва форс тилларида битилган якка тартибда, субъектив ҳуқуқни вужудга келтирадиган фармон ва тархон ёрлиқлари билан бирга норматив (умумий) Конституциявий аҳамиятга молик актлар – «Темур тузуклари» ҳам қабул қилинган. «Тузуклар», унинг келиб чиқиши, ёзилиш тили тўғрисида олимлар ўртасида турли фикрлар мавжудлигини кўриб ўтдик. Бундан ташқари унинг ўзи қандай ҳужжат, автобиографик асарми, тарихий манбами ёки тарихий юридик манбами? – деган масала ҳам бор. «Тузуклар»ни нашрга тайёрлаган олимлардан Н.П.Остроумов[1], уни ўрганган олимлардан О.Эшонов, Х.С.Саматова,

[1] Уложение Темура факсимилние издание Казанского Университета, изданного Н.П Остроумовым 1894. – Ташкент: Фан, 1968, – С.4.

Ш.З.Ўразаевлар[1] уни Ўрта асрларнинг ўзига хос ҳарбий-маъмурий кодекси сифатида характерлайдилар. «Темур тузуклари, – деб ёзади Ҳ.Бобоев, – Темур кодекси, яъни Амир Темурнинг давлатни ва уни идора қилиш қонун-қоидаларининг тамойиллари тўпламидир».[2] Асримиз бошида протекторат остидаги Бухоро амирлигини ўрганган Д.И.Логофет эса, уни Конституцион ҳужжат деб атайди ҳамда шу фикрга таянган ҳолда Конституцион Кодекс Туркистонда 600-500 йиллар илгари пайдо бўлган деб ҳисоблайди.[3] Темур тузуклари Конституциями ёки бошқа ҳужжатми? – деган саволга жавобни ушбу атаманинг маъносини таҳлил қилиш орқали билиб олиш мумкин. «Конституция» сўзи лотин тилида «Тузиш», «Тузилиш», «Яратиш», «Низом» каби маъноларни англатса-да, бу, аммо узоқ тарихий ривожланишга эга. Қадимги (антик) даврларда, «Конституция» атамаси сиёсий тузумни англатган бўлса, XVII асрларда бу сўз орқали «рента», «шартномавий рента» маънолари англашилган. Кейинчалик уни яна қадимги грекча мазмунига қайтиб, «Конституция» деганда, давлатнинг ҳуқуқ билан аниқланадиган таркибий тузилишини назарда тутганлар. Буюк француз буржуа инқилоби арафасида эса «Конституция» атамаси «давлатнинг ҳолати» мазмунини англатган. «Ана шу маънода шуни таъкидлаш мумкинки, – деб ёзадилар профессорлар У.Тожихонов ва А.Саидовлар, – Шарқ ва Осиё цивилизациясига хос бўлган, шариат билан бир қаторда XIII-XIX асрларда Ўрта Осиё халқларида давлатнинг ҳолатига ҳал қилувчи таъсир кўрсатган, алоҳида шакл ва характердаги конституциявий ҳужжат Чингизхоннинг «Ясо»си ва Амир Темурнинг «Тузуклари» бўлган».[4]

Агар Конституцияни юридик акт – ҳуқуқнинг асосий манбаи деб оладиган бўлсак ва унда давлат бошқаруви, тузилиши ҳамда

[1] Ишанов А.И., Саматова Х.С., Уразаев Ш.З. История государства и права Узбекистана. Учебник, Часть 1. – Ташкент: Ўқитувчи, 1969, – С.39.
[2] Бобоев Ҳ.Б. Амир Темур ва темурийлар салтанати (XIV-XV асрларда сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихидан). – Тошкент: Камалак, 1996, 73-б.
[3] Логофет Д.И. Страна безправия. Бухарское ханство и его современное состоние. – Петербург. 1909. – С.206.
[4] Тажихонов У.Т.,Саидов А.Х. Общая характеристика конституций мира. Конституция мира. Т.1. – Ташкент: Академия МВД, 1997, – С.4.



қонунчилигининг асосий принциплари мустаҳкамлаб қўйилиши, давлатнинг ҳокимият ва идора органларининг тузилиши вазифалари, суд ва ҳарбий қурилиш, шунингдек, молия тизимларини ҳуқуқий тартибга солишидан келиб чиқсак, «Тузуклар» ҳеч, шубҳасиз, Конституцион ҳужжатдир. Чунки мана шу масалаларнинг барчаси «Тузуклар»да акс этган ва уларни ҳуқуқий тартибга солиш чоралари белгиланган. Ундаги ҳуқуқий нормаларни ҳозирги замон ҳуқуқ тармоқлари бўйича тасниф этганда, қуйидагича гуруҳланишни кўриш мумкин: а) давлат ҳуқуқий нормалар – давлат бошлиғи, вазирлар, девонлар (тармоқ бошқарув органлари) девонбеги, давлатни бошқарув принциплари (машварат-кенгаш), маслаҳат, тўра ва тузукка асосланиш, маҳаллий бошқарув, чегара вилоятларини ҳарбий ва фуқаро бошқарувини амалга ошириш учун суюрғал (ҳадя) қилиб бериш ва ҳоказо, б) фуқаролик ва молия ҳуқуқи нормалари - ер, мулкнинг шакллари – суюрғол, иқто, танҳо; уларни бериш тартиби, тушунчаси, бундай мулкларни олганларнинг мажбуриятлари, омонатлар, солиқлар, жангда ярадор ва ҳалок бўлган аскарлар таъминоти ва бошқалар; в) жиноят ва жиноят-процессуал ҳуқуқи – жиноятларга жазо бериш, ҳар бир шаҳарда адолат уйлари, қозихона-дорул аморат ташкил қилиш, қози аскар, аҳдос ва раият қозилари, уларни тайинлаш, ёлғон гувоҳлик учун жазо тайинлаш ва бошқалар; г) ҳарбий-ҳуқуқий нормалар – армияни тузиш, унинг қўмондон таркиби ва таъминоти, ҳарбий хизмат ва хизматчиларни моддий-маънавий рағбатлантириш, ҳарбий гуруҳлар, тўплар ва бўлимларни тузиш каби масалаларни ўз ичига олади.

Юқоридагиларга асосланиб, Д.И.Логофетнинг Туркистонда ғарбий Европадан 600-500 йил олдин Конституция вужудга келган, деган фикрни ҳам адолатли деб биламиз.

«Тузуклар», бундан ташқари, XIV асрнинг иккинчи ярмига оид ижтимоий-сиёсий воқеаларни ўрганишда қўл келувчи Темур салтанати, унинг давлат тизими, бошқарилиши, суд қурилишига оид жуда муҳим қоидалар ва маълумотларни ўзида акс эттирган тарихий ҳужжатдир. Ёки, юридик тилда айтганда, маъмурий-сиёсий ва ҳарбий Кодексдир. Унинг тузилишига келганимизда, икки қисм (икки мақола)дан иборат бўлиб, биринчи қисми таржимаи ҳол характерига эга. Бунда 150 йил давом этган

мўғул-чиғатой сулоласининг истибдодидан қутулиш, Ўрта Осиёдаги марказлашган давлатни тузиш билан боғлиқ ижтимоий-сиёсий воқеалар баён этилади.

Иккинчи қисмида эса, улкан давлатнинг валиахд ва амирзодалар томонидан қай тарзда бошқарилиши, йирик мансабдорларни тайинлаш, ҳарбий қурилиш, суд юритиш, армияни тузиш, сафлаш, таъминоти масалаларини ўз ичига олади. «Салтанат қуриш, давлат тутиш ишларини бир неча тузукка боғладим ва салтанатда бошқариш ҳақида қўлланма ёзиб қолдирдим», – деб ёзилади «Тузуклар»да.[1]

Биринчи мақолада 13 кенгаш санаб кўрсатилади, қолганлари эса саналмасдан фақат Кенгаш деб номланади. Юқорида келтирганимиздек, «Тузук» деган сўз қонунлар тўплами маъносида ишлатилган. Шунинг учун ҳам уни қонун кучига эга бўлган акт, Ўзбекистон доирасида Ўрта аср давлати ва ҳуқуқининг бизгача тўла етиб келган тўплам ҳолидаги ягона йирик манбаи, дунёвий ҳуқуқ ёдгорлиги деб қаралмоғи лозим.

Амир Темур ўз давлатида қадимий турк-мўғул анъаналари удумларига риоя қилганлиги учун, унинг давлатида Чингизхоннинг Ясо (Йосо) қонунлари ҳам ҳуқуқ манбаи сифатида қўлланилганми? Ёки унинг айрим қоидалари рецепция қилиб (ўзлаштириб) олинганми? – деган масала ҳам ҳуқуқ тарихи фанида мавжуд. Чингизхон билан Туркистонга келган турк- мўғуллар ва туркий қабилалар дастлаб мусулмон бўлмаганлар. Шунинг учун улар мусулмончиликни қабул қилгунларича Ясо ва ҳуқуқий одатлар амалдаги ҳуқуқнинг асосий манбаини ташкил қилган. Амир Темур давлати эса мусулмон давлати эди. Шунинг учун Ясонинг ҳаракатдаги ҳуқуқ манбаи деб қаралиши шариат ҳуқуқига хилоф ҳисобланар эди. Аммо жиноят ва жазо масалаларида Ясога ҳам амал қилинганлигини кўриш мумкин. Шу билан бирга ҳарбий қурилиш масалаларида Ясодан рецепция (ўзлаштирилган)ланган

[1] Темур тузуклари. – Тошкент, 1996, 68-б.



ҳукмлар ҳам йўқ эмас. Масалан, сипоҳнинг яроқ жабдуқлари ва анжом жиҳозлари тузуги[2] Ясо билан бир хил талабларни қўйган.

Турк-мўғул давлатчилигидаги кўпгина асослар, жумладан, ўнлик тизими асосида ҳарбий-маъмурий бўлиниш, салтанатни икки қанотга бўлиш, олий ҳокимиятнинг барча зарур белгиларини қамраган концепцияси, шунингдек, тахтга ворислик каби мўғулларнинг ҳарбий санъати илдизлари ҳунлар ва қадимги турклар даврига бориб тақалади. «Яса», «Ясо», «Ясоқ» – мўғулча шакли «дзасоқ» сўзи-қонун», «қарор», «бошқариш» маъноларини англатиб, аслида кўпгина сиёсий-ижтимоий, ҳарбий ва иқтисодий атамалар сингари туркий тилдан олинган (Сўз ўзаги, туркий сўз – «ясанақ»).

Ясо, Ясоқ Темурийлар давридаги кўпгина манбаларда учрайди. Мўғуллар ҳукмронлик қилган даврда амалда бўлган кўпгина эски тартиблар ва анъаналар Темур томонидан қисман мерос қилиб олинди. Бу, энг аввало, давлатчилик, ҳарбий ишга оид айрим «Тузуклар»да намоён бўлади. Фуқаролик ҳуқуқига келганда, Темурийлар давлатида Ясога таянилмаган, бу масалалар шариат қонунлари асосида ҳал этилган. Баъзи олимларнинг ушбу фикрини қувватлаган ҳолда, «жиноий-ҳуқуқий масалаларда Ясо «Ясоқ» Темур давлатида қўлланилмаган»[3], деган фикрларига қўшилиб бўлмайди. Чунки «Тузуклар»нинг ўзида тўғридан-тўғри – «Ўғрилар хусусида буюрдимки, улар қаерда бўлмасин, тутуб олинса, Яса бўйича жазолансин» деб мустаҳкамлаб қўйилган.[4]

Амир Темурнинг жаҳон халқлари тарихи ва цивилизациясига қўшган ҳиссаси асосан қуйидагилардан иборат: Марказий Осиё, Хуросон, Эрон, Афғонистон халқларини мўғул босқинчиларидан озод қилди, бу ҳудуддаги сиёсий тарқоқлик ва ўзаро низоларга барҳам бериб, қудратли марказлашган давлат тузди, Россиянинг мўғуллар истибдодидан халос бўлишига

[2] Тошев Н. Ясо мўғуллар ва темурийлар даври ёзма манбаларида. // «Амир Темур ва унинг жаҳон тарихидаги ўрни» мавзуидаги Халқаро конференция тезислари, 1990, 23-26 октябрь. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996, 96-б.

[3] Тошев Н. Ясо мўғуллар ва темурийлар даври ёзма манбаларида.// «Амир Темур ва унинг жаҳон тарихидаги ўрни» мавзуидаги Халқаро конференция тезислари. 1990, 23-26 октябрь. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996, 96-б.

[4] Темур тузуклари. – Тошкент, 1996, 94-б.

кўмак берди. Европа халқларини Усмонли турклар империяси таҳдидидан сақлаб қолди; Ўрта Шарқда яшовчи турли тилларда сўзлашувчи, ҳар хил диний мазҳабларга мансуб халқларни бир-бирига душманлик кайфиятидан халос қилди, уларнинг анъаналари, санъат ва маданияти яқинлашувини таъминлади. Ғарб ва Шарқни боғлаб турувчи халқаро «Буюк ипак йўли»ни қайта тиклади ва ривожлантирди. Мовароуннаҳр шон-шуҳратини дунёга танитди, ўлканинг илму фани, ҳунармандчилиги, архитектураси, санъат ва маданиятини мислсиз даражада ривожлантирди, яъни «Темурийлар ренессанси»га асос солди; пойқадами етган жойларда ислом дини мавқеи ва таъсирини оширди, инсоният тараққиётида давлатчилик тизимини юқори поғонага кўтарди, уни янги қонунлар ва тартиб-қоидалар билан бойитди, ҳарбий санъатни мукаммаллаштирди. Шариат ва дунёвий қонунларга таянган янги ҳуқуқий тизимни ривожлантирди.

Амир Темур жуда катта доирада (қарийб 27 та давлат ва амирликни бирлаштирган) ўз салтанатини ўрнатиб, кучли ижтимоий-сиёсий, маънавий ва моддий салоҳиятли тизимни вужудга келтирди. «Темурнинг тузуми Мовароуннаҳр учун ҳеч шубҳасиз, энг дабдабали давр бўлиб, турк халқи учун шундайин зиё бердики, баъзи қавмлар, эллар ҳозиргача ундан ҳарорат оладилар», – деб ёзган эди бу ҳақида Ҳ.Вамбери.[5]

Бу давлат ўнлаб давлатлар, турли динларга, ҳуқуқий тизимларга эътиқод қилган ўнлаб халқларни ўз таркибида бирлаштирган бўлиб, бундай давлат қонунчилик тизимисиз яшай олмас эди. Шунинг учун Амир Темур қадимий туркий удумларга кўра, а) марказлашган давлатни тузиш жараёни; б) уни бошқариш тамойиллари; в) қонун-қоидаларини ўз ичига оладиган қўлланма – «Тузуклар»ни яратди. Бу ўша давр давлатлари учун муҳим аҳамиятга эга ҳужжат эди. Темур тузуклари Амир Темур раҳбарлиги остида, унинг девонида, туркий тилда яратилган ҳақиқий, тарихий, сиёсий юридик ҳужжатдир. Ундаги нормаларни ҳозирги замон ҳуқуқ тармоқларига қиёслаб таҳлил этсак, конституциявий ҳужжат

[5] Вамбери Ҳ. Бухоро ёхуд Мовароуннаҳр тарихи. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1990. 56-б.



эканлиги яққол кўзга ташланади. Давлатда ҳуқуқий муносабатлар нуқтаи назаридан олиб қаралса, у мусулмон ҳуқуқидан кейинги асосий манба ҳисобланган.

## Иккинчи боб

## «ТЕМУР ТУЗУКЛАРИ»ДА ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ МАСАЛАЛАРИ

### 2.1. Давлат ва давлат бошлиғи тўғрисидаги қоидалар

Ўрта Осиё халқлари, хусусан, аждодларимизнинг қонун, давлат ва сиёсатга жиддий муносабатда бўлганликлари замирида инсонни улуғлаш, жамиятнинг барча қатламларини адолат билан чулғаб, чинакам ҳуқуқ асосларига таянадиган давлат яратишдан иборат мақсад ётар эди. Шунинг учун ҳам аждодларимизга раҳнамо бўлган буюк шахслар давлатчилик борасидаги сиёсий, ҳуқуқий тартибларини ўрнатувчи кўплаб асарлар яратганлар. Улар орасида Амир Темурнинг «Тузуклари»да ифода этилган давлат масалаларига оид йўл-йўриқлар, қонунлар, тузуклар алоҳида аҳамиятга эга. Буюк давлат арбобининг давлатчилик сиёсатида, у яратган бошқарув тизими ҳамда давлатчилик анъаналари моҳияти заминида муайян бир жуғрофий макон ва жамиятнинг турли имкониятларини маҳаллий халқ манфаатлари йўлида юзага чиқарувчи чинакам ташкилотчилик ётганини кўрамиз.

Ўзбек давлатчилиги тарихининг муҳим даври – Темур салтанати марказлашган давлат эди. Салтанат қурувчисининг фикрича, давлат биринчи галда, мамлакатдаги барча ижтимоий табақаларнинг манфаатларини ҳимоя қилиши; маслаҳат, кенгаш, тадбиркорлик, қонун-қоидалар ва адолат билан қатъий тартибда бошқарилиши керак эди.

«Давлат ва салтанатимга боғланган менинг биринчи тузугим шул ким, – деб ёзади Амир Темур ўз тузукларида, – Тангри таолонинг дини ва Муҳаммад Мустафонинг шариатига дунёда ривож бердим, ҳар ерда ва ҳар вақт ислом динини қувватладим».[6] Темур бу ерда ўзининг дин ва давлат борасидаги кенгашларида исломни бир восита сифатида фойдаланишни эмас, балки уни халқ билан давлатни яқинлаштиришдаги ҳамда давлатни халқ тизимига уйғунлаштирадиган куч бўлганлигини

[6] Темур тузуклари. – Тошкент, 1996, 68-69-б.



назарда тутиб, давлатда ислом динини ривожлантириш лозим, деб ҳисоблайди. Унинг назарида халқдан ажралган «ҳокимият ҳеч нарсага қодир эмас. Шунинг учун ҳам унинг фикрича: «Давлат агар дину тартиб асосида қурилмас экан, тўра-тузукка боғланмас экан, ундай салтанатнинг шукуҳи, қудрати ва тартиби йўқолади... Шунинг учун ҳам мен ўз салтанатим биносини ислом дини тўра ва тузуклари асосида мустаҳкамладим».[7]

Темурнинг исломга ва унинг руҳонийларига юксак ҳурмати ва унинг юксак маънавиятли мусулмон сифатида давлатни ислом қонун-қоидалари асосида тузиши ҳам Мовароуннаҳрнинг диний марказга, тасаввуф марказига айланишига олиб келади. Унинг динга ривож беришда қўллаган тадбирларидан бири «сайидлар орасидан лаёқатли биттасини аҳли исломга бошлиқ – садр этиб» тайинлашидир. Мусулмонларга диний таълим бериш учун, хусусан, шариат ақидалари ва ислом дини илмларидан тафсир, ҳадис, фиқҳдан сабоқ бериш учун» ҳар бир шаҳарга олимлар ва мударрислар тайин қилади. Унинг ислом динини ривожлантириб, шариатни ёйгани, унга равнақ бергани учун ислом олимлари саккизинчи юз йилликда (ҳижрий, мелодий XIV аср) «Амир Соҳибқирон Муҳаммад динини янгиловчиси, шу киши бўлғай» деб фатво берадилар.[8] Юқоридагилардан қуйидагича хулосалар чиқариш мумкин:

1. Амир Темурнинг марказлашган давлатни тузишида ислом динини мустаҳкамлаш, ривожлантириш марказий ўринлардан бирида турди.
2. Амир Темур улуси – давлати, салтанати марказлашган мусулмон давлати сифатида ташкил топди.
3. Бундай давлатнинг ташкил топишида халқ ҳам, дин аҳллари ҳам Темурни қўллаб-қувватладилар.

«Тузуклар»да давлат бошлиғи, унинг сифатлари тўғрисидаги қарашлар ҳам мавжуд.

1. Маълумки, давлат ва ҳуқуқ фанларида Ўрта аср давлатларини бошқариш шакли бўйича илк феодал монархиясига табақа вакиллик монархияси ва мутлақ монархия давлатига бўлиб ўрганилади. Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқида

[7] Темур тузуклари. – Тошкент, 1996, 72-74-б.
[8] Темур тузуклари. – Тошкент, 1996, 73-74-б.

Эфталийлар давлатидан бошлаб ундан кейинги барча давлатлар: Турк хоқонлиги, Қорахонийлар, Салжуқийлар, Хоразмшоҳлар давлатлари мутлақ монархия, ҳокимият чекланмаган ҳукмдор бошқаруви кўринишидаги давлатлар эди, деб ҳисоблаш мумкин. Амир Темур салтанати (империяси) эса давлатшунослик нуқтаи назаридан олганда, мана шу мутлақ монархиянинг энг чўққисидир.

Темур келиб чиқиши бўйича барлос уруғидан, яъни туркий халқлардан бўлиб, бевосита мўғул хонлари авлодидан бўлмаганлиги учун у ўзини хон деб атай олмас эди. Чунки ўша давр удумларига (одатлари) кўра, хонлик чингизийлар наслига мансуб бўлиб, бу махсус аҳдномада ҳам қайд этилганди. 1360-1361 йилларда Мўғулистон хони Туғлуқ Темурхон мўғуллар ҳокимиятидан қутулишга ҳаракат қилаётган Мовароуннаҳрга икки марта қўшин тортиб, бу ернинг ҳокимиятини ўз ўғли Илёсхўжага топшириб, Темурни эса унга бош қўмондон қилиб тайинлайди. Темурнинг бобоси Қочувли Баҳодир (барлос қабиласининг биринчи бошлиғи) ва Илёсхўжанинг бобоси Қобулхонлар ўртасидаги пўлат тахтага ёзилиб, имзоланган аҳдномага кўра, «улуғлар аҳдига вафолик қилиш юзасидан сипоҳсалорликни (қўмондонликни) қабул қилдим», – дейди, у ўз «Тузуклари»да.[9] Амир Темур ана шу аҳдга мос ҳолда ўзининг умрини охиригача хон эмас, амир, яъни лашкарбоши (ҳукмдор, амир-фармон берувчи киши) унвонида қолди.

Тарихий манбаларда унга турли нисбатлар берилган. Жумладан, Соҳибқирон – Зуҳро ва Юпитер (муштарий) юлдузлари бир-бирига яқин келганда туғилган бахт-саодатли подшо; «Жаҳонгир» – жаҳонга ҳукмронлик қилувчи, «қутби Салтанати Олий» – олий салтанатнинг қутби; Абул Мансур Темур – Зафарли ёки Зафар ёр бўлган Темур; «Он ҳазрат» – ҳазрати олийлари; «Турк давлатининг буюк куёши», (Шарафиддин Али Яздий, «Зафарнома»), «Дин ва дунё қутби», Темурбек (Руи Гонсалес де Клавихо), Туркистон амири (Рафиқ Уздек), Турон султони (Олтин чуку қоясидаги ёзув); улуғ амир (Ибн Арабшоҳ) ва бошқалар. Бек қўшимчаси ҳақиқий туркий

[9] Қиссаи Темур («Малфузоти Темурий»). – Тошкент, 2001, 185-б.



унвон бўлиб, арабча Амир (ҳукмдор, фармон берувчи) маъносидаги мансабга тенг келади.

Темур салтанатида давлат бошлиғи расман Чингизийлардан Суюрғатмиш хон (1370-1388) ва унинг ўғли Султон Маҳмудхон (1388-1440) йилларда хонлик унвонига тасдиқланган бўлса-да, амалда улар «қўғирчоқ» хонлар бўлиб ижтимоий ҳокимиятнинг барча белгилари, диний, дунёвий, ижро ва қонунчилик ҳокимияти бир кишини Амир Темур қўлида тўпланган.

Амир Темур Мовароуннаҳарни забт этиб, уни мўғуллардан тозалагандан кейин баъзи улус амирлари унга бўйсунишни истамай баъзилари «давлатга баримиз шерик бўлганмиз, уларни ҳам давлатга шерик билайлик» дейдилар. Уларга давлатнинг бир бўлагини бериб, мустақиллик бериш қайтадан сиёсий тарқоқликни вужудга келтириш мумкин эди.

Ана шуни чуқур англаган Темур бу ерда динни бирлаштирувчи тамойиллар ҳақида фикрлайди. «Худо битта, унинг шериги йўқдир. Шундай бўлгач, Оллоҳ таолонинг муқаддас мулки – ер юзига эгалик қиладиган подшоҳ ҳам битта бўлиши керак. Шу вақтда ўша даврдаги авлиёлардан бири бўлмиш Бобо Алишоҳ «ҳой, Темур, тангри таъло буюрганки, агар ерда ва кўкда икки худо бўлса, жаҳоннинг иши бузилур», деб маслаҳат беради. Шундан кейин Темур қатъий бир қарорга келади. «Ўзимга кенгашдимки, Худо битта, унинг шериги йўқдир, шундай бўлгач, Оллоҳ таолонинг муқаддас мулки ер юзига эгалик қилган киши ҳам биттадир. У ўзини Худонинг ердаги вакили, халифаси деб ҳисоблаган. Гўёки у Қуръондан фол очганида, «Инно жаълнока халифатан фил арз» (35-сура, 39-оят), яъни «Биз Сизлар учун халифалик бунёд этамиз»,ояти чиққан экан.[10] Бу билан у ўзининг дунёвий ва диний ҳокимиятнинг мутлоқ бошлиғи Араб ҳалифалари қаторида кўрганлигин яна бир тасдиқлайди. Амалда давлат ҳаётида ҳам шунга асосланган. Бундай хулоса чиқариб, мусулмон мумтоз ҳуқуқшунослари ҳалифаликни оқилона зарурат, деб ҳисоблаб келадилар, чунки инсониятга, кўзга яққол кўриниб турадиган йўлбошчиси бўлмаса, тўс-тўполонларда яшаган бўлур эди. Амир Темур ана шу йўлбошчи бўлиб шаклланди. Бу унинг давлат

[10] Темур тузуклари. – Тошкент, 1996, 74-б.

бошлиғи, диний ва дунёвий ҳокимиятни ўз қўлида тўплаган мутлоқ якка ҳоким бўлиши лозимлиги ҳақидаги қарашларининг шаклланиб етганлигани кўрсатар эди. Фикримизча, тарихчи олимлардан, Амир Темур даврининг йилномасини жуда аниқ тузган олим Фосеҳ Аҳмад Хавофий уни ва ундан кейин ўғли Шоҳрухни ўз асарининг барча жойида «ҳоқон» (император) деб атагани ҳақиқатга яқиндир».[11]

Бу унвон унинг ижтимоий ва давлат ҳаётидаги мавқеини айнан акс эттиради. Темурнинг давлат герби (рамзи) уч доирадан иборат бўлиб, бу шакл ташқаридан океанлар билан ўраб олинган жаҳоннинг уч қисми Осиё, Африка ва Европа ҳукмдори деган маънони билдирган.[12]

Темур мусулмон давлати ҳукмдори, мутлоқий монарх - якка ҳукмдор бўлиши лозим, деган таълимоти кейинчалик «Тузуклар»нинг бир неча жойида қайтарилади. Яъни бу ғоя ва қарашлар узил-кесил унда шаклланади. Жумладан, иккинчи мақолада ҳам давлат мустақиллигини сақлаб, тахтга ўтирганлигига сабаб, ўн икки нарсага амал қилганлигидан деб ҳисоблайди. Шулардан бири: «Салтанат ишларида ҳукм юргизишда подшоҳ ўзини ягона билиб, ҳеч кимни ўзига салтанат шериги қилмаган»лигидир деб билади.[13]

Амир Темур салтанати, ўзбек халқи унинг давлатчилиги тарихида ўзининг марказлашган, мутлоқий монархия, яккаҳокимлигига асосланган империя давлати сифатида алоҳида ўрин тутади. Аммо давлатшунослик нуқтаи назаридан бу давлатни ўрта аср ғарбий Европанинг давлатлари каби мутлоқ монархия шаклидаги давлат дейишимиз мумкинми? Маълумки, бу давлат Кенгаш, машварат, раият аҳволини ҳисобга олувчи мусулмон ҳуқуқи ва қонун-қоидаларига таянган давлати эди. Мумтоз ислом фалсафасида мусулмон давлати назарияси мукаммал ишлаб чиқилмаган. Унда «давлат» атамасидан кўра: «Имомат» ва «Халифалик» атамалари кўп қўлланилади. Сунний

[11] Муҳаммад Хавофий. Мужмали Фосехий (Фосиков свод) Перев.персед. и указатели Д.Ю.Юсуповой. – Ташкент: Фан, 1980, – С.118,120,121.
[12] Бу ҳақда яна батафсил қаранг: Муқимов З. Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи тарихи. 1-қисм. – Самарқанд: Зарафшон, 1998, 161-162-б.
[13] Темур тузуклари. – Тошкент, 1996, 87-б.



фиқҳ таълимоти давлат бошлиғининг ўз ҳатти-ҳаракатида мусулмон ҳуқуқий қоидаларига оғишмай амал қилиши, раият манфаатлари ва – «умумий фойдаси»ни ҳисобга олиши, шунингдек муҳим қарорлар қабул қилиш чоғида, маслаҳат билан иш кўриш»ини ҳамда унинг ваколатлари илоҳий кучга эга эмаслигини, халифанинг қонун чиқарувчилик салоҳиятининг йўқлиги фақат унинг ўзи мужоҳид бўлгандагина янги ҳуқуқий қоидаларни жорий этиши мумкинлиги йилларига таяниб давлат бошлиғининг ҳокимиятини мутлақ ҳокимят эмас, деб ҳисоблайдилар.[14] Миср олими Содиқ Иброҳим Урғуннинг мусулмон давлати борасидаги фикрлари ҳам айнан ана шу фикрларга тўғри келади, «Бир умрга давлат бошлиғи лавозимини эгаллаган ва Қуръон оятлари ҳамда Расулуллоҳ (с.а.в.) суннатлари билан алоқадор бўлган ва буюк мусулмон ҳуқуқи билимдонлари ишлаб чиққан хулосаларга асосланган подшоҳ мутлақ монархияга хос ваколатларга эга бўлмаган»[15], – деб ҳисоблайди у. Аммо Темур салтанати Ўрта Осиёдаги ўзига хос мутлоқий монархия эди. Чунки Амир Темурнинг давлат бошлиғи сифатидаги ўзига хослиги шундан иборат бўлганки, у қонун чиқариш ҳокимиятида ҳам иштирок этган. Бунга унинг «Тузуклар»и яққол мисол бўла олади. Ана шу фикрларга, шунингдек, Темур тузукларига суянган ҳолда, хулоса қиладиган бўлсак, бу давлат ўзига хос тузилиш шакли бўйича ўрта аср империяси (салтанати), бошқариш шакли бўйича ўзига хос шарқона мутлоқий монархия эди. Темур тузукларида қайд этилишича, салтанат ишларида энг биринчи галда тўрт нарсага амал қилиниши лозим: 1. Кенгаш. 2. Машварату маслаҳат. 3. Қатъий қарор, тадбиркорлик ва ҳушёрлик. 4.Эҳтиёткорлик.[16] Давлатни шакллантириш борасида эса у яна муҳим саналган тўрт устунга суяниб фаолият юритган: 1. Ислом ва шариат қоидалари. 2. Тўра ва тузуклар. 3.Хазина. 4. Раият ва аскар.

Соҳибқирон Амир Темурнинг бундай қарорга, жиддий тўхтамга келиши – давлат юритишда мазкур тамойил ва

[14] Исломов З.М. Давлат ва ҳуқуқ: умум назарий масалалар (давлат назарияси). – Тошкент: Адолат, 2000, 162-163-б.
[15] Социально-политические представление в исламе. – Москва, 1982. – С.52-53.
[16] Темур тузуклари. – Тошкент, 1996, 24-б.

устунларга суяниши ўз-ўзидан ёки қайсидир бир сиёсий тизимларга таяниш орқали эмас, балки у аждодларнинг давлатчилик ва қонуншунослик борасидаги энг яхши анъаналарини замонасининг талабларига уйғунлаштирди, уларни адолатли тамойиллар даражасига кўтара олди, чунончи ушбу қарорга келишгача бўлган даврда энг олий анъаналардан тортиб, ҳатто пири Зайнуддин Абубакр Тойибодийнинг маслаҳатларигача пухта ўрганди, унга суяниб иш тутди. Хусусан, у «мактубда (пири Зайниддин Тойибодийнинг хати кўзда тутилаяпти) ёзилган сўзлар салтанат ишларида мен учун энг тўғри йўлбошчи эди»[17], – деб ёзган эди. Шунга кўра давлат ишларининг тўққиз улуши кенгаш, тадбир ва машварат, қолган бир улуши эса қилич билан бажо келтирилишини англадим» – деб ёзади Темур.[18] Мазкур фикрнинг аслида, бугунги кунда ҳам катта нуфузи бор. Зеро, Яқин Шарқ, Афғонистон, Югославия, Грузия, Осетия можароларида, муросага келиш, Темурбек тили билан айтганда, кенгаш ва машварат лозимки, можароларнинг қурол кучи билан тинчитаман, деганлар фақат қонли тўқнашувлар, ур-йиқитлар ва хунрезликни келтириб чиқарадилар. Амир Темур, ҳатто шундай оғир вазиятларни, энг қийин ва мураккаб ҳолатларда ҳам тўққиз марта кенгашиб, тадбир ишлатиб, ҳал этиш лозимлигини таъкидлар экан, бу нафақат ўз замонаси, балки келажакка ҳам адолатли хитобки, инсон бор экан, дунё бор экан, бу сиёсий қарашлар ва одилона белгиланган қонунлар ўз кучи, салоҳияти, нуфузини йўқотмайди. «Донишлар демишларким, ўз ўрнида қилинган тадбир билан саноқсиз лашкар қиличи ожизлик қилган ҳар қандай мамлакат дарвозасини очиб, беҳисоб лашкарни енгиб бўлур». Кўринадики, Амир Темур ҳар қандай сиёсий можароларни бир тўғри тадбир билан жиловлаш мумкинлигини одиллик ила олға суради. Шу боис ҳам у «тадбиркор ва ҳушёр киши минг-минглаб лаёқатсиз кимсалардан яхшидир», дейди. Ғалаба, муваффақият ҳақида эса янада одилона фикр юритиб: «ғолиб бўлмоқлик тангрининг мадади ва бандасининг тадбири билан» амалга ошишини биларди. Икки юз қирқ уч киши билан

[17] Темур тузуклари. – Тошкент, 1996, 24-б.
[18] Темур тузуклари. – Тошкент, 1996, 24-б.



тадбир тузиб, кенгашиб, ўн икки минг отлиқ лашкарга қарши жангга чиқиб, Қарши қалъасини қўлга киритганлигини мисол тариқасида келтиради.

Амир Темур тўғрисидаги маълумотлар шунчалик кўпки, бу улкан уммон ичида гоҳо адашиб қолиш ҳеч гап эмас. Холисона айтганда, Темурбек ва унинг давлатига баҳо беришда яна уч жиҳатни кўрамиз:

Биринчиси, Амир Темур Искандар, Чингизхон каби елкаси ерга тегмаган саркарда, аммо улардан фарқли томони шундаки, аввало, у ҳеч қачон халқ билан юзма-юз жангга чиқмади ёки Искандар Мақдунли каби кишиларни қирғин қилмади, бу ўринда македонияликларнинг Зарафшон воҳасининг ўзида 120 минг аҳолини қиличдан ўтказганларини эслаш кифоя. Масаланинг яна бошқа жиҳати шуки, Амир Темур каби улар қайси мамлакатни фатҳ этсалар, кенг ободончилик ва қурилиш ишларини олиб борган эмаслар. Амир Темур ва унинг марказлашган давлати ҳақида сўз юритмоқчи бўлган биринчи тоифа ана шу жиҳатларини ҳисобга олади ва Ҳерман Вамбери каби Амир Темурни улар билан бир сафга қўйиб бўлмайди, деган адолатли қарорга келади.

Иккинчиси, бу тоифадаги тадқиқотчилар тарих ҳақиқатига эмас, ўз давлатлари мафкурасига қулоқ тутадилар: Амир Темурга ҳаққоний баҳо берсалар, унинг давлат юритиш борасидаги сиёсий, ҳуқуқий жиҳатлари ҳақида очиқ-ойдин фикр юритсалар, турли тазйиқларни бошларидан кечиришларини ҳис этадилар, лекин гоҳо мардлик қилиб, унинг адолатли ишларига оқилона баҳо берадилар.

Учинчиси, бу тоифа, Амир Темурга кўпроқ қора чаплашга интилади. Масалан, билиб-билмай, балки атайин Амир Темурни хат-саводсиз, деган Грановскийнинг фикрлари. «Тузуклар»да давлат масалалари тўғрисидаги сўз кетар экан, Темур шахси билан боғлиқ ҳолатлар ойдинлаша боради. У «мураккаб шахс эди» деган фикрга қарши ўлароқ, «унинг ўзи эмас, даври мураккаб ва зиддиятли эди», деган хулоса кўз ўнгингизда бўй кўрсатади. Хусусан, у тажрибасига таяниб, кенгашнинг икки турли бўлишини, биринчиси – тил учида айтилгани, иккинчиси чин юракдан чиққани эканлигини айтади. «Тил учида айтилганини шунчаки эшитардим, – дейди у, – юракдан

айтилган маслаҳатни эса қалбим қулоғига қуярдим ва дилимга жойлардим».

Подшоҳлар учун тўғри сўз, ҳаққоний хабарнинг фойдаси кўп, чунки ёлғон давлатни емиради. Амир Темур тўғри сўз кишига ҳурмат билан қарайди: «қайси киши ақлга сиққан бир ишни куюниб гапирса, суйиб эшитар эдим; кимки оқилона гапларни эрларча кескинлик билан сўзласа, унга солардим; ҳар кимдан кенгаш сўрар эдим, лекин айтилган ҳар бир маслаҳатнинг яхши ва ёмон томонлари ҳақида ўйлаб кўргач, тўғри ва савоблироғини танлаб олардим».[19]

Юқоридан кўринадики, Амир Темур тадбирлари оддийгина бўлса-да, аммо унинг ҳар бир бўлаги, сўзсиз, бир олам маънога эга эди. Яна шу жиҳати муҳимки, унда давлат масалалари содда, лўнда, аммо донолик билан баён этилган ва ҳар бир иш бошлашдан олдидан тадбир белгилашнинг моҳияти ишонарли тарзда очиб берилган.

Амир Темур ўз давригача яратилган ва давлатчилик тажрибалари сифатида шаклланган асослар билан бир қаторда, яна жамият ривожида барча ижтимоий табақалар фаолиятини назарда тутиш ҳамда унинг манфаатларини таъминлаш тартибларини яратди, ҳатто табиий равишда дин ва шариатни биринчи ўринда таъкидлагани ҳолда, ижтимоий табақаларга бўлган муносабатини бошқа йўналиш ва масалалардан устун қўйди. Амир Темур нуқтаи назарида салтанатни бошқаришда 12 тамойилга асосланиш керак[20]:

Бу борада Амир Темур «Қиссаи Темур» китобида «Мен ўн икки ишни қилиб, салтанат мартабасига етушубдурман ва ул ўн икки иш била мулкгирлик ва мулкдорлик қилиб салтанатим ўзангига зеб зийнат бердим»[21], деб ёзади.

<u>Биринчиси</u>, қонун-қоидага эътибор қаратадиган бўлсак, у ўзини ёлғиз, танҳо ҳукмрон ҳисобламайди: оламнинг яратувчисини, унинг буюклигини тан олади, элчи Расулуллоҳ динига содиқлигини ва шариатга нафақат ўз юртида, балки бутун дунё бўйича ривож берганлигини эътироф этади.

---

[19] Темур тузуклари. – Тошкент, 1996, 26-27-б.
[20] Темур тузуклари. – Тошкент, 1996, 68-72-б.
[21] Қиссаи Темур («Малфузоти Темурий»). – Тошкент, 2000, 245-б.



<u>Иккинчиси,</u> ўн икки табақа, тоифа ёрдамида мамлакатни идора қилдим, дейди.

<u>Учинчиси</u>, хоҳ мамлакатни забт этиш, хоҳ ғалабани кўзлаган бўлсин, аввало, маслаҳат, кенгаш, тадбиркорлик, фаоллик, ҳушёрлик ва эҳтиёткорликка эътибор қаратди, салтанат ишларида муросаю мадора, мурувват ва сабр-тоқат кўл келишини айтади, унинг фикрича, подшоҳ гоҳо кўп нарсани билиб турса ҳам билмасликка олиши керак. Чунки давлатнинг майда-чуйда, икир-чикири кўп, улар орасида ўралашиб қолмаслик керак. Бундан сабоқ шуки, миллат, халқ, жабру зулм кўрмаслиги, мустамлакачилар оёқлари остида хор-зор бўлмаслиги; унинг ғурури, шон-шавкати, ор-номуси топталмаслиги учун миллат ва халқ бошида турган раҳнамолар салтанат юритиш борасида, аввало, қонун устуворлигига эришмас эканлар, ундай давлат фуқароси охир-оқибат жуда кўп азоб-уқубатларга дучор бўлади. Демак, Амир Темур ҳар бир амир, бек ва сипоҳни ўз мартабасига яраша иззатида тутиши бежиз эмас, икинчи жиҳати, уларнинг ўз лавозимларидан ортиғини даъво қилмасликлари муҳим шартлардан бири. Халқ: «Чўпон кўпайса, қўйлар ҳаром ўлади», – дейди. Буюк Темурбек масаланинг шу жиҳатини назардан қочирмаган ҳолда тузук яратиб, давлатчилик нозик иш эканлигидан ўзини ҳам, ўзгаларни ҳам огоҳ этган, давлатчиликнинг ҳар бир қон томирига эътибор бермоқ лозимлигини уқтирган.

<u>Тўртинчиси,</u> бу хил салтанат қонун-қоидаларини мустаҳкам тутиш, ҳарбир кишини мансабга тайинлаганда, у ўз мансабини суиистеъмол қила олмади ва бошқаларникига ҳам кўз олайтирмади.

<u>Бешинчиси</u> Амир Темур ҳар бир қалб эҳтиёжини қондиришга, уни зару зеварлар билан зийнатлашга ҳаракат қилганки, билъакс, инсон ҳақ-ҳуқуқини англаб, меҳнат қилар экан, яшаш эҳтиёжи билан ҳисоблашади, меҳнат қилиб, истаганидек турмуш кечирмас экан, ундаги фаолликни кучайтириш, шижоат ва ғайратни ошириш қийин. Шунингдек, амирлар, сипоҳсоларлар, баҳодирларнинг иттифоқлиги ва бирлиги ғалабани таъминлашда асосий ўрин тутган.

<u>Олтинчиси</u>, Амир Темур давлатда зулм бўлмаслиги керак, деб ҳисоблайди ва жабр-зулм юритишга қарши туради. Динсиз

жойларда давлат туриши мукин, аммо зулм бор жойда у таназзулга учрайди, бобосининг ушбу ўгитларига амал қилган З. Бобур Ҳиндистонни фатҳ этгач, ҳатто энг ашаддий душманлари билан ҳам муросаю мадорага келиб, жабр-зулм ўрнига адолат пойдеворини яратди, шу боис ҳам унинг авлодлари узоқ ҳукм сурдилар.

Еттинчиси, ажойиб фазилатли инсонлар қадрланиши лозим, шижоатли кишиларни яқин тутиш керак, уламо билан суҳбатда бўлиб туриш давлат ишларида катта фойда келтиради, аммо зинҳор-базинҳор бузуқи ва оғзи шалоқ кимсаларни мажлисларга яқин йўлатмаслик, уларнинг туҳматларига, ғийбатларига эътибор қаратилмаслик лозим.

Саккизинчиси, Амир Темурнинг фикрича, подшо бир ишга киришдими, унга бутун фикри-зикри, кучини бериши, битмагунича ишдан қўлини тортмаслиги керак. Бир сўз айтдими - бажарсин. Қадимдан хозирги дамгача ўтган султонларнинг давлатчилик борасида олиб борган сиёсатлари, қонунлари, турмуш туришларини ўргансин, улардан намуна олсин. Давлатларнинг таназзулга учраш сабабларини сўраб суруштирсин ва давлату салтанат заволига сабаб бўлувчи, очарчилик ва вабо келтирувчи ҳолатлардан эҳтиёт бўлсин.

Одатда, подшолар шундай фаровонлик ва тўкин-сочинликни орзу қиладилар. Биз бу далил-исбот орқали Амир Темур ўз давридаёқ «Тузуклар»да баён этган қонун-қоидаларга амал қилиб, раият учун шундай ҳаётни таъмин этганига гувоҳ бўламиз.

Тўққизинчи тамойилда биз бунинг яна бир тасдиғини топамиз: «Раият аҳволидан огоҳ бўлдим, улуғларни оға ўрнида, кичикларни фарзанд қаторида кўрдим». Соҳибқирон ҳар бир мамлакат аҳволидан доимо воқиф бўлиб туради.

Ўнинчиси, унга хизматга кирган бошқа қабила, эл, элатнинг улуғларига ҳурмат кўрсатди, яхшиларга яхшилик қилди, ёмонларни ўз ёмонларига топширди. Узр сўраб келганларни кечирди.

Ўн биринчиси, давлат мансабларини тақсимлаганда, ўз яқинларини, таниш-билиш, ошна-оғайниларини унутмади. Ҳатто душмани билан келишиб яшади.



Ўн иккинчиси, хоҳ дўст, хоҳ душман бўлсин, навкарларнинг иззатини жойига қўйди. Ўз валинеъмати туз ҳақини оқлаган сипоҳни ҳам беҳад қадрлади. Сотқинларни эса ўз душмани деб билди. Масалан, Тўхтамишхоннинг амирлари вафодорлик ва ҳақиқатни бир чеккага йиғиштириб қўйиб, ҳузурига паноҳ излаб келишганда, «соҳиби берган туз ҳақига хиёнат қилганлар менга вафодорлик қилармиди» дея улардан юз ўгирди.

Амир Темур мусулмон ҳукмдори эди. Шу тариқа давлат ишларини юритишда ўз даврининг ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги етакчи омилларидан усталик билан фойдаланди: дину шариат ишларини тартибга келтириб, тузукларни яратди. Салтанат мартабалари тузугини қуйидагиларга таяниб тузди:

– салтанат қонун-қоидаларини Ислом дини ва ҳазрати Муҳаммад шариатига боғлади;

– ҳар бир ишда, ҳатто муомалада ҳам меъёрни унутмади;

– яхшиларга ёндашди, ҳеч кимдан ўч олиш пайида бўлмади;

– халқни эъзозда тутди, жабру зулмни ўзига бегона билди. Амир Темур давлатининг ижтимоий-сиёсий тизимини яратишда ўтмиш тажрибаларига таянган бўлса-да, улардан кўр-кўрона кўчирмади, негаки, бундай қалтис ҳаракат ҳамиша ҳар қандай давлат учун хавфли саналган. Ана шу ўринда шуни таъкидлаш лозимки, «Тузуклар» Амир Темур давлатининг ижтимоий-сиёсий тузуми, турли тоифаларнинг ҳуқуқларини ҳам белгилаб, тартибга солган. Салтанатни ўн икки тоифага бўлди ва уларга, таяниб давлат ишларини йўлга қўйди. «Салтанатимни ўн икки тоифадаги кишилар билан мустаҳкамладим».[22] «Салтанатим мартабаси бўлиши тўра, тузуклар ва қонун-қоидаларни ҳам шу ўн икки тоифага боғлаб туздим».[23]

Булар: сайидлар, уламо, шайхлар, фозиллар биринчи табақадан ўрин олдилар. Диний, ҳуқуқий ва ақлий масалаларда фикрлар билдириш, маслаҳатлар бериш уларнинг асосий вазифалари эди; иккинчи тоифа ақлли кишилар, кенгаш соҳиблари, эҳтиёткор арбоблар, кекса ва тажрибали кишилар эди; учинчи тоифага дуогўй кишилар киритилди; амирлар, сарҳанглар, сипоҳсолорлар тўртинчи тоифага мансуб деб

---

[22] Темур тузуклари. – Тошкент, 2005, 76-б.

[23] Темур тузуклари. – Тошкент, 1996, 81-бет.

белгиланади; бешинчи тоифа – сипоҳ ва раият; олтинчи тоифа – энг ишончли кишилар; еттинчи тоифа – вазирлар, бош котиблар, девон муншийлари; саккизинчи тоифа – ҳокимлар, табиблар, мунажжимлар; тўққизинчи тоифа – муҳандислар; ўнинчи тоифа – машойихлар, суфийлар, орифлар; ўн биринчи тоифа – касб-ҳунар эгалари; ўн иккинчи тоифа – саёҳатчилар, мусофирлар, савдогар ва карвонбошилар.[24] Қурултой, давлат Кенгаши мажлисларига таклиф қилиш, мансабларга тайинлаш, алоҳида топшириқларни бажаришда, албатта, ушбу тоифавий тузулиш эътиборга олинди.

Амир Темур чуқур мулоҳаза юритадиган, узоқни ва орқа-олдини ўйлаб иш тутадиган ҳукмдор бўлгани боис, давлат масалаларида ана шундай кенгашиб батафсил фикр юритиб, сўнг бир тўхтамга келарди.

Соҳибқирон ўз тажрибаларига таянган ҳолда подшоҳ қуйидаги-ларга амал қилиши зарур деб ҳисоблайди: сўзда қатъий, ишда шерик бўлмаслиги; ҳар нарсада адолатпеша бўлиши, адолатли вазир сақлаши; мамлакатда буйруқ ва фармон бериш фақат подшонинг ихтиёрида бўлиши; подшоҳ ҳукми жорий этилиши; подшо эркини бошқага бериб қўймаслиги; ҳар кимдан фикр олиш, ундан керакли пайтда фойдаланиши; сипоҳ ва раиятга боғлиқ масалаларда бошқаларнинг сўз ва феълига қараб амал қилмаслиги; подшоҳ ҳайбати бошқаларни итоат ва тобеликка тортиб туриши; ҳукмини ҳурматда тутиши: «Қайси ҳоким ҳукмининг таъсири калтаклаш таъсиридан камроқ экан, ундай ҳоким ҳукумат юргизишга яроқсиздир», – дейилади «Тузуклар»да.[25]

– «Подшоҳ ҳар ишда ўзи ҳукм чиқарсин, токи ҳеч ким унинг ҳукмига аралашиб, ўзгартира олмасин[26]; ҳукм юргизишда ҳам шерик тутмаслик; мажлис аҳлидан огоҳ ва ҳушёр бўлиши; қарорнинг бажарилишида қатъийлик.

Кўриниб турибдики, Амир Темур ўз қарашларини ўн икки, тўртлик гуруҳлари орасида жамлаб ифода эттан.

[24] Темур тузуклари. – Тошкент, 1996, 81-84-б.
[25] Темур тузуклари. – Тошкент, 1996, 91-б.
[26] Темур тузуклари. – Тошкент, 1996, 86-б.



Ўн икки рақами ал-Форобий (873-950) асарида ҳам учрайди. Жумладан, буюк файласуфнинг «Фозил шаҳар одамлари қарашлари» деб номланувчи асарининг йигирма саккизинчи бўлимида, давлатни бошқаришни алоҳида хусусиятга эга бўлган бир санъат, деб билиб, фозил шаҳар ҳокимлигининг олдига қўйиладиган ўн икки фазилатни ўзида мужассамлантирган бўлишини талаб этади.[27] Бундан кўринадики, ўн икки рақами Шарқ фалсафаси анъаналарида мукаммаллик, тўкис-тугалликни англатувчи тушунчадир. Амир Темур тузукларида баён этилган ўн икки қоида, асосан, ал-Форобийнинг давлатни бошқарувчи ҳукмдорлар олдига қўйган ўн икки хислати билан ҳамоҳанглигини яққол кўриш мумкин. Бу эса «Тузуклар»ни унинг бўш жойда вужудга келмаганлигини, балки ўша давр фалсафий қарашлари руҳида яратилганлигини яна бир бор исботлайди.

Амир Темурдек буюк давлат арбобининг подшолар учун яратган «Тузуклари» узоқ асрлар давомида қадрланиб келинди. Унинг боиси шуки, аввало, айнан ана шундай тўғри ва одилона тадбирлар орқали у марказлашган йирик давлатни бошқарди, яъни ким, бу асарда баён этилган амаллар катта синовдан ўтди ва ҳаётийлигини исботлади, демакки, ҳар бир давлат раҳбари учун, аввало, ҳаёт тасдиғини топган ана шундай қўлланмалар зарур бўлганлиги учун ҳам мазкур «Тузуклар» ҳамон дунё эътиборини тортиб келмоқда.

Амир Темур ўн икки тартиб-қоидага қатъий амал қилиш орқали, биринчи навбатда, фуқаронинг фаровонлиги, тинчлигини юқори ўринга қўяди, чунончи, подшонинг ўз сўзида қатъий туриши, адолатпеша бўлиши, қарор ва фармонларнинг бажарилишини қатъий назорат қилиши, ён атрофларидан доимо огоҳ ва сергак туриши, аввало, ўз фуқароларини ички ва ташқи хавфдан ҳимоя қилиши ҳамда ҳамма учун фаровон ҳаёт яратишни, элни хотиржам этиб, давлатни таназзуллардан сақлашни асосий вазифа деб билиши энг зарурий шартлардандир. Тартиб-қоидалар шундай, эскилари янгисига пойдевор бўлади. Демократик тамойилларга амал қилувчи

[27] Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри. – Тошкент: Мерос, 1993, 159-160-б.

давлатлар бирдан пайдо бўлган эмас. Бунгача узоқ ва машаққатли йўл босиб келинди. Демократияга тинимсиз ақлий ва жисмоний меҳнат қилиб, тер тўкиб, ҳаётнинг аччиқ-чучугини обдон тотиб, кейин, айтиш мумкинки, ҳатто фожиали тажрибаларни бошдан кечириб, оғир синов ва курашларга мардона бардош берибгина эришиш мумкин. Бу йўлда ўтмиш давлатчилигининг илғор тажрибалари жуда қўл келади. Масалан, ҳали Европа давлатларининг бирортаси конституцияга эга бўлмаган бир даврда, Амир Темур давлатида «Тузуклар»га суяниб давлат юритишнинг ўзи катта ижобий ҳодиса эди. Буни ўтган эски тузум мисолида кўрамиз, шўро давлати ҳарбий жиҳатдан устун бўлганлигига қарамай, бир силкинишда яксон бўлди; бундан хулоса чиқариш керакки, инсонни қудратли ҳарбий техника эмас, балки адолатли қонунлар бахтга мушарраф этади. Амир Темур ҳам ўз замонасининг баъзи ўта тор, чиркин муҳитига қарши ўларок, адолатли қоидаларни устувор йўналиш деб билган. Ўша давр воқеалар ривожига қарасак, ҳаёт ўта зиддиятли ва оғир бўлганлигини кўрамиз, шахс, жамият, ҳаёт ўртасидаги қарама-қаршиликларни енгиб, мустамлакачиликка барҳам бериб, янги давлат тузиш, унинг қонун-қоидаларини яратиб, ўта билимдонлик билан бошқариш кишидан ниҳоятда катта адолатни, билим ва салоҳиятни талаб этади. Юқорида баён этилганлардан қуйидаги қисқа хулосаларга келишимиз мумкин:

1. Амир Темур, баъзи тарихчи олимлар таъкидлаганидек, илмсиз, фақатгина уруш одами бўлиб қолмасдан, ўз замонасининг чуқур билимдон, зукко, мулоҳазали давлат арбоби ва буюк лашкарбошиси бўлиб, унинг давлат ҳуқуқий қарашларининг шаклланишида олган билимидан ташқари Зайниддин Абу Бакр Тойибодий, Мир Саййид Барака, Шайх Шамсуддин Кулол каби пирларининг таъсири, маслаҳатлари катта бўлган.

2. У салтанат таянчлари деб дин, хазина, сипоҳ ва аҳоли - раиятни ҳисоблаган.

3. Марказлашган давлатни тузиш давридаёқ унинг мусулмон давлати давлат бошлиғи, давлатнинг тузилиши борасидаги қарашлари пишиб етилган.

4. «Тузуклар»да бир тизим, тартиб асосида келтирган 4, 12 тамойиллар ўз-ўзидан келиб чиқмаган, балки улар асосида



қадим замонлардан Шарқда мавжуд бўлган фалсафий қарашлар тизимлари ётади 4 асос, 4 гуруҳ мансаб сўзлари «Чорвака», «тўрт унсур» фалсафий тизими асосида шаклланган бўлиши мумкин.

## 2.2. Давлат бошқаруви ва давлат хизмати

Амир Темур қурган давлат, аввало, ўзида сиёсий тизимнинг энг яхши шаклини мужассамлаштириши лозим эди. Чунки унинг назарида бошкариш маъмуриятини ташкил қилмай ва унинг фаолиятини тўғри йўлга қўймай туриб, жамиятни бошқариш, унинг ҳаётига исломий қадриятларни сингдириш, хизматни жорий қилиш, тўра ва тузукни мустаҳкам тутиш мумкин эмасди.

Амир Темур давлати, айтиш мумкинки, Сомонийлар, Қорахонийлар, ғазнавийлар, Салжуқийлар ва Хоразмшоҳлар давлат тизимини қайтадан жонлантирди, узоқ йиллик қарамликдан сўнг Туркистоннинг давлат мустақиллигини тиклади. Ўзигача бўлган ўзбек давлатчилигидан фарқ қиладиган марказлашган буюк давлат тизимини яратди. У давлат раҳбарининг қаттиққўл, тадбиркор, ниҳоятда адолатли, лекин раҳмдил, инсонпарвар, ҳалол, пок бўлишини кўрсатиб, ҳаётда адоват эмас, балки адолат енгади, деб кўрсатди.

Тузукларда унинг бу борадаги ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий қарашлари чуқур акс этиб, вазирлар, амирлар, девонбеги, вилоятлардаги девонларни, бекларни танлаш ва жой-жойига қўйишда уларнинг насл-насабига, ақл-фаросатига, халқпарварлигига, сабр-тоқатлилик, тинчликсеварлик, адолатпарварлик фазилатларига, кўтаринки руҳий ҳолатига, зийраклигига, малакаси ва одамлар билан муроса қилиш фазилатларига катта эътибор берган. У давлат ҳокимиятини «зўравонлик билан эмас, балки ўз ҳукмининг таъсирчанлиги ва адолат билан бошқариш»га риоя қилган. Ўз вазирларидан қуйидаги хислатларга эга бўлишни талаб этган: «биринчиси, асллик, тоза насллик; иккинчиси, ақл фаросатлилик; учинчиси, сипоҳу раият аҳволидан хабардорлик, уларга нисбатан хушмуомалалик; тўртинчиси, сабр, чидамлилик ва тинчликсеварлик».[28] Бундай

---

[28] Темур тузуклари. – Тошкент, 1996, 94-б.

хислатларга эга бўлиш, албатта, давлат бошқарувида, турли мураккаб ҳолатларни бартараф этишда қўл келади. «Бундай вазирга тўрт имтиёз: ишонч, эътибор, ихтиёр ва қудрат берилсин», – дейди Темур. Яъни уни ўз мансабига тайинлаб, уни давлат бошқарув ваколатлари билан таъминлашни уқтиради. «Давлату салтанат, – деб давом этади у, – уч нарса: мулк, хазина ва лашкар билан тирикдир. Доно вазир буларнинг хар учаласини тадбиркорлик билан яхши аҳволда, саранжом тутади».[29]

Амир Темур давлатни идора этишда турли табақалар ва тоифалар билан биргаликда бамаслаҳат иш кўриб, сиёсат юргизган. «Давлат салтанат устунларини ўшалар билан қувватлаб, мажлисларни шулар билан зийнатладим», – деб ёзади у. Салтанатим мартабаси бўлмиш тўра-тузуклар ва қонун-қоидаларни ҳам шу ўн икки тоифага боғлаб туздим. Бу ўн икки тоифани салтанатим фалакининг ўн икки буржи ва давлатим корхонасининг ўн икки ойи деб ҳисобладим».[30] Бу табақаларни биз юқорида кўриб чиқдик. Албатта, Темур уларнинг ҳар биридан ўз мақсади ўрнида ва йўлида фойдаланганлиги маълум.

Амир Темур ўзининг сиёсатини амалга оширишда, давлатни бошқаришда уламолар, илм-фан аҳллари ва юқоридаги табақалар вакилларига қаттиқ таянган. Буни ўзининг олим-уламолар билан суҳбатларидан бирида сўзлаган нутқидан ҳам кўришимиз мумкин: «Фан ва диннинг машҳур кишилари ўз маслаҳатлари билан подшоларга ёрдам бериб келганлар. Сизлар эса менга нисбатан бундай қилмаяпсизлар. Менинг мақсадим мамлакатда адолат ўрнатиш, тартиб ва тинчликни мустаҳкамлаш, фуқаронинг турмушини яхшилаш, юртимизда қурилишни кучайтириш, давлатимизни ривожлантиришдир. Сизлар бу ишларни амалга оширишда менга ўз маслаҳатларингиз билан кўмаклашишларингиз керак. Мамлакатнинг аҳволи, девоннинг суиистеъмол қилинганлиги ва қилинаётганлиги, оддий одамларнинг жойлардаги ҳокимлар томонидан қисиб қўйилиши каби ҳоллар ҳам мендан кўра сизларга аёндир. Шулар ҳақида маълумот берсангизлар, бу каби адолатсиз ишларни бартараф этувчи ҳамда шариат ва

[29] Темур тузуклари. – Тошкент, 1996, 96-б.
[30] Темур тузуклари. – Тошкент, 1996, 81-б.



қонунларга мувофиқ чора-тадбирларни айтсангизлар яхши бўлур эди», – дейди.[31]

Амир Темур ана шу табақаларнинг хизматидан уларнинг ижтимоий мавқеига қараб фойдаланган ҳамда уларни тақдирлаб турган. Унинг даврида феодал мулкчилик ривожланган, жумладан, аскар боши, шоир ва катта мартабали руҳонийларга, девон хизматчиларига суюрғол тариқасида мулклар инъом қилиб берилган, алоҳида хизмат кўрсатган бекларга, лашкарбошиларга бериладиган ер, сув мулки ёки бўлмаса маълум жойдан туман, вилоятдан ўз фойдасига солиқ йиғиб олиш ҳуқуқини берадиган – суюрғол мулки вужудга келган.

«Тузуклар»да кўрсатилишича, давлатни бошқаришда кенгашиш, маслаҳат ҳамда тадбиркорликка катта аҳамият берилган. «Давлат ишларининг тўққиз улуши кенгаш, тадбир ва машварат, қолган бир улуши эса қиличдир»[32], – дейилади унинг биринчи мақоласида. Шу ҳақиқат шубҳасизки, «Темур тузуклари»да давлатни бошқаришдаги деярли бош ғоялардан бири сифатида кенгаш, машварат ва тадбиркор бўлиши кўрсатилган. Бунда у, албатта, энг аввало, ўз яқинлари, зодагонлар, йирик амалдорлар билан кенгашни назарда тутган. Бунга курултойлар, шунингдек, ҳарбий юришлар олдидан қўшин бошлиқлари бўлган амирлар ва амирзодалар (ўзининг ўғиллари) билан ўтказган кенгашларини киритиш мумкин. Фақат бошқаришда эмас, ҳарбий ҳаракатларда ҳам, кенгашларга, айниқса, катта аҳамият берилган. «Юз минг отлиқ аскар қила олмаган ишни бир тўғри кенгаш билан амалга ошириш мумкин», деган сўзлар бунга гувоҳдир.

Амир Темур хузурида маслаҳат, кенгаш органларига қурултой ва давлат кенгашини кўрсатиш мумкин. Қурултой - бу Темур даврида олий феодал табақаларининг кенгаши бўлиб, вақти-вақти билан мамлакат ва давлат ҳаётининг муҳим масалаларини ҳал этиш учун чақириб турилган. Бу Темур сиёсатининг ўзига хослигини кўрсатади. Тарихий манбаларга кўра, Балх, Қарши ва Қорабоғ, Самарқандда қурултойлар чақирилган. Буни Шарққа хос маросим, ҳатто миллат мажлиси

[31] Низомиддин Шомий. Зафарнома. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996, 370-371-б.
[32] Темур тузуклари. – Тошкент, 1996, 25-б.

деб аташ мумкин. Ана шундай қурултойларнинг дастлабкиси Темур ўз рақиблари устидан ғалаба қилгач, 1369 йилнинг 8 апрелида Балхда чақирилиб, унга Чиғатой улусининг тўралари, Темурнинг қуролдошлари ва аввалда унга душман бўлиб, кейинчалик унинг хизматига ўтган амирлар ҳам қатнашадилар. Қурултойда «Темур қадимги турк одатига биноан оқ кигиз устига ўтқазилиб, юқори кўтарилди. Темурнинг пири Сайид Барака дуойи фотиҳа қилганидан кейин у Мовароуннаҳрнинг амири деб эълон қилинди».[33]

Ана шундай қурултойлар чақирилгани, унга барча шаҳзодалар, олий мартабали диндорлар, бош амалдорлар, маъмурият ходимлари, ҳарбий бошлиқлар, зодагонлар вакиллари таклиф қилинганлиги тўғрисида бошқа маълумотлар ҳам бор. Қурултойлар, уларнинг давлат ҳаётидаги ўрни масаласида олимлар ўртасида турлича қарашлар ва фикрлар мавжуд. Ушбу масалани ўрганган венгер олими Ҳ.Вамбери Темур Мовароуннаҳр тожини шараф билан «Миллат мажлиси – қурултойнинг сайлови орқали хоҳлади», деб уни деярли ўрта аср парламентига тенглаштирган.[34]

Проф.Ҳ.Бобоев Амир Темур ўтказган қурултойларда амирлар, шаҳзодалар, баҳодирларнинг иштирок этганларини ва бу қурултойда муҳим сиёсий-ҳарбий масалалар ҳам муҳокама қилинганлигини таъкидлаб: «...унда ҳал қилувчи қарорни қабул қилишда, унинг ҳокимиятни бошқаришида, Шарқ деспотик давлатларидан фарқ қиладиган ижобий томонларини кўрамиз. Бу ерда Монархия билан Демократиянинг қўшилишини кузатамиз», – деган фикрни билдиради.

Учинчи бир гуруҳ олимлар эса «Темур Қурултойларга аҳамият бермаган, балки Қуръонга суяниб иш кўрган», – деб ҳисоблайдилар. Қурултойдан кейинги ўринда махсус орган, давлат мажлиси турган. Бунга бағишланган махсус: «Салтанат саройида ўлтириш ва ўрин олиш тузуги» мавжуд бўлиб, унда барча мансабдор шахслар ва табақаларнинг мажлис вақтида жойлашиши белгилаб қўйилган. Бу тузукда кўрсатилишича,

[33] Херман Вамбери. Бухоро ёхуд Мовароуннаҳр тарихи. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1990, 35-б.
[34] Херман Вамбери. Ўша асар, 34-б.



сайидлар, қозилар, уламо, фузало, машойих ва бошқа олий табақадаги кишилар амир тахтининг ўнг томонида, амирул-умаро, беклар беги, амирлар, сардорлар, шунингдек, ўнбоши, юзбоши ва мингбошилар мансаб даражаларига қараб, тахтнинг сўл тарафидан, девонбеги, вазирлар орқасидан баҳодирлар, қиличбоз йигитлар – тахт орқасида унинг ўнг томонида, қоровуллар эса чап томонидан ўрин олиб турганлар.[35]

Темурнинг рўпарасидан қоровуллар амири ўрин олиб, тахтнинг ўнг ва чап томонида йиғилганларни шу тарзда жойлаштиришни тўрт мансабдор амирга топширган. Бу давлатда «Салтанат қўрғонлари» деб аталган амирлар ва «Салтанат» саройининг ишончли ва эътиборли кишилари бўлмиш вазирлар, айниқса, катга мавқега эга бўлганлар. Ушбу кенгаш икки кўринишда чақирилган. Катта кенгаш, тинчлик вақтида амир саройида Самарқандда юқоридаги кўринишда чақирилган. Кичик кенгашда Амир Темурнинг энг яқин кишилари иштирок этган.

Давлатнинг марказий бошқарув органи Девонхона бўлиб, тармоқ бошқаруви эса вазирлар томонидан олиб борилган. «Тузуклар»га кўра тўрт вазир ва чегара (сарҳад) туманлари бўйича уч вазир тайинланган.

Амир Темур бу улкан салтанатни улусларга бўлиб идора қилган, бу «Тузуклар»да ҳам ўз аксини топган. У ўзига бўйсунган барча вилоят ва мамлакатларни тўрт ўғлига улус қилиб бўлиб берган. Жумладан, тўнғич ўғли валиаҳд (дастлабки) Муҳаммад Жаҳонгирга Балх вилояти билан 12 минг кишилик қўшин (вафотидан кейин унинг ўғли Пирмуҳаммадга Қобул, Ғазна, Қандаҳор ҳам қўшиб берилган), ундан кейинги ўғли Умар Шайх Мирзога Форс вилояти ва 10 минг аскарга қўмондонлик, учинчи ўғли Мироншоҳга Озарбайжон, Ироқ, Арманистон ва 9 минг аскарга қўмондонлик, кенжа ўғли Шоҳрухга Хуросон, Журжон, Мозандарон, Сейистон вилоятлари ва 7 минг аскарга қўмондонликни берган. Давлат улусларга бўлиниб, унинг ҳокимлари алоҳида ҳудуд ва қўшинга эга бўлсалар-да, академик Б.Аҳмедов кўрсатганидек, бу вилоятларнинг ихтиёри тўлалигича уларнинг қўлида эмасди. Бунга сабаб улар (шаҳзодалар)

[35] Темур тузуклари. – Тошкент, 2005, 11-112-б.

улуснинг муҳим ишларини отаси ва Марказий ҳукумат билан кенгашиши лозим эди. Иккинчидан, Амир Темур уларнинг ёнида ўзининг ишончли одамларини тутарди. Шунингдек, улус ҳокимлари хирожнинг бир қисмини марказий давлат хазинасига жўнатиб туриши ва зарур бўлиб қолганда, отасининг ёнида туриб, қўшин билан хизмат қилиши лозим эди.[36] Бундан кўринадики, Амир Темур давлатида ҳам қадимий турк-мўғул халқлари давлатчилигига хос улуслар мулклари орқали давлатни бошқариш тизими ҳам мавжуд бўлган.

Биринчи вазир мамлакат ва аҳоли ишлари вазири бўлган, у солиқ ва ўлпонларни тўплаш, тақсимлаш, кирим-чиқимларни белгилаш ва ҳисоб-китоб қилиш, мамлакатнинг ободонлиги билан шуғулланган. Иккинчи вазир – қўшинлар вазири бўлиб, у аскарлар (сипоҳий)га бериладиган маош, хизмат эвазига бериладиган ер-сув ёки бошқа мулкни идора қилган. Учинчи вазир – эгасиз қолган мулкларни бошқариш ва давлатга тушадиган закот ҳамда божларни сақлаш билан шуғулланган. Қолган учта вазир чегара туманларидаги молиявий масалалар билан шуғулланган. Ҳадя қилинган мамлакатларда солиқларни йиғиб, аҳолининг кайфиятини кузатиб турувчи, харажатларни чиқим дафтарига ёзиб борувчи икки нафар вазир тайинланган. Барча вазирлар девонбегига бўйсунганлар.

Халқ ва қўшинлардан тушадиган аризалар билан шуғулланувчи аризабеги, додхоҳ мансаби мавжуд бўлган. Турли идораларга котиб-мирзолар катта ўлкаларга учтадан вазир тайинланган. Булар: 1. Аҳоли ишлари (раият) билан шуғулланувчи вазир. 2. Қўшинлар (сипоҳ) ишлари вазири. 3. Дараксиз йўқолган кишиларнинг мол-мулклари, ворисsиз мулклар ва давлат ҳисобига олинган жарималарни ҳисобга олувчи вазир эди.

Амир Темур вазирлар, уларнинг сифатлари тўғрисида сўз юрита туриб, «Агар, – деб таъкидлайди у, «Вазир тутуш тузуги»да – подшоҳ золим бўлиб, вазири одил бўлса, жабр-

[36] Бу ҳақда қаранг: Б.А.Аҳмедов. Амир Темур давлатини идора қилиш сиёсати. Темурни ёд этиб (мақолалар тўплами). – Тошкент: Ўзбекистон, 1991, 5-29-б.



зулмни (тўхтатиш) чора-тадбирини кўради. Лекин вазир золим бўлса, салтанат ишлари тез муддатда инқирозга учрайди».[37]

Амир Темур ортиқча қаттиққўлликни қоралайди. У кечиримли ҳукмдор эди. Олтин Ўрда хони Тўхтамиш унга уч марта хиёнат қилган бўлса ҳам уни кечирди ёки Зиндачашм уч марта хиёнат қилса-да, уни ҳам кечирди. «Сен подшоҳлар этагига ёпишма, ҳалок бўласан, бировларнинг тоза қўлини қонга бўяйсан», – дея насиҳат қилди ва унга етарли маблағ, совға-саломлар бериб, оч кўзларини тўйдирди. Бу ўринда у ўз пирининг: «Мамлакат куфр билан туриши мумкин, лекин зулм бор ерда тура олмайди», – деган фикрларига амал қилган.[38]

Юқоридагилардан уч хулосага келишимиз мумкин: биринчидан, вазир тутиш тузуги орқали Амир Темур, аввало, мамлакатнинг осойишталиги-ю, раиятнинг ижтимоий аҳволини, иккинчидан, салтанат фойдасини ва ниҳоят, подшоҳнинг келажаги вазирнинг донолигига боғлиқлигини эътироф этади. Ўтмишда ўзбек давлатчилиги тарихида давлат ишларини аъло юргизадиган раҳбарларни танлашда етарлича тажрибалар борки, бугунги кунимиз учун ҳам уларнинг аҳамияти бир қадар юксак ва ўрнак олса, фойдаланса бўладиган жиҳатлари жуда кўп. Улар орасида биз учун энг мақбули, мукаммал ва адолатлиси Темур тузуклари бўлгани учун ҳам бу асар тўғрисида, унинг ҳар бир бўлими ҳақида кенгроқ тўхталяпмиз.

Ҳар бир шаҳарда дорул амонат, яъни ҳукумат уйи, дорул адолат, яъни қозихона мавжуд бўлган. Ҳар шаҳар ва вилоятларда қози-судьялар ва муфтийлар аризачиларни қабул қилиб суд ишларини олиб борган. Темурийлар давлатининг маҳаллий бошқарув тизими ва маъмурий бўлинишига келсак, бу улкан давлат ноҳия – округларга, ўнмингликларга – туманларга, мингликларга – ҳазорага, юзликларга – сад ва ўнликларга – даҳаларга бўлинган. Бундан кўриниб турибдики, маҳаллий бошқаришнинг ўнликлар тизими мавжуд бўлиб, унинг асосига белгиланган даражада Темур қўшини учун аскар етказиб бериш вазифаси қўйилган.

[37] Темур тузуклари. – Тошкент, 1996, 94-б.
[38] Темур тузуклари. – Тошкент, 1996, 118-б.

«Тузуклар»ни таҳлил этиш шуни кўрсатадики, Амир Темурнинг давлатни тузиш, уни бошқаришнинг бош қоидалари принцип ва тамойиллари ҳақидаги қуйидаги асосий фикрларни ўзида мустаҳкамлаган, буларга қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

1. Халқ (раият) билан давлатни бирлаштирувчи куч сифатида, мусулмон динини қўллаб-қувватлаш, уни ривожлантириш, ҳимоя қилиш, мусулмон ҳуқуқи (шариат)га амал қилиш – монотеизм, давлат ва дин бирлиги.

2. Кенгаш, машварат, маслаҳат қилиш, сабр тоқат билан мурасаю мадора қилиш – демократик бошқариш тамойили. Бунга «Тузуклар»даги «Салтанат ишларининг тўққиз улуши машварат, тадбир ва кенгаш, қолган бир улуши эса қилич билан боғлиқ», «Ишларимнинг барисида аввал кенгаш – маслаҳат қўлладим», «Ҳар кимдан кенгаш сўрардим»[39], деган фикрлар исбот бўла олади. Бу тамойил, юқорида келтирилганидек, Қурултой, Давлат кенгаши, шариат пешволари ва олимларидан маслаҳат олиш, ҳарбий санъатни мукаммал биладиган аскарбошилар билан якка тартибда кенгашиш орқали амалга оширилган.

3. Давлат ҳаётига қонунчиликни жорий этиш, унга қаттиқ амал қилиш – қонунчилик тамойили. Ушбу тамойил «Тузуклар»да «Салтанат биносини ислом дини (шариат), тўра ва тузук асосида мустаҳкамладим», «Салтанатни бошқаришимда учраган ҳар қандай воқеа ва ишни тўра ва тузук асосида бажардим», каби иборалар, жумлалар орқали ифода этилган.

4. Давлат ҳокимиятини амалга оширишда яккабошчилик асосида қатъий туриб ҳал этиш, ҳокимиятнинг бўлинмаслиги, яъни якка ҳокимлик тамойили «Тузуклар»даги: «Салтанат ишларида, ҳукм юргизишда подшоҳ ўзини ягона билиб, ҳеч кимни ўзига салтанат шериги қилмасин», – деган сўзлари орқали ифода этилиб, мустаҳкамлаб қўйилган.

5. Адолат ва инсоф тамойили. «Адолатга талпиндим ва жабр-зулмдан узоқроқда бўлишга интилишда» ҳамда

[39] Темур тузуклари. – Тошкент, 1996, 25-26-б.



«Гуноҳкорга ҳам, бегуноҳга ҳам раҳм қилиб, ҳаққоният билан ҳукм чиқариш»[40]да ўз тасдиғини топган.

6. Давлат идора этиш ташкилотларининг кичик, оддий, арзон, тезкорлиги – яъни давлат бошқарувининг иқтисодий тежамкорлиги тамойили. Тузукларда ушбу асосий қоидалар деярли унинг ҳар бир жойида учрайди.

## 2.3. Ҳуқуқ ва қонунчилик ҳамда ҳуқуқ-тартибот ҳақидаги қоидалар

Амир Темур ўзининг давлат-ҳуқуқий қарашларида жамият ва давлатда қонун устуворлигини таъминлаш, шариат қоидалари, ҳуқуқ-тартибот, қадимий туркий одатлар (тўралар) ва дунёвий қонунлар (тузук)га оғишмай қатъий амал қилиш билангина таъминланиши мумкин, деган доно хулоса мужассам эди. Дунёнинг деярли учдан бирига тенг келадиган империя - салтанатни бошқаришнинг асосий шартларидан бири қонун устуворлигини таъминлашдан иборат бўлди. Шунинг учун ҳам «Тузуклар»нинг, айниқса, биринчи, иккинчи мақолат қисмларида Амир Темур бу масалага қайта-қайта мурожаат қилган. У дини ойинга, тўра ва тузукка боғланмаган салтанатни яланғоч одамга ўхшатадики, «уни кўрган ҳар кимса (ундан) нигоҳини олиб қочади. Ёхуд ҳар хил қаланғи-қасанғи одамлар тап тортмай кириб чиқадиган томсиз, эшиги – тўсиғи йўқ уйга ўхшайди».[41]

У қонуннинг устуворлигини таъминлаш зарурати ҳақидаги хулосага ўз ватанида яратилган Имом Исмоил Бухорийнинг «Саҳиҳи Бухорий», Имом Абу Исо ат-Термизийнинг «Сунани Термизий», «Саҳиҳи Термизий» асарлари ҳамда ал-Форобийларнинг ҳуқуқий таълимотлари, шунингдек, ўз шайхулисломи Абдул Маликнинг катта бобоси Бурҳониддин Марғинонийнинг «Ал-ҳидоя»си, ўз бобоси садр Убайдулла бин Маҳбубий томонидан ёзилган «Мухтасар», шунингдек, қадимий туркий, ўзбек давлатчилиги анъаналарини ўрганиб, уларга риоя қилиб эришган, албатта. Шу ўринда олим Азамат Зиёнинг

[40] Темур тузуклари. – Тошкент, 1996, 72, 81, 87-б.
[41] Темур тузуклари. – Тошкент, 1996, 72-б.

тадқиқотида айтилган фикрни келтириш ўринлидир: «Қонуншунос олимларимиз фаолияти кейинги асрларда ҳам ҳеч бир сусаймагани аниқ. Бунга ҳозирда ўзимизда ва чет эл кутубхоналари, жамғармаларида сақланаётган фиқҳга оид юзлаб асарлар далилдир. Ўзбек давлатчилиги тарихини ўрганишда «...уларнинг аҳамияти шундаки, ҳуқуқий давлат, ҳуқуқий жамият тушунчаси Ўзбекистонга четдан кириб келмаганини, ҳаётни ҳуқуқий асосларда ташкил қилиш бизга аждодлардан қолган маданий мерос эканлигини амалда кўрсата оламиз».[42]

Мамлакатимизда, ҳуқуқий давлат ҳақидаги тушунча ва ғояларнинг шаклланишида давлатчилик тарихимизни ҳам алоҳида таъкидлаб ўтишимиз лозим. Темур тузукларида давлат тузилмалари ва мансабдор шахслардан бошлаб, барчанинг қонунга риоя этиши одамларни қонунларга итоат руҳида тарбиялашга ёрдам беради. Амир Темур, қонун ва давлатнинг обрўсини қонунсизликдан кўра кўпроқ бузадиган нарса йўқлигини алоҳида таъкидлаб, «Қаерда қонун ҳукмронлик қилса, шу ерда эркинлик бўлади»[43], – деб ўз «Тузуклар»ида ушбу тамойилни мустаҳкамлаб қўйган.

Хулоса қилиб айтсак, Ўзбекистонда ҳозирда, демократик-ҳуқуқий давлат барпо этиш сари бораётган эканмиз, у бўш жойда эмас, ўзининг тарихий илдизлари бор жойда қурилмоқда. Амир Темур давлати ва унинг «Тузуклари»даги бу борадаги қарашлари ана шу жараённинг бир босқичини ташкил этади. Темур тузукларини тарихий-ҳуқукий жиҳатдан тадқиқ этиш Мустақиллик йилларида, айниқса, буюк Соҳибқирон таваллудининг 660 йиллиги муносабати билан олимларимиз томонидан кенг миқёсда амалга оширила бошланди. Кундалик матбуот саҳифаларида ҳам бу борада кўпгина мақолалар берилди. Жумладан, олимларимиз А,Жузжоний, М.Файзиев, Х.Назаров ва бошқаларнинг мақолаларида Амир Темур давлат-ҳуқуқий қарашларининг баъзи томонлари ёритилган бўлса[44], баъзиларида суд ва қонунчилик, жиноят ва жазо масалаларига эътибор қаратилган.[1]

[42] Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. – Тошкент: Адолат, 2000, 19-20-б.
[43] Темур тузуклари. – Тошкент, 1996, 67-б.
[44] А. Жузжоний. Амир Темурнинг ҳуқуқий қарашлари.// Ҳаёт ва қонун, 1997, №7, Б.11-19.; Х.Назаров. Соҳибқироннинг адолат ҳақидаги таълимоти. // Ҳаёт ва қонун, 1996, №8. – Б.5-10.



XIV аср ўрталари ва XV аср бошлари, яъни Амир Темур ҳукмронлиги даври қонунчилигини ёритишда унинг «Тузуклари» ғоят қўл келади. «Тузуклар»да қонунчилик масалаларига урғу беришдан мақсад нима эди, деган саволга жавоб берадиган бўлсак, айтиш керакки, давлат ва жамият бошқарувида зарур ҳисобланган шундай мажмуа бўлсагина, мамлакатда адолатнинг устуворлиги, давлат ишлари шахснинг иштироки даражаси аниқ бўлиши кафолатланар эди.

Кўриниб турибдики, инглиз олимасининг «Темур Ўрта Осиё ўтмиш тараққиётида тўпланган сиёсий, иқтисодий ва маданий меросни ўзида мужассамлаштирган ва бу маданий урф-одатнинг давомчиси бўлган шахсдир», деган фикрлари[2] ҳеч бўрттирилмасдан айтилган ҳаққоний ҳолатни англатувчи таърифдир. Амир Темур қонунларни шунчаки тор доира асносида эмас, балки ўтмиш синовларидан ўтган ақидалар, аниқ йўл-йўриқлар асосида яратган. Тўғри, давлатчиликнинг ўрта асрларга хос хусусиятига биноан давлат тепасида турган шахс ҳукми, сўзи, қарорлари амри фармон саналган. Лекин Амир Темур даври қонунчилиги фақат унинг шахси учун зарурий ҳол эди, дея баҳолай олмаймиз. Зеро, қонунлар ўша давр, ўша жамият дунёқараши, одатлари, талаб имкониятлари билан маҳкам боғланган бўлади. «Салтанатим биносини дини Ислом, тўра ва тузук асосида мустаҳкамладим, салтанатни бошқаришимда ҳар қандай воқеа ва ишни тўра ва тузук асосида бажардим», – дейилади «Тузуклар»да. «...Дилимнинг машриқидан кўтарилган биринчи тузук шундан иборат бўлдики, Ислом динини ёйиб, Муҳаммад шариатини қувватладим».[3] Амир Амир Темур тузугининг муомаладаги ижроси шу бўлдики, нуфузли сайидлардан бирини аҳли исломга Садр (раис) этиб

[1] Қаранг: Муқимов З. Темур давлатида суд ва қонунчилик. // Ҳаёт ва қонун. 1995, №4, Б.36-40.; Бадиров А.Ж. Амир Темур давлатида қонунчилик. //Амир Темур ва унинг дунё тарихидаги ўрни. Халқаро конференция, 1996, 22-23 май, тезислар. – Самарқанд, 1996, 67-78-б.; Ш. Муҳаммадиев. «Темур тузуклари»да жиноят ва жазо.; //Ўша жой, 155-156-б. ва бошқалар.
[2] Хилда Хукхэм. Властитель семи созвездий. – Ташкент: Адолат, 1995. – С.12.
[3] Темур тузуклари. – Тошкент, 1996, 73-б.

тайинлади. Вақфларни бошқариш ва назорат қилиш учун мутаваллий (уни бошқарувчи), ҳар бир шаҳар ва вилоятда қози, муфти (қонуншунос, юрист-консультант) ва муҳтасиблар тайин қилди.

Темур тузукларини ўргана туриб, ундаги ҳуқуққа оид масалалар тузукларнинг иккинчи мақоласида, қуйидаги кенгаш ва тузукларда, айниқса, яққол кўзга ташланишини кўрамиз.

Қонунлар, уларда раият аҳли манфаати кўзда тутилган жиҳатларга оид тузуклар; Темурнинг салтанатни ўз эркида тутиш тузуги, танҳо ва улуфалар бериш тузуги; ўғиллар ва набираларга улуфа бериш тартиблари; инъом ва совғалар бериш тузуги; вазир тутиш тузуги, амирлик ва ҳукмдорлик тузуги; сипоҳийларни энг қуйи даражадан олий мартабагача кўтариш тузуги, яъни ҳарбий ҳуқуққа оид қоидалар; амирлар, вазирлар, сипоҳ ҳамда раиятни тақдирлаб, инъом ва совғалар бериш; навкарнинг бегига, бекнинг навкарга муомаласи тузуги; дўсту душманга муомала қилиш тузуги, мамлакатларни забт этиш тузуги; раиятдан мол-хирож олиш тузукларида гарчи тўғридан-тўғри кенгаш ёки алоҳида модда бағишланган бўлмаса-да, уларда, раият аҳли манфаатини кўзда тутилган жиҳатлар, инсон ва қонун масаласи, инсон ҳуқуқлари муаммоларига бағишланган қоидалар ҳам кўп учрайди.

Масалан, ушбу фикрларга эътиборни қаратайлик, Қуръонда «Таҳлаку би ахлақ Аллоҳ», дейилганидек, агар подшоҳ гуноҳкорнинг гуноҳини кечирса, бу билан фуқаросига раҳм қилган бўлади. Менинг барча ишларимда ана шундай подшоҳлар менга ибрат бўлди».[1]

Амир Темурнинг шахс, жамият, давлат муносабатларидаги бундай адолатли ёндашуви шахс эркинликлари ва унинг давлат ишларида иштироки даражасини аниқ ифодалаганки, бунда ҳар қандай масаланинг адолатли ҳал этилишида шахснинг ижтимоий ҳолатига боғлиқлигини назарда тутган. Ҳар қандай одам менинг адолат девонимдан паноҳ топган экан, гуноҳи бўлса ҳам, уни кечирсинлар, – дейилади бу ҳақда «Тузуклар»да, – иккинчи,

[1] Темур тузуклари. – Тошкент, 1996, 17-б.



учинчи марта яна гуноҳ йўлига кирса, у ҳолда гуноҳига яраша жазоласинлар».[1]

Ҳар бир шаҳарга олим ва мударрислар тайин қилинадики, уларнинг мусулмонларга тафсир, ҳадис ва фиқҳдан таълим беришлари қатъий белгилаб қўйилади. Демак, Амир Темур даврида билим олиш қонун даражасида белгилаб қўйилган, бу соҳада маълум ва қатъий тартиблар, йўл-йўриқлар мавжуд бўлган.

Аҳамиятли ва қизиқарли томони шундаки, ҳар эл ва ҳар шаҳарда Адолат амири тайин этилган. Сипоҳ ва раият орасидаги урф-одатларга оид низоли ишлар ҳақида маълумот бериб туриш уларнинг асосий вазифаси ҳисобланган. Давлат ишларидаги бундай тартиб, қонун бузилишининг олдини олишда жуда қўл келган, бошқа жиҳати, мамлакатда, бошбошдоқликнинг бошланиб кетиши ва авж олишига йўл қўймаган, шу жиҳатдан юқорида айтган фикрларимизни давом эттирадиган бўлсак, ҳар қандай жамиятнинг шахслардан ташкил топиши табиий жараён эканлигини, кишиларнинг маълум ҳуқуқ ва эркинликларига эга бўлишлари, шу ҳуқуқ ва эркинликларни амалга ошириш механизми - давлатни бошқаришда фаолликларини эътиборда тутмоқлигимиз лозим. Албатта, бу ерда яна ўрта асрларга хос бўлган якка ҳукмронлик бошқарув тизимида олий ҳукмдорнинг ўрнини эсдан чиқармаслик лозим, зеро, унинг ҳар бир фармойиши амалда қонун кучини олади. Шу маънода «Тузуклар»да тилга олинган: «аҳолини йўриққа солиш ва маош тайинлаш», «раиятдан мол-хирож олиш, мамлакатни тартибга келтириш ва юксалтириш, унинг ободончилиги, хавфсизлигини амалга ошириш», «сипоҳ сақлаб туриш», «вазир тутиш» каби қатор ибора ва сўзлар эътиборга моликдир. Уларда ижтимоий йўналишда содир бўлиб турадиган жараёнлар учун ҳуқуқий нормалар ўз аксини топган. Ҳар бир тузукда муайян бир воқеликдан фаолиятга адолат мезонидан туриб муносабатда бўлиш кўзга ташланади. Демак, Амир Темур ўз «Тузуклар»ини ишлаб чиқиб, ҳаётга татбиқ этар экан, энг аввало, жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий масалаларида қонунни устувор йўлга қўйишни мўлжаллаган ва ўз навбатида, давлат раҳбари олдида

[1] Темур тузуклари. – Тошкент, 1996, 85-б.

турган масъулият ҳам унутилмаган; давлат раҳбари биринчи галда адолатли бўлиши, ҳар бир ишда холис ва қатъий фикр юритиши, қизиққонлик қилмаслиги лозим саналган.

Амир Темур тузукларида белгиланган қоидалар нафақат жамиятнинг олий табақасига, балки қуйи идораларга ҳам таалluқли бўлган. Бунда фуқаро манфаати олдинги ўринга олиб чиқилган. Эл-юрт ва халқ манфаатини ҳимоя қилувчи – инсон ҳуқуқларини ҳимоя этувчи «Тузуклар»ни таҳлил этар эканмиз бунинг гувоҳи бўламиз:

1. Касбу ҳунар ва маърифат аҳлларига салтанат корхоналаридан юмуш берилсин.

2. Билагида кучи бор фақир мискинлар эса аҳволи ва касбу корига қараб иш тутсинлар.

3. Сармояси қўлидан кетиб қолган савдогарга ўз сармоясини қайтадан тиклаб олиши учун хазинадан етарли миқдорда олтин берилсин.

4. Деҳқонлар ва раиятдан қайси бирининг деҳқончилик қилишга қурби етмай қолган бўлса, унга экин-тикин учун зарур уруғ ва асбоблар тайёрлаб берилсин.

5. Агар фуқародан бирининг уй-иморати бузилиб, тузатишга қурби етмаса, керакли ускуналарини етказиб бериб, унга ёрдам берилсин.

6. Ҳар бир тоифа ва ҳар жамоадан кимки ўз ихтиёри билан сипоҳгарчилик хизматига киришни истаса, уни аскарликка олсинлар.

Амир Темур нима учун қонун-қоидаларга, жумладан, раият, аҳолининг ижтимоий аҳволига бунчалик жиддий қараган? «Раият хонавайрон қилинса, – дейилади, «Тузуклар»да, – (давлат) хазинаси камбағаллашишига олиб келади,... (бу эса ўз ўрнида) салтанатнинг кучсизланишига сабаб бўлади».[1] Бу давлатлар ва замонлар учун хос хислат, дарвоқе, иқтисодий жиҳатдан қудратли бўлмаган давлат узоқ туролмайди, таназзулга учрайди, давлат қудрати ва мустаҳкамлигининг энг муҳим шартлари – адолатли қонунлар, раият аҳлининг ижтимоий турмуш даражаси ва унинг юқори кўтаринки руҳига кўп жиҳатдан боглиқлигини яхши биламиз. Зеро, Амир Темур

[1] Темур тузуклари. – Тошкент, 1996, 122-123-б.



даҳоси-нинг қирраларидан бири унинг мазкур абадий ҳақиқатни англай билганлиги ва амалда намоён қила олганлиги билан ўлчанади.

Маълумки, олам билан мутаносиблик ва шахсий эркинлик ўртасидаги зиддиятни бартараф этишга уриниш, турли фан вакилларини ўйлантирган, жумладан: «Давлат бу – қонунлар жамияти, зеро одамлар бойликни яратиш ҳамда қобилиятда тенг бўлиши мумкин эмас, бироқ қонун олдида барча тенг бўлмоғи лозим», деган эди Цицерон.[1] Кўрамизки, Амир Темур давлати шаклидан қатъи назар, адолат мезонлари, тўра ва тузуклар асосида қурилган, раият бирлиги ва жипслиги тамойили, одатий ҳол ҳисобланган, халқнинг сиёсий ҳамда ҳуқуқий куч-қудрат эканлиги ҳақидаги ғоялар бугунги халқ ҳокимиятчилиги тамойилларига асос бўла олади.

Умуман, «Тузуклар»даги раият аҳли учун назарда тутилган қонунлар шуни кўрсатадики, фуқародан бир нима талаб қилишдан олдин давлат унга тегишли шарт-шароит яратиб бермоғи лозим. Бу нарса давлатга берилган ҳокимият халқ манфаати билан чегараланганлигининг ифодаси шаклида намоён бўлади. Агар давлат халқ манфаати билан ҳисоблашмаса, унда халқ давлатга берилган ҳуқуқни олиб, бошқа ишончлироғига бериши лозим.[2] Темур давлатида бу аъмоллар янада чуқурлашиб бориб, қуйидаги ҳуқуқий норма юзага келган: «Кимки бирон саҳрони обод қилса, ёки кориз қурса, ё бирон боғ кўкартирса, ёхуд бирон хароб бўлиб ётган ерни обод қилса, бирин-чи йили ундан ҳеч нарса олмасинлар, иккинчи йили раият розилиги билан берганини олсинлар, учинчи йили эса (олиқ-солиқ) қонун қоидасига мувофиқ хирож йиғсинлар».[3] Бу ерда яна аҳамиятли томони шундаки, хирож йиғишда ҳам кўр-кўроналикка, палапартишликка йўл қўйилмаган, балки шахсан Амир Темур фармони билан хирожни экиндан олинган ҳосилга, ернинг унумдорлигига ва бошқа шарт-шароитларга қараб олганлар. Мазкур мисоллар ўзбек давлатчилиги тарихида, Амир Темур

[1] Цицерон. Республика. – Москва, 1996, 197-б.
[2] Амир Темур: Ривоят ва ҳақиқат. – Тошкент: Қомуслар бош таҳририяти, 1996, 71-б.
[3] Темур тузуклари. – Тошкент, 1996, 124-б.

даврида, қонунлар халқ манфаатига нақадар мос бўлганлигини кўрсатади.

Бундай адолатли солиқ сиёсати, фуқаролар манфаатига тўла мос тушганлиги кўпгина манба ва адабиётларда ўз ифодасини топган. Хусусан, Д.Н.Логофетнинг «Бухоро тоғликлари ва текисликларида» асарида бу ҳақда шундай ёзилган: «Унинг ҳокимиятида фуқароларга адолат билан муносабатда бўлишади... Биз ҳозир зўр бериб интилаётган даромад солиғи деган нарса унинг ҳокимиятида ўшандаёқ мавжуд эди».[1]

Эҳтимол, унинг ҳар бир воқеага, ҳар бир фуқарога, олиму фузалога, сипоҳга адолат билан қарагани бир умрлик муваффақиятини таъминлаган бўлса керак.

«Қайси амирга тиюл берилар экан, – деб ёзади Амир Темур ўз «Тузуклари»да, – уни уч йилгача ўз ҳолига қўйсинлар. Уч йил ўтгандан сўнг уни текшириб кўрсинлар. Агар мамлакат обод, раият рози экан, шу ҳолича қолдирсинлар. Агар аҳволи бунга хилоф равишда бўлса, ул вилоятни холисага[2] ўтказиб, уч йилгача ўша жогирдор[3]га улуфа берилмасин».[4]

Бу ўринда аҳамиятли томони шундаки, жамият, шахс ва манфаат борасида қонун устуворлик қилади, шахснинг жамиятдаги кейинги тақдири борасида ҳам маълум тартиб ўрнига қўйиладики, демак, инсон ўз хатосидан сабоқ олади ва қайта такрорламасликка, энг муҳими, қонуннинг қайта бузилишига йўл қўймайди.

Амир Темур ўз даври давлатчилиги муҳитини теран англайди. У ёлғиз ҳукмдор бўлгани билан бошқалар билан ҳисоблашишга мажбур, қонун-қоидаларга риоя этмас экан, даврнинг ижтимоий-сиёсий воқеаларига, ҳатто унинг энг кичик нуқталарига аҳамият бермас экан, бошланган улуғ ишларининг завол топиши аниқ эди. Шу боис ҳам «Тузуклар»да ўғил ва набираларга улуфа бериш масаласида алоҳида тўхталади.

Қавм-қариндошларга ҳам амирлик, валийлик даражалари берилиши аниқ кўрсатиб ўтилди. Соҳибқирон салтанатининг

[1] Логофет Д.Н. Ўша асар, 34-б.
[2] Холиса – давлат ихтиёридаги барча солиқлардан озод этилган ер-сув.
[3] Жогирдор – инъом этилган ер-сув (тиюл) эгаси.
[4] Темур тузуклари. – Тошкент, 1996, 90-б.



ҳамма жойида қонунчиликка эътибор бериб, унинг бошқарилишини назорат остида тутган. «Раиятни умид ва қўрқинч орасида тутсинлар. Гуноҳлари ва қилмишларига яраша жазоласинлар», – дейилади «Тузуклар»да.[1]

Амир Темур давлатида вақти-вақти билан сўроқ, текшириш, тафтиш, тергов қилиш ўтказиб турилган, деб ёзади олим А.Ж.Бадиров. Ўз амалини суиистеъмол қилиш, порахўрлик, доимий ичкилик ичиш, маиший бузуқлик кабилар оғир гуноҳ ҳисобланган ва қаттиқ жазоланган. Суиистеъмол қилиш раият орасидагина эмас, Темур авлодларига тааллуқли бўлганда улар тегишли жазоларини олганлар. Тарихий манбаларда келтирилишича, унинг ўғли Мироншоҳ, невaралари Пирмуҳаммад ва Халил Султонлар ҳам халқ олдида жазога тортилганлар.[2]

Унинг давлатида қонун устуворлигига, ҳамма масалаларда сўз ва иш бирлигига эришилганлиги туфайли тартиб-интизом, осойишталик ҳукм сурган ёмонлик ва ахлоқсизликни жуда ёмон кўрган. У «давлат ичидаги талай олчоқ ва ёмон одамлар»дан эҳтиёт бўлиш ҳақида огоҳ этар экан, бундай одамларнинг асл мақсадлари «салтанат қўрғонига раҳна солишдир», дейди. «Давлат ичидаги бундай ёмон одамлар билан қандай муомалада бўлмоқ даркор?» – деган савол кўндаланг бўлиши табиий. Бундай вазиятда Амир Темур қайси тузукка риоя этган? Чунончи, ўз вақтида амир Ҳусайн, Соҳибқирон давлатининг икки қаноти бўлмиш амир Ики Темур ва амир Жокуларни унга қарши қўймоқчи бўлиб туҳмат уюштиради. Амир Темур фаросатли инсон бўлгани учун унинг хиёнатини сезиб қолади ва улар хусусида айтилган гапларни эшитмаганга олади. Чунки бундан олдин шунга ўхшаш воқеа юз бериб, уни анча ташвишга солган эди. Яқинлари билан ёлғиз қолганда, улуғ ва эътиборли амирлардан бири – амир Аббосни ёмонлайдилар, ғазаб устида Соҳибқирон уни ўлимга буюради. Кейинчалик бунинг хиёнат эканлигини англаб, афсус ва надомат чекади.

[1] Темур тузуклари. – Тошкент, 1996, 121-б.
[2] А.Ж.Бадиров. Амир Темур давлатида қонунчилик.// Амир Темур ва унинг жаҳон тарихидаги ўрни. Халқаро конференция тезислари. – Самарқанд, 1996, 67-б.

«Тузуклар» шунчаки давлатчилик учун зарур бўлган қонунлар мажмуаси бўлмай, балки ҳар бир сўзи киши маънавий эҳтиёжи учун керакли озуқа ҳамдир. Уларда, энг аввало, инсон, унинг маънавий камолоти ва ҳаёти, омонлиги устун туради, яъни биринчи ўринга қўйилади. Масалан, молия вазирлари хусусидаги тузуклари, уларнинг жавобгарлиги масалалари ҳам жуда ибратлидир:

– мамлакат хазиначилари бўлмиш молия вазирлари молия ишларида хиёнат қилиб, бойликнинг бир қисмини ўзлаштириб олган бўлсалар, аввало, текшириб кўриш;

– агар ўзлаштириб олган маблағи ўзига тегишли улуфа миқдорига тенг бўлса, мазкур маблағни унга совға-салом ўрнида бериш;

– агар ўзлаштириб олган маошидан икки баробар ортиқ бўлса, ортиғини оладиган маошидан ушлаб қолиш;

– агар маошидан уч баробар кўп бўлса, салтанат хазинасига тортиқ сифатида олиш лозимлиги белгилаб қўйилган.[1]

Юқоридагилардан маълумки, инсон қонунни бузиши мумкин, аммо унинг хатоси учун жонини олиш шарт эмас, балки унинг «кўзини очиб қўйиш», унга сабоқ бўларли жазо бериш ўринлироқдир. Ўрни келганда таъкидлаш жоизки, шўро замонида бу гаплар хусусида ёзиш у ёқда турсин, фикр юритиш ҳам хатарли эди. Амир Темур адолати ва унинг «уруш тузуклар»и ҳақида сўз юритиш эса умуман тақиқланган эди.

Жумладан, янги нашр этилган «Қиссаи Темур» («Малфузоти Темурий»)да «Тузуклар»нинг аввалги нашр этилган нусхаларида ҳам учрамайдиган ўн икки тамойил келтирилган бўлиб, шулардан иккитаси давлат ҳокимиятини адолат билан юритишга бағишланган: «Адл тарозусини қўлумға олдим, не кам қилдим ва не зиёд, ҳаммани ўлчовда баробар тутдим», «Худонинг бандалариға барҳақ ҳукм қилдим ва ҳақ тарафиға майл этдим», – деган фикри[2] унинг адолатни севувчи давлат раҳбари эканлиги ҳамда шундай сиёсат юргизишга ҳаракат қилганлигини кўрсатади.

---

[1] Темур тузуклари. – Тошкент, 1996, 121-б.

[2] Бадиров А.Ж. Амир Темур давлатида қонунчилик халқаро конференция тизилмаси. – Самарқанд, 1996, 67-б.



«Тузуклар»даги ушбу ҳукмлар эса бу борадаги фикрларимизга янада ойдинлик киритади:

– қайси бир сипоҳий ҳаддидан ошиб, кўл остидаги кишиларга зулм ўтказар экан, уни тутиб, мазлум қўлига топшириш ва улар томонидан жазо бериш;

– агар кадхудолар[1] ва калонтарлар[2] кичикроқ даражадаги одамга зулм қилган бўлсалар, зулмига яраша, ҳар кимнинг қурбига яраша жарима солиш[3];

– агар доруға ва ҳокимлар халққа жабр-зулм ўтказган бўлсалар, уларни жазога тортиш кўзда тутилган.

Темур тузукларида жамият, шахс, қонун масалаларида белгиланган йўл-йўриқларни ўрганиш ҳар жиҳатдан мухим, зеро, қонунларимизнинг устуворлигини таъминлашда шахснинг қонун кучидан тўғри ва оқилона фойдалана олиш, бошқаларга қонуний талаблар қўя билиш ўта муҳимдир.

Ушбу масаланинг бошқа томони ҳам бор: бизда ҳозирга қадар ўтмишда барча ҳуқуқбузарлик ҳолатлари ислом шариати бўйича ҳал этилган, деган нотўғри тасаввур мавжуд. «Тузуклар»да бу масалани ойдинлаштирадиган жавобларни топиш мумкин. «Салтанатни бошқаришда учраган ҳар қандай воқеа ва ишни Тўра ва Тузук асосида адо этдим», – дейилади «Тузуклар»да.[4] Шунингдек, баъзан ўғри ва қароқчиларга «Ясо» асосида ҳам жазо тайинланган. Бировнинг тишини синдирган, кўзини кўр қилган, қулоқ-бурнини кесган, шароб ичган, зино қилган кишиларга девондаги шариат (ислом) қозиси жазо тайинлаган;

– урф-одатга оид ишларини Аҳдос қозиси[5] тафтиш этиб, у бу хусусда Соҳибқирон Амир Темурга етказган.

---

[1] Кадхудо – қишлоқ оқсоқоли.

[2] Калонтар – шаҳар ҳукмдорларидан бири.

[3] Темур тузуклари. – Тошкент, 1996, 93-б.

[4] Темур тузуклари. – Тошкент, 1996, 73-б.

[5] «Темур тузуклари»нинг шу нашриёт томонидан 1996 йилда нашр этилган нусхасида «Аҳдос қозиси» «Ажрим қозиси» тарзида нотўғри кўрсатилган. Қаранг: 108-бет. Бу қози Дунёвий ишлар ва урф-одатлардан келиб чиққан ишларни кўрган.

Аскарлар (сипоҳий) орасидан ҳарбий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ҳуқуқий низоларни қози аскар – ҳарбий суд кўриб чиқиб, ҳал қилган.

«Тузуклар»да кўрсатилганидек, шариат масалаларида қарор чиқариб фатво берувчи мансабдорлар, муфти, аълам (ўнта муфтий бошлиғи), муҳтасиб – урф-одатлар ва шариат қонунларининг бажарилиши назорат қилувчи мансабдорлар тайинлаб қўйилган. Ҳар бир шаҳарда ҳукмдорлар уйи (Дор ул-аморат) ва Суд маҳкамаси (Дор ул-адолат) бинолари қурилган.

Соҳибқирон ҳуқуқ маҳкамаларининг вазифаси қандайдир идоравий манфаатларнинг ҳимоячиси бўлиши эмас, балки соғлом фикр ва инсонларнинг посбони бўлишини эътиборга олган. Бу хилдаги тартиб ва адолатли жараён мамлакатда тартиб-интизомни сақлашда меъёрий муҳитни юзага келтирган.

Амир Темур урф-одатлар ва кундалик ишларнинг бажарилишини ўзига маълум этиб туришларини беҳудага сўрамаган. Бу талаб фақат «Тузуклар»дагина эмас, бошқа манбаларда ҳам келтирилган. Жумладан, Низомиддин Шомийнинг «Зафарнома»сида Амир Темурнинг қуйидаги сўзлари келтирилган: «Ҳар нарсаки, мамлакат ислоҳи унга алоқадор ва мазлумлар бошидан зарарни дафъ этиш унга боғлиқ бўлса, у ҳақда бизга етказишда бепарволик қилинмасин, эътимод ва тўла ишонч билан очиқ кўрсатсин».[1] Чунки тўғри маълумотнинг давлатни бошқаришда аҳамияти катта бўлган. У нафақат ҳуқуқбузарликларга, балки миллий урф-одатларнинг бузилишига ҳам йўл қўймаган. Мамлакатнинг ҳар соҳасида барқарорликни таъминлаш, халқни бахт-саодатга мушарраф этиш, шу билан бирга нафақат ўз замонасини, балки келажакни ҳам ўйлаш, авлодларга ўрнак бўларли сабоқлар қолдириш Соҳибқирон учун биринчи галдаги вазифалар ҳисобланган. Шу ўринда вазир тутиш тузугини ўрганиш ҳар жиҳатдан зарурдир. Бу аъмол ҳар қандай давлатчиликда муҳим ва устувор жиҳат ҳисобланади. «Наслию зоти ёмон, ҳасадчи, гина, кек сақловчи, қора кўнгилли кишиларга зинҳор вазирлик лавозими берилмасин», – дейилади «Тузуклар»да. «Доно вазир шулдирки, – дейди Соҳибқирон, – ўз ўрнига қараб, гоҳ қаттиққўллик, гоҳ

[1] Низомиддин Шоший. Зафарнома. – Тошкент, 1990, 371-б.



мулойимлик билан иш юритади. Бундай вазир ортиқча қаттиқ қўллик қилмайди, кўп мулойимлик билан юмшаб ҳам кетмайди. Агар кўп мулойимлик қилса, дунёталаб тамагир одамлар уни ютиб юборадилар».[1]

У доно вазирнинг сифатлари ҳақида сўз юритар экан, бундай вазир салтанат ишларини сабр-тоқат билан ҳал этади, дейди ҳамда бу хилдаги вазирнинг салтанат шериги эканлигини таъкидлайди. Бундай вазирлар салтанатнинг уч асосий жиҳатига – мулк, хазина ва лашкарга эътибор беради ҳамда ҳар учаласини тадбиркорлик билан саранжом тутади.

Темур тузукларининг муҳим жиҳатларидан яна бири шуки, у ўз қарор ва ҳукмларини ҳаётий далиллар билан асослайди. «Менинг эшитишимча, – дея давом этади у, – Низом ул-мулкнинг ёмон қилмишлари кам бўлиб, хайрли ишлари кўпроқ эди. У ҳажга бормоқчи бўлиб турган вақтида авлиёлардан бири унга дейди: «Малик-шоҳ давлатининг хизматида бўлиб, амалга ошираётган хайрли ишларинг ва Тангри таолонинг бандаларига етказиб турган ёрдаминг ҳаж қилиш билан баробардир».

Амир Темур асарига диққат билан назар солинса, доруға ва шаҳар ҳокимлари – волийлари халққа жабр-зулм қилсалар, уларни ҳам жиноятларига мос ҳолда жазога тортиш назарда тутилган. «Тузуклар»да бирор кишининг айби исботланганда, унга нисбатан фақат битта жазо чорасини қўллаш, яъни агар жарима солинса, дарра билан урмаслик, дарра билан урилса, жарима солмаслик тўғрисида гапирилади.[2] Бу каби жазо турлари бизга хулоса қилишга имкон берадики, «Тузуклар»да кўпроқ бошқариш тартибига қарши қаратилган жиноятлар ва уларга жазо тайинлаш назарда тутилган. Зўрлик билан ўзга бир кишининг мол-мулкини тортиб олишда унинг мулкини қайтариб олиб бериш билан чекланган.

Амир Темур саройида кўп вақт туриб, Конигилдаги сайл ва базмларда иштирок этган элчи Руи Гонсалес де Клавихо ўз эсдаликларида шундай ҳуқуқий одатни мисол қилиб келтиради. «Уларнинг одатига кўра, таниқли бой киши жазоланиб, қатл этиладиган бўлса, уни осиш йўли билан, қуйи табақадан чиққан

[1] Темур тузуклари. – Тошкент, 2005, 90-б.
[2] Темур тузуклари. – Тошкент, 1996, 94-б.

кишини эса бошини танасидан жудо қилиш йўли билан жазони ижро этишган. Агарда кимнингдир танасидан боши жудо қилинса, бу жуда қаттиқ ҳурматсизлик ва ёмонлик деб ҳисобланганлигини ёзиб қолдирган. Амир Темур омонатга хиёнат қилган кишиларни ҳам, ким бўлишидан қатъи назар жуда қаттиқ жазолаган. Конигилда бир набирасининг шарафига ўтказилган базмда таниқли зодагонни жазолагани ҳақида Гонсалес эсдаликларида ёзилган. У кишига Амир Темур ҳарбий юришга кетиш олдидан 3 минг от бериб боқиб, қараб туришни топширган. 6 йилу 2 ойлик юришлардан қайтиб келиб отларни сўраса, ҳалиги киши отларнинг йўқлигини айтиб, агар бир оз муддат берса 3 минг эмас, 6 минг қилиб қайтаришини айтишига қарамасдан, уни осиб ўлдиришга буюради.[1]

Гонсалеснинг кўрсатишича, Конигилда Темур ўзининг вазирларини қатл қилганлигини тасвирлаб, улар бу кишининг мансабини «дина» (вазир) деб атайдилар. Амир Темур Гонсалес билан учрашишидан олдин 6 йилу 2 ой илгари шу кишини ўзи йўқ вақтларда мамлакатнинг бошқарувчиси қилиб қолдирган. Аммо у ўз мансабини суиистеъмол қилган. Б.Греков ва А.Якубовскийларнинг ёзишича, улар хожа Маҳмуд Довуд ва Муҳаммад Жалд бўлиб, Бибихоним масжидининг қурилишида ўз мансабини суиистеъмол қилганлар. Амир Темур уларнинг дарҳол ўз ҳузурига етиб келишларини буюриб, мол-мулкларини мусодара қилиб, ўзларини эса осишга ҳукм қилган, Гонсалеснинг ёзишича, обрў-эътиборли бу кишига шундай жазо қўлланишидан кўпчилик даҳшатга тушган.

Юқорида шаҳзодаларнинг давлатга, жамиятга қаратилган жиноий ҳаракатлари учун халқ олдида оғир жазога тортилганини айтиб ўтган эдик. Ушбу мисол давлатнинг олий мартабали кишиларининг *ўз* мансабини ва ҳукмдор ишончини суиисътемол қилганликлари учун халқ олдида олий жазо - қатл этиш жазосига ҳукм қилганликларини тасдиқлаб турибди. Бундан Амир Темурнинг ҳуқуқ борасидаги қарашларида қонун олдида барча тенг, ҳеч кимнинг халқ ва давлат манфаатларини

[1] Ру Гонсалес де Клавихо. Дневник путешествия в Самарканд ко двору Тимура (1403-1406). – Москва: Наука, 1990, – С.122.



бузишга йўл қўйилмайди, ҳукм қаттиқ бўлса-да, у қонунийдир каби ғоялар ётганлигини кўрамиз.

Шаҳар ва қишлоқларга кутвол, яъни комендантлар тайинланиб, улар зиммасига соқчилик қилиш юклатилган. Улар аҳолини қўриқлаганлар, бирор кишининг нарсаси йўқолса, ўғирланган бўлса, жавобгарлик улар зиммасида бўлган, шунингдек, йўл бўйларига ҳам соқчилар қўйилган; йўловчилар, савдогарлар ва мусофирларнинг мол-мулкларини қўриқлаш ҳам кутвол зиммасига топширилган бўлиб, уларнинг мулки йўқолса, қўриқчилар жавоб берган.

«Самарқанд шаҳрида қонунчиликка риоя қилинади, бирор киши бошқа бир кишини хафа қилмайди ёки Бекнинг – сенъорнинг кўрсатмасисиз бирор кишига зўрлик ишлатилмайди». Руи Гонсалеснинг хотираларида суд жараёнига оид маълумотлар ҳам бор. Бек доимий равишда ўзи билан судьяларни олиб юради. Улар эса бек қароргоҳи ва уйини бошқаради. Бирор жойга кўчиб боришганда аҳоли уларга бўйсунади. Бу судьялар турли ишлар бўйича тайинланган. 1) Бир хиллари юзага келган муҳим иш ва низоларни ҳал этган; 2) молия ишларини юритган; 3) баъзилари ерлар ва шаҳарлардаги ноиблар ишлари билан шуғулланганлар.[1]

Биз юқорида жуда кўп ҳуқуқий масалаларнинг одилона ечимларини кўрдик, яна бир муҳим масала борки, унинг тўғрисида алоҳида фикрлашга тўғри келади, яъни Амир Темур турли қабила, уруғларнинг қадр қимматларини ўрнига қўя олади, салтанат барқарорлигини таъмин этишда уларнинг куч-қудрати, салоҳиятидан оқилона фойдаланди. Масалан, у қарамоғидаги қирқ аймоқдан ўн иккитасига тамға берди, уларни ўзига хос навкарликка олди, тамға етмаган йигирма саккиз аймоқ бошлиқларига улус амирлигини берди ва ҳар бир аймоқ ўз ҳақ-ҳуқуқларига эга бўлди. Бу ўша замон учун, айниқса, Темур салтанати учун энг нозик масала эди, барқарорлик сакланди, бу билан Амир Темур «Куч-адолатда» эканлигини яна бир бор исботлади.

[1] Қаранг: З.Муқимов. Темур давлатида суд ва қонунчилик // Ҳаёт ва қонун, 1995, №4, 36-40-б.

Соҳибқирон ўз пирининг юқорида келтирилган насиҳатини ҳам эсидан чиқармайди ва бу ерда уни яна тилга олади:

«Мамлакат куфр билан туриши мумкин, лекин зулм бор ерда туролмайди».[1] Шу хулосалардан кейин авлодларга насиҳат қилади: «Қабиҳ хатти-ҳаракат, ёлғон ишлардан худо мулкини тозалагин». Бу тузуклардан кейин Амир Темурнинг сиёсий-ҳуқуқий қарашлари янада ойдинлашади, яъни у ерни илоҳий неъмат, худо мулки, инсонга берилган ризқ-рўз, деб тушунди. Бу мулкни ҳалол сақлаш керак, адолат ила ризқ-рўз териб, кун кечириш керак.

Тузукларда маъмурий-ҳуқуқий муносабатлар борасида ҳам жуда кўп қоидалар учрайди. Ҳокимларга ҳар кимнинг туҳмат сўзига учиб, аҳолига жарима солиш тақиқланади; унда бировнинг гуноҳи тўрт кишининг гувоҳлик бериши билан исботланса, жарима солиш маъқул кўринади, фатҳ этилган мамлакатлар аҳолисидан мол-хирож олишда ҳам адолат билан иш тутилган:

– хирожни экиндан олинган ҳосилга ва ернинг унумдорлигига қараб йиғсинлар;

– кимки бирор ерни обод этса, ундан биринчи йили хирож олинмаган, иккинчи йили деҳқоннинг розилигига қаралган. Учинчи йилда қонун-қоидага мувофиқ хирож йиғилган. Бу эса унинг «Адолатга талпиндим ва жабр-зулмдан узоқроқга бўддим», – деган сўзлари тўғрилигини тасдиқлайди. Бундай тузукни катта билим ва тажрибага эга бўлган салоҳиятли ҳуқуқшуносгина туза олади. Амир Темурда бундай билим ва салоҳият етарли бўлган. Агар барчага бир хил солиқ белгиланса, ҳосилдан бир хилда хирож олинса, бу зўравонликдан бошқа нарса эмас эди.

Темур тузуклари орқали фатҳ этилган мамлакатлардаги бошқарув тизимини ва қонун-қоидаларини баён этар экан, ўз замонида ҳам, келажакда ҳам ҳар ишда адолат тантана қилишини, қонунлар устувор бўлишини изҳор этади. Чунки у қонун кучига эга бўлган ҳужжат, Ўзбекистон доирасидаги ўрта аср давлати ва ҳуқуқининг бизгача тўла етиб келган ягона йирик

[1] Темур тузуклари. – Тошкент, 1996, 93-б.



манбаидир[1], Тузуклардаги фикр-мулоҳазалар бугунги кунда ҳам, яъни мустақил Ўзбекистон давлатини бошқаришда дастуриламал бўла оладиган асардир».[2]

Шундай қилиб Амир Темур ўзининг ҳуқуқий қарашларида қуйидаги «ҳуқуқий тамойилларга асосланиб, жаҳоннинг учдан бир қисмига тенг келадиган улкан салтанатни бошқарди: 1. Салтанатни дини, ойини тўра ва тузук асосида қуриш, чунки дин ва қонун-қоидаларга боғланмаган давлатнинг шукуҳи бўлмайди. 2. «Куч-адолатда» – мамлакатни одиллик билан бошқариш лозим. 3. Қаерда қонун ҳукмрон бўлса у ерда адолат бўлади, қонунийлик адолатга олиб келади. 4. Ҳукмдорнинг ҳар бир амри, фармони – тўра ва тузук, одат ва қонун-қоидаларга таянган бўлиши керак. 5. Қонунсизлик – куфр ва золимликни туғдиради; 6. Қонун олдида барча тенгдир. 7. Шариат, тўра ва тузукни бузганлик учун жавобгарлик ва жазо муқаррардир. 8. Кам аҳамиятли ва биринчи марта жиноят содир этиш, кечирим ва адолат истаганлар учун кечиримлидир. 9. Содир этилган битта жиноят учун, фақат битта жазо чорасини қўллаш ва бошқалар.

## 2.4. Ҳарбий-ҳуқуқий масалалар

Ўзбек халқининг ўтмишини машҳур олимлар ва давлат арбоблари билан бирга, Маҳмуд Ғазнавий, Сотуқ Буғрохон, Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур, Бобур, Шайбонийхон, Убайдуллахон Биринчи, Абдуллахон Иккинчи каби машҳур йирик аскарбошилар ҳам безаб туради. Аммо ана шу саркардалар фаолият кўрсатган давлатлардаги ҳарбий-ҳуқуқий масалалар Амир Темур даврини истисно этган ҳолда айтиш мумкинки, жуда кам ўрганилган. Амир Темур давридаги ҳарбий юришлар ҳамда ҳарбий ҳуқуқ шу соҳа билимдонларининг диққатини тортган ва бу ҳақда баъзи илмий ишлар ёзилган. Жумладан, Россия империяси бош штаби ҳарбий-илмий комитетининг аъзоси М.И.Иванин 1836-1845 йилларда «О

[1] Қаранг: З.Муқимов. Ўзбекистон ҳуқуқининг тарихий манбалари. – Самарқанд: СамДУ, 2008.

[2] Бобоев Ҳ.Б. Амир Темур ва темурийлар салтанати. – Тошкент: Камалак, 1996, 71-б.

военном искусстве и завоеваниях монголо-татарских, среднеазиатских народов при Чингизхане и Тамерлане» асарини ёзган. Бу асар ҳарбий журналда чоп этилган. Муаллиф 1874 йилда ушбу асарни тўлдириб, қайта ишлайди. Китоб тўла ҳолда 1875 йилда Санкт-Петербургда Бош штабнинг ҳарбий-илмий комитети томонидан нашр этилади. Ушбу ишнинг асосий базаси «Темур тузуклари» ва бошқа тарихий манбалар бўлган. Ўрта Осиё халқларининг ҳарбий санъати Россиянинг ҳарбий ўқув юртларида ушбу асар асосида ўқитилиши жорий қилинди.[1] Амир Темур давлати, ўрта аср якка ҳокимлигига асосланган ҳарбий-зодагонлик давлати бўлганлиги учун «Тузуклар»нинг асосий қисми ҳарбий ҳуқуққа бағишланган бўлиб, асардаги айни шу масалалар олимлар диққатини тортиб келди.

Темур салтанати ниҳоят даражада катта қўшин ва унинг таъминоти тизимига эга бўлган. Энг олий бош қўмондон Темурнинг ўзи ҳисобланиб, у бўлмаган вақтларда қўшинлар иши юзасидан ноиб – бош амир, амир ул-умаро бошчилик қилган. «Тузуклар»да кўрсатилишича, бу унвонга беш киши: Бадахшон ҳокими Амир Худойдод, Балх ва Ҳисор ҳукмдори Амир Жоку, шунингдек, АмирИку Темур, Амир Сулаймоншоҳ, Темурнинг куёви, орлот уруғидан чиққан Амир Муайядлар сазовор бўлган. Қоидага кўра, Амир ул-умаро унвонига сазовор бўлган кишилар чегара ноҳияларнинг ҳокими, ўз қўл остидаги вилоятларнинг ҳарбий ва граждан ҳукмдори ҳисобланган.[2] Улардан кейинги даражада тўрт нафар беклар беги турган.

Амир Темур кишиларнинг бирлиги, бир бўлишлари, жипслашувлари катта сиёсий-ҳуқуқий аҳамиятга эга эканлигини айтади. «Шижоатли ва ақл-фаросатли эр йигитларни атрофимга бирлаштирдим, – деб ёзади «Тузуклар»да, – Бирлик иттифоқлари шундай эдики, барилари гўё бир тандек эдилар. Барчаларининг мақсадлари, раъйлари, сўзлари ва ишлари битта эди. Бир ишни қилайлик, деб қарор қилсалар, тугатмагунларича ундан қўл узмас эдилар».[3]

---

[1] Ушбу китоб «Икки буюк саркарда: Чингизхон ва Амир Темур» номида ўзбек тилига таржима қилиниб, нашр этилган. – Тошкент: Фан, 1994, 240-б.
[2] Темур тузуклари. – Тошкент, 1996, 11-112-б.
[3] Темур тузуклари. – Тошкент, 1996, 92-б.



Маълумки, мустақил, демократик-ҳуқуқий давлат қураётган бизнинг жамиятимизда, давлатчиликнинг олий мансаблари, уларнинг йўл-йўриқлари хусусида тасаввурлар энди-энди шаклланиб, ривожланиб бормоқда. Уларни такомиллаштиришда даврлар синовидан ўтган «Тузуклар»га ўхшаган асарларга суяниш лозим, деб ҳисоблаймиз. Жумладан, Амир Темурнинг «Тузуклари»да олий мансаб эгаларини «Хос ул-хос», яъни хосларнинг хоси, дея улуғлаб, «Амирлик ва ҳукмдорлик тузуги»да кўрсатилишича, навкарлари орасидан уч юз ўн уч нафарини амирлик мансабига тайинлайди. Уларнинг асли тоза, пок насабли, ақл-фаросатли, баҳодир, довюрак, тадбиркор, сергак, эҳтиёткор, орқа-олдини ўйлаб иш тутадиган кишилар эканлигини айтади. Бир амир, бир олий мансаб эгасида шунчалик кўп сифатлар бўлиши шарт экан. Энди масаланинг бошқа томони, яъни ҳаётдан ҳамма нарсани кутиш мумкин, айниқса, жангу жадал пайтида шунча сифатга эга бўлган олий мансабли зотга шикаст етиши турган гап. Соҳибқирон масаланинг бу томонини ҳам ҳисобга олади ва ҳар бир амирга ўринбосар тайинлайди. Бир қарашда бугунги кун учун бу оддий ҳол, аммо ўринбосарлар «мунтазир ул-аморат» – амирликка номзод сифатида эъзозланадилар. Шу боис улар эртасига ишониб, иш тутадилар. Ишонч – давлатчиликнинг муҳим устунларидан бири. Амирлар, олий мансабдорлар эртасига ишонмасалар, давлат пойдеворига путур етишини Соҳибқирон ҳам кўп такрорлайди. Амирлик ва ҳукмронликка лойиқ кишиларда ҳам шундай ишонч бўлишини таъкидлаб ўтади. Жанг сир-асрорларини, ғаним лашкарини синдириш йўлини билган, уруш қизиганда ўзини йўқотмасдан, қўл-оёғи бўшашмасдан лашкар фавжларини жангга бошлай оладиган, агар қўшин сафига рахна тушса, уни тезда тузата оладиган кишинигина амирлик ва ҳукмдорликка лойиқ деб ҳисоблайди. Ўзига ўринбосар бўла оладиган амир ул-умаро сифатларига ҳам эътибор қаратиб, шон-шавкат ва маҳобат билан бутун сипоҳга буйруқ бериб, унга қаршилик қилганларни жазолай оладиган кишини шундай олий мансабга лойиқ кўради.[1]

---

[1] Темур тузуклари. – Тошкент, 1996, 97-98-б.

Амирлар 1-12 даражали амирларга бўлиниб, даражасига қараб, 1-12 мингта қўшинга бошчилик қилган ва қуйидан юқоригача бир-бирига бўйсунган. Уруш вақтида улар амир ул-умароларнинг ноиблари ҳисобланган. Даражали амирлар Темурнинг хос навкарлари бошлиқлари бўлиб, тамға олган 12 уруғдан чиққан амирлар эдилар. Қолган амирлар 28 та тамға олмаган уруғлардан бўлиб, оддийгина амир ёки улус, туман амирлари деб юритилган. Жами 313 киши шу унвонга сазовор бўлган. Ҳокимлик ёки волийликка эга бўлган амирларнинг ҳокимиятига давлат ҳуқуқи нуқтаи-назаридан ёндашсак, ўзлари ҳоким бўлган жойда улар ҳам фуқаролик ва ҳарбий ваколатли шахслар бўлган. Улус ва ҳокимликларда ҳам бошқарув аппарати тузилган, бу органлар кўпроқ солиқларни йиғиш, тақсимлаш, суд ишлари ва армия таъминоти билан шуғулланганлар. Юриш вақтида улус ва туман амирлари ҳар чодир (ўтов) бир отлиқ, ҳар икки олочуғ (капа, чайла) дан бир отлиқ ва ҳар бир ўтроқ аҳолидан бир отлиқ миқдорда қўшин тўплаши лозим бўлган. Қўшин ичидаги тузилиш ўнлар тизимига асосан тузилиб, улар бошида ўнбоши, юз боши, мингбошилар турган.

Юриш вақтларида қўшинларда ўзидан юқори бошлиқларнинг буйруғига бўйсунмаганларга нисбатан қаттиқ жазо чоралари белгиланган. «Мингбошининг ҳукми юзбошига, юзбошиники ўнбошига, ўнбошиники эса қўл остидагиларга жорий этилиб, бунга амал қилмаганлар жазога тортилганлар», қўшин қароргоҳида ҳар ўн саккиз киши бир чодирга бириктириб қўйилган. Ҳарбийлар орасида ҳам, раият орасида ҳам бошлиқларнинг вазифалари итоатсизларни жазолаш, ўз бурчларини бажара олмаганларини ҳайдаш ва уларнинг ўрнига бошқа кишиларни сайлашдан иборат эди. Амир Темур жисмоний жазони ёқтирмагани учун уни тақиқлаб қўйган, ҳокимияти қамчи ва таёқдан кучсиз бўлган бошлиқ ўзи эгаллаб турган лавозимига лойиқ эмас деб ҳисоблар эди у.

Унинг ҳарбий ҳуқуқ борасидаги йўл-йўриқлари, фикрлари ипга маржон тизилгандек бир текис ва аниқлиги билан кишини ҳайратда қолдиради. Амирлик тартибига кўра, уларнинг бири иккинчисига ноибликка тайинланарди, биринчи амир иккинчисига ноиб, шу тариқа ўн биринчи - ўн иккинчи амирга, ўз навбатида, ўн иккинчи амир Амир ул-умарога, у эса



Соҳибқиронга ноиб ҳисобланган. Бундан кейинги тузилган тартибни ўқир эканмиз, Амир Темур даҳоси масала моҳиятининг чуқур-чуқур қатламларини ёритганлигига гувоҳ бўламиз. Масалан, ўнбошининг ишини – юзбошига, амирнинг ишини амир ул-умарога буюришни тақиқлайди. Лекин амирлардан қайси бири қизиқиб иш сўраса, унга вазифа юклатиш мумкин, дейилади. Уларни энг қуйи даражадан олий мартабага кўтариш тузуги ҳам анча мукаммал: жангда қаҳрамонлик кўрсатган баҳодирлар бўлса, биринчи мартабада – ўнбоши, кейингисида – юзбоши, учинчисида мингбошилик ҳуқуқини қўлга киритган. Ўн боши қўли остидагилардан бири ботирлик кўрсатса, биринчи галда ўнбошиликка тайинланган, лекин ўзини ҳимоя қилиб кўзга ташланган аскарлар бундан истисно этилган. «Тузуклар»да бу борадаги ҳарбий жиноятлар ва жазолар тизими махсус қоидаларда ҳам ўз ифодасини топган:

– «Қайси бир сипоҳий урушдан юз ўгириб, қочса, уни илтифотимиздан маҳрум этсинлар[1];

– агар мажбуран чекинган бўлса, узрни қабул қилсинлар;

– агарда уни ваҳима босган бўлса, изза қилсинлар;

– қайси сипоҳий душман қаршисида қилич чопиб, яралангандан кейин қочган бўлса, унга таҳсин ўқиб, яраланганлигини эътиборга олсинлар;

– қайси бир сипоҳий хизматда юриб қарилик ёшига етар экан, уни улуфадан маҳрум этмаслик ва мартабасидан туширмаслик лозим, улардан фойдали маслаҳатлар олсинлар.

Ушбу тузукда биз Амир Темур ҳарбий ҳуқуқ тарихида биринчи марта ҳарбийларга нафақа таъминоти жорий этганини кўрамиз: «-сипоҳий асир бўлиб тушса, уни ўлдирмасинлар;

– ғаним сипоҳийларидан қайси бири паноҳимизга келса, бундай аскарга ишониб, уни азиз тутсинлар, чунки у ўз соҳибига вафодорлик қилиб, еган тузнамаги ҳақини сақлаган».[2]

Бу каби ҳукм ва тузуклар ўз-ўзидан вужудга келгани йўқ, уларнинг барчаси Амир Темурнинг ҳаётий тажрибаларига таянган, улар асосида шаклланган.

---

[1] Темур тузуклари. – Тошкент, 1996, 100-101-б.

[2] Темур тузуклари. – Тошкент, 1996, 100-б.

Агарда сипоҳий қўл остидаги кишига зулм ўтказса, яъни бунда хизмат доирасидан ташқари чиқиши назарда тутилган, унда сипоҳийнинг ўзи жабрланувчиларга топширилган. Агар катта ва маҳаллий бошлиқлар ўзларидан кичик даражадаги кишиларга зулм ўтказсалар, ўз ваколат доирасидан чиқиб уларга, мол-мулкига қараб жарима солиш назарда тутилган. Бу ерда биринчи ҳолда сипоҳийни жабрланувчи хоҳлагунча жазолаш мумкин. Катта ва маҳаллий бошлиқлар эса ўз жиноятларига жарима тўлаш билан қутулганлар.

«Тузуклар»даги иккинчи мақолатда, яъни ҳарбий ҳуқуқ қисмида, сипоҳ сақлаб туриш тузуклари ҳақида алоҳида тўхталган. Буни табиий деб қабул қилмоқ жоиз, зеро, марказлашган давлатни сақлаб туришда ҳарбий қонунларнинг қатъий ва адолат нурида йўғрилган бўлиши, биринчи навбатда, талаб этиладиган эҳтиёж эди. Сипоҳ сақлаб туришда, асосан, қайси жиҳатларга эътибор берилган? Бу бир неча «Тузуклар»да, жумладан; сипоҳ сақлаб туриш; сипоҳга улуфа (ҳақ) бериш; сипоҳга ҳақ тақсимлаш; сипоҳийларнинг даражасини ошириш ҳамда яроғ-жабдуқ тузуклари; ўғиллар ва набираларга улуфа бериш тартиблари; инъом ва совғалар бериш қонунларида ўзининг яққол ифодасини топган.

Сипоҳ сақлаб туриш тузукларини яратишда ҳам Амир Темур адолатни биринчи навбатга қўяди. Ҳар бир ўн киши орасидан бир навкарни ўнбоши аташларини маъқул кўрар экан, уни қонун билан мустаҳкамлайди, ўнбошини сайлашда унинг қолган тўққиз навкаридан кўра, тажрибалиси, адолатли, ботир ва шижоатлилигини эътиборга олишини айтади. Яна ўнбошини тўққиз кишининг ўзи сайласин дейди. Юзбоши, мингбоши сайлашда ҳам юқоридаги адолатли қоидалар инобатга олинади.

Амир Темурнинг сипоҳга улуфа (маош) тўлаш тузуги унинг ўз замонасининг иқтисодини чуқур билганидан далолатдир. «Оддий сипоҳларга, – дейилади «Тузуклар»да, – ўз вазифасини ўринлатиб бажариш шарти билан маоши минган отининг баҳосида бўлсин».[1] Бу ерда икки масала диққатимизни тортади: улардан бири – нечун от баҳосида маош тайинланган? Иккинчиси, сипоҳга хизмат қилгани учун эмас, балки

[1] Темур тузуклари. – Тошкент, 1996, 89-бет.



вазифасини уддалай олиши шарти билан маош тайинланган. Бу жуда муҳимдир. Чунки сипоҳ ўз ҳақини ҳалоллаб олиши лозим, шунда унинг еган-ичгани ҳалол ҳисобланади, шундангина у Ватан олдидаги бурчини бажарган, қонунга риоя этган ва унга бўйсунган ҳисобланади, қайсики сипоҳ уруш пайтида хато ва камчиликка йўл қўяр экан, маошидан ўндан бири камайтирилган. Бу ҳам «Тузуклар»да қонун билан қатъий белгилаб қўйилган. Энди, биринчи масала, сипоҳларнинг ҳар бирига бир от баҳосида маош тайинланишига келсак, ўша даврда отнинг баҳоси қиммат эди, пул ҳоҳ қадрлансин, хоҳ қадрланмасин, ҳар қандай пайтларида ҳам сипоҳнинг маошига зарар етмаган. Маошни белгилашда ҳам маълум тартибларга қатъий риоя қилинган, яъни ўнбошиларининг маоши қўл остидагиларга қараганда ўн баравар, юзбошиларники икки баравар, мингбошиники уч баравар зиёд бўлган.

Улуфа тайинлаш ҳам хўжакўрсинга амалга оширилмаган, балки ўнбоши юзбошининг, юзбоши мингбошининг, мингбоши амир ул-маронинг[1] тасдиғи билан улуфа олганлар.

«Амр қилдимки, амир ул-умаронинг маоши қўл остидагилардан ўн баробар ортиқ бўлсин»[2], – дейилади «Тузукларда», шунингдек девонбеги ва вазирнинг маоши амирларникидан ўн баробар ортиқ, ясовуллар, чоповуллар[3], калақчи[4]ларнинг маошлари мингдан ўн минг тангагача бўлган, саййидлар, олимлар, фозил кишилар, табиблар, мунажжимлар, қиссахонлар, хабарчилар, тарихчиларга ҳам ҳолларига қараб маош белгиланган. Амир Темур оддий одамлар меҳнатини жуда қадрлаган кўринади. «Тузуклар»да ёзилишича, пиёда сипоҳийлар, хизматчиларга, фаррошларга юздан минг тангагача маош белгилаб қўйилган. Агар ўша пайтда бир қўй ярим танга баҳоланганлигини назарда тутсак, аҳолининг ижтимоий аҳволига қанчалик зътибор берилганлигига гувоҳ бўламиз. Маош тайинлаш ва тўлашда қонун бузилмаслиги ҳамда доимий

[1] Амир ул-умаро – бош амир.
[2] Ўша китоб. 70-б.
[3] Чоповул – тунги ҳужум жангчиси.
[4] Қалақчи – аҳолидан йиғилган ҳосилдан хирож миқдорини белгиловчи мансабдор.

назорат бўлиши учун сипоҳийларнинг ҳар бирига маош ёрлиғи берилган ва тўланган маош миқдори шу ёрлиқнинг орқасига ёзиб борилган.

Танҳо – хизмат эвазига бериладиган солиқлардан озод ер мулки ва улуфа тўлаш ҳам мукаммал қонун даражасига етказилган. Масалан, вилоятлар ва мамлакатлардан олинган жами даромаднинг тақсимланишини кўрайлик. Бу худди бирор муаммони қуръа ташлаш асосида ҳал этиладиган ҳолатга ўхшайди, чунончи, жами даромадлар қоғозларнинг бирига кўп, бирига кам қилиб ёзиб қўйилган, сўнг бу ёрлиқлар девонхонага келтирилган. Амирлар ва мингбошилар омадларини синаб кўриш учун навбати билан даромад ёзилган қоғозни олган, кимга қанча чиқса, шунча улуфа олган. Лекин масала шу билан якун топмаган, «Агар ёрлиқда (амир ё мингбошининг) маошидан ортиқ бўлса, бошқани ўзига шерик қилсин, дейилган «Тузуклар»да, бордию, кам бўлса, уни қўйиб, бошқа ёрлиқ олсин», яъни амир ё мингбоши омадини қайта синаб кўрган. Бундай адолатли тадбир тузуклар амир, мингбошилар орасидаги ортиқча низо, баҳс, тортишувларга чек қўйган.

### 2.5. «Тузуклар»да ўзбеклар масаласи

«Тузуклар» бизгача 600 йилдан ошиқ «тарихий довон» ортидан ўзбек, турк (чиғатой) ва форс тилларидан қилинган турли таржималар тарзида, кўплаб нусхаларда етиб келган. Таржимонлар, китоб кўчирувчи хаттотлар,ноширлар унга қайта-қайта мурожаат қилиб, асарнинг шу кунларгача етиб келишига катта ҳисса қўшганлар. Аммо уларнинг баъзан билибми-билмай, бирор сўзни матнга қўшиб қўйишлари ёхуд ундан олиб ташлашлари манбани ўрганишда қийинчилик ва муаммоларни ҳам туғдириб туради. Тарихий манбалардаги бундай ноаниқликларнинг учраб туриши ҳақида машҳур тарихчи олим Абулғози Баҳодурхон (1603-1664) ёзиб қолдирган: «Ҳар нусхага ўтказган сайин бир неча сўзни ғалат қила-қила, тамом тарихларнинг учдан бирини, балки ярмини ғалат қилиб турарлар».[1] Ана шундай ҳолни баъзи манбаларда, жумладан,

[1] Абулғозий. Шажараи Турк. – Тошкент: Чўлпон, 1992. 30-б.



Темур тузукларида (1991 йил нашри, 20, 21, 22, 39-бетлари) учратиш мумкин. Манбада «ўзбеклар жамоаси», «ўзбеклар фавжлари» каби сўзлар учрайди. Хўш, бу ўзбеклар кимлар? Бизга маълумки, Темурбек тарих майдонига чиқиши арафасида Чиғатой улуси заифлашиб, иккига – мусулмонликни илгарироқ қабул қилган, ўтроқлашган Мовароуннаҳрга ва ҳали кўчманчиликни ташламаган Еттисув, Чу воҳаси, Шарқий Туркистонни ўз ичига олган Мўғулистонга ажралиб кетиб, Мовароуннаҳрда мўғуллар зулмига қарши озодлик ҳаракати бошланган. Бунга қарши Жета[1] амирлари билан Мўғулистон хони ТуғлуқТемурхон 1359-1361 йилларда икки марта юриш қилиб, Мовароуннаҳрда ҳокимиятни ўғли Илёсхўжа қўлига олиб беради. Рус ҳарбий тарихчиси М.Иванин гарчи таянган манбани келтирмаган бўлса-да, ўзининг асарида Туғлуқ Темурхоннинг 1359 йилда Мовароуннаҳрга бостириб келган аскарларининг кўпчилик қисмини ўзбек-ардан иборат эди, деб, фикримизча, тўғри кўрсатади ҳамда ўзбек уруғларининг баъзи бирларининг номларига қараб, улар Чингизхонга бўйсунмасдан, Олтой, Саён, Тиён-Шон тизмалари дараларида, шунингдек, Сибирь ўрмонларида яшаган қабилалардан келиб чиққан бўлиши мумкин, деб тахмин қилади. «Аммо улар, балки мустақил бўлиш учун етарли кучга эга бўлмаганлари сабабли бўлса керак, Туғлуқ Темурга бўйсунишга мажбур бўлдилар ва у билан Сирдарёни кесиб ўтдилар».[2] Ҳолбуки, бу даврда Мовароуннаҳрда улардан аввал ўзбек ҳарбий бирлашмалари бўлганлиги бошқа бирор тарихий манбаларда аниқ кўрсатилган эмас. Ва ниҳоят, «ўзбекларнинг енгилганлиги» ҳақида гапирилганда аниқ қилиб, Жета ва Илёсхўжа қўшинлари назарда тутилган. Бу ҳолни «Тузуклар»даги қуйидаги парчадан ҳам куриш мумкин: «Жета ва Илёсхўжа лашкарларини Мовароуннаҳрдан қувиб, Хўжанд дарёсининг нариги қирғоғигача (яъни Мўғулистон-муаллиф.)

[1] Чиғатой улусининг Шарқий Шимолий қисми тарих китобларида «Жета» ёки Мўғулистон деб аталган.

[2] Иванин М. «Икки буюк саркарда: Чингизхон ва Амир Темур» (тарж. А.Маҳкамов). – Тошкент: Фан, 1994, 117-123-б.

ўтказиб юборган бўлсам ҳам, ўзбекларнинг баъзи фавжлари Мовароуннаҳр калъаларида жойлашиб олган эдилар».[1]

Чиғатой улусининг Мўғулистон деб аталувчи қисмида ўзбек аймоқлари ҳам яшаб келганлигини эса бошқа манбалар, хусусан, Мирзо Муҳаммад Ҳайдарнинг «Тарихи Рашидий» асарида ҳам кўриш мумкин. Чунки Темурбек ҳукмронлиги даврида Олтин Ўрда ва Оқ Ўрда ҳамда Мўғулистон ва Мовароуннаҳрда ҳам ўзбек атамаси кенг ёйилган. «Кераит уруғидан бўлган Мўғулистон амири Ўзбек Темур, Амир Темур билан яқинлашиш йўлини ахтаради». Ёки: «Соҳибқирон, Қамариддинга қарши юриш қилиб, Қўчқор деган жойга борганида унга хабар қилдилар. Унинг ҳузурига Урусхон ўзбекдан (1361-1376) қўрқиб қочиб келаётган Тўхтамиш ўғлон келмоқда». Яна ушбу асарда келтирилишича, Увайсхон ўзини Или дарёсидан эсон-омон ўтказиб қўйган Амир Сайид Алига бешта мукофот, яъни беш аймоқни мукофот тарзида берганлиги, улардан бири эса ўша вақтда, Хўтанда жойлашган ўзбек аймоғи эканлиги кўрсатилган.[2]

Академик Б.А.Аҳмедов ўзининг қатор ишларида «Тузуклар»да кўрсатилган ўзбекларни XIII аср ўрталарида, аниқроғи 1127 йилдан бошлаб Хоразмнинг катта қисмини, 1251 йилдан кейин Мовароуннаҳр, яъни Чиғатой улусининг ғарбий қисмини Олтин Ўрда хонларининг таъсирига тушиб қолганлигидан келиб чиқиб, Мовароуннаҳр ўша Олтин Ўрдалик ўзбекларнинг сиёсий таъсирида бўлганлиги, бу ерда то Амир Темур замонигача доруғаларнинг кўпчилигини ана шу ўзбеклар ташкил қилганлигини кўрсатади. Аммо бу ўзбеклар бутун Олтин Ўрда аҳолиси эмас, балки унинг Шарқий қисмида, хусусан, Ўрол ва Ғарбий Сибирда кўчиб юрган турк-мўғул қабилалари бўлиб, улар XIV асрдан бошлаб, «ўзбек» номи билан танилганлигини, «Тузуклар»да сўз кетган ўзбеклар эса ана шу ўзбеклар эканлигини таъкидлайди.[3]

---

[1] Темур тузуклари. – Тошкент, 1996, 39-б.
[2] Мирзо Муҳаммад Ҳайдар. Таърихи Рашидий. Введ. перевод с персид. А.Уринбаева, Р.П Джалиловой, П.П.Епифановой. – Тошкент: Фан, 1996, 62-б.
[3] Аҳмедов Б.А. Темурни ёд этиб. – Тошкент:Ўзбекистон, 1996, 41, 81-б.



Юқоридагилардан машҳур темуршунос олимимизнинг: 1) ҳали Шайбонийлар Марказий Осиёга келмасдан буруноқ, XIII-XIV асрлардаёқ «ўзбеклар» атамасининг мавжудлиги ва уларнинг Мовароуннаҳрда яшаганлигини; 2) тузукларда "ўзбеклар" ҳақида сўз кетган жойда Олтин Ўрдалик дашт ўзбеклари назарда тутилаётганлигини; шунингдек, 3) ўзбекларнинг таъсирини камайтириш орқали Олтин Ўрданинг собиқ Чиғатой улусидаги таъсирини камайтириш мақсад қилинганлиги ҳақидаги фикрларини англаб олиш мумкин. Шунинг учун бўлса керакки, Амир Темурнинг мустақил давлат тузиш учун бўлган курашида ўз олдига қўйган вазифаларидан биринчиси Илёсхўжа бошлиқ Мўғулистон қўшинларини Мовароуннаҳрдан қувиб чиқариш бўлса, иккинчиси, ўша даврда Олтин Ўрда таъсирида бўлган суфийлар сулоласини ағдариб, Хоразмда ўз ҳукмронлигини ўрнатиш эди.

Шу билан бирга олим Шайбонийлар ва Бобурийлар ўртасидаги муносабатлардан келиб чиқиб, «Тузуклар»га «ўзбек» атамаси Шоҳ, Жаҳоннинг кўрсатмаси билан ҳам қўшиб қўйилган бўлиши мумкин деб ҳисоблайди.[1] Бу ерда машҳур тарихчи ва давлат арбоби Абулғози Баҳодурхоннинг юқорида келтирилган фикрлари билан олимнинг ушбу фикрлари ҳамоҳангдир. Тузукларни кўп тадқиқ қилиб, унинг нашрларига сўзбоши ёзган Б.Аҳмедов ана шу давр сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихини ўрганган. Ҳ.Б.Бобоевлар ушбу жойда «ўзбеклар» деганда 1227 йилдан бошлаб «Дашти Қипчоқдан Самарқанд томон бостириб келган Ботухон замонидан қолган амирларнинг авлодларини назарда тутадилар. «Ўзбекийлар» деганда, Амир Темурнинг ўзи ҳам туркий тилда гаплашадиган улуслардан бирини назарда тутган» деб таъкидлайди.[2]

Бундан ташқари, «Темур тузуклари»нинг яқинда чоп этилган турли таржималарининг нашрларида олимларимиз Ҳ.Бобобеков ва А.Қуронбековларнинг бу ҳақда бошқа фикрлари ҳам бор. «Кўк Ўрда хони Ўзбекхон (1312-1342) даврида иккала Ўрда (Кўк Ўрда ва Оқ Ўрда) бирлаштирилиб, юксак қудратга эришади. Бу

---

[1] Темур тузуклари. – Тошкент, 1996, 10-11-б.
[2] Ҳ.Б.Бобоев. Амир Темур ва темурийлар салтанати (XIV-XV) асрлардаги сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихидан). – Тошкент: Камалак, 1996. 200-б.

бирлашган Ўрда Оврўпода Олтин Ўрда номи билан машҳур бўлади. Ўзбекхоннинг кўпроқ Жўжи улусига мансуб бўлган сараланган навкарлари Оқ Ўрдада ҳам хизмат қиладилар. Улар бу ерда «Ўзбекийлар», яъни «Ўзбекхоннинг одамлари кейинчалик эса тўғридан-тўғри ўзбеклар деб аталаверадилар.[1] Дашт ўзбеклари номининг келиб чиқиши масаласида ушбу фикрга қўшилиш мумкин. Чунки бу маълумот кўпгина биринчи манбаларда ҳам ана шу тахлитда баён қилинган.[2]

Биз мавжуд фикрларни рад этмаган ҳолда, қуйидагиларни таъкидлаймиз. Албатта, ўзбек халқини фақат дашт ўзбекларининг хони Муҳаммад Шайбонийхон билангина икки дарё оралиғига келиб қолган деб ҳисоблаш ғайри илмийгина эмас, ҳар томонлама ғаразли фикрдир.[3] Тарихий манбаларда кўрсатилишича, Олтин Ўрда хони Ўзбекхон давридан бошлаб, ҳатто ундан олдин ҳам бу давлат таркибида Қипчоқ даштининг турк, мусулмон барча халқига, шунингдек, ўша даврдаги Хоразм аҳолисига нисбатан ҳам (Ўзбекхоннинг ўзи ҳам Хоразм ноиби, машҳур Темур Қутлуғнинг қўллаб-қувватлаши билан Олтин Ўрда тахтига ўтирган) ўзбек улуси, ўзбеклар атамалари кенг қўлланила бошланган.

Аммо тарихий асарлардан Ўзбекхондан илгари ҳам «ўзбек» сўзи этник маънода ишлатилганлигини кўриш мумкин. Масалан, Эронда ҳукм сурган Элхонийлардан Улжойту (1304-1316) га бағишлаб ёзилган «Мўғулларнинг пайдо бўлиши ва улар хулқ-атворларининг ўзгариши» асарида, Жалолиддин Румий (1237 йилда вафот этган) ҳузурида бўлган минг бир суҳбат келтирилиб, унда мўғулларнинг хулқ-атворлари ҳақида сўз кетгани ҳолда, «мўғул-ўзбек» ибораси қўлланилган.[4]

Шу мазмундаги иккинчи мисолни олий қарайлик. Абул Фазл Рашиддиннинг (1317 йили вафот эттан) «Жоме ат таворих»

---

[1] Амир Темур Кўрагон. Зафарнома. – Тошкент, 2000, 9-10-б.; Амир Темур Кўрагон. Қиссаи Темур («Малфузоти Темурий»). – Тошкент, 2001, 402-б.

[2] Шарафиддин Али Яздий. Зафарнома. – Тошкент, 1997, 32-б.

[3] Бу ҳақда батафсил қаранг: Аҳмадали Асқаров. Ўзбек халқининг этногенизи ва ва этник тарихи. – Тошкент: «Университет», 2007.

[4] Семёнов А.А. Описание персидских, таджикских, арабских, и тюркских рукописей фундаментальной библиотеки СамДУ., выпуск 2. Изд. Сам ГУ, Т., 1953 - с.9.



китобининг қисқартма баёнини ёзган Ал Ҳасан бин Махмуд ал Арзинжонийнинг 1377-1378 йилларда ёзилган «Қозонхон тарихининг қисқартма баёни» номли асаридан мўғулларнинг ислом динини қабул қилишлари, уларнинг характерлари ҳақида сўз кетиб, унинг хаттот Муҳаммад Термизий томонидан кўчирилган[1] ва XIV асрнинг биринчи ярмида бўлган воқеаларни ўз ичига олган нусхасида этник мазмунда «ўзбек» сўзи қўлланилган манбада «мўғул» сўзининг «ўзбек» атамаси билан аталиши биринчи бўлиб профессор А.Семеновнинг диққатини тортган. Унинг фикрича, бу хато бўлиб ёки қисқартма баёнини тузган киши, ёки уни кўчирган киши томонидан матнга қўшиб қўйилган.[2]

Агар бу англашилмовчилик ёки этник номларни эҳтиётсизлик ёки эътиборсизлик билан қўлланиши бўлса, бундай ҳолни ўзбек хонлари даврида ёзилган баъзи тарихий асарларда ҳам кўриш мумкин. Масалан, тарихчи Абдураҳмон Толеънинг «Абулфайзхон тарихи» (1711-1747) асари Аштархонийлар сулоласининг емирилиши даврига оид муҳим тарихий манбалардандир. Асарнинг махсус бир бобида Абулфайзхонга қарши кенагаслар исёни ва саройдаги воқелар, ўзбек уруғларининг бир-бири билан бўлган урушлари, фитна, исёнлари тасвирлангани ҳолда, бобнинг номи «ўзбеклар босқини» деб аталган. Шуниси қизиқки, Абулфайзхон ва унинг аъёнлари ҳам, кенагаслар ҳам ўзбеклардир. Шундай бўлгани ҳолда муаллиф кенагасларга нисбатан «ўзбеклар қўрқиб қолдилар» иборасини ишлатган.

Машҳур тарихчи аштархонийлар ва кенагасларнинг иккаласи ҳам ўзбек қавмларидан эканлигини билмаслиги мумкин эмас эди. Бу, албатта, хато бўлиб, худди юқорида келтирилган бошқа манбалардаги каби эътиборсизлик орқасида қўшиб ёзилган бўлиши мумкин.

«Темур тузуклари»нинг турли нашрларини ва бошқа манбаларни ўрганиш шуни кўрсатадики, ўрта аср тарихчилари

---

[1] Яна шу нарса диққатга сазоворки, Рашиддиннинг ушбу асарининг асл нусхасининг кўпгина жойларида ҳам Шарқий Туркистон ва Мўғулистондаги турк-мўғул уруғларининг кўпчилиги «ўзбек» деб аталган.

[2] Семёнов А.А. Ўша асар, 10-б.

«ўзбек» атамаси орқали қадимдан Мовароуннаҳрда яшаб келаётган кўп сонли туркий халқларни эмас, балки Чингизхон қўшинлари таркибида (кейинчалик Туғлуқ Темурхон қўшинлари) келиб ўтроқлашиб, мусулмончиликни қабул қилган, аммо кўчманчилик ҳаётини қўмсаб, "Жета" тарафдорлари бўлган баъзи туркий ва турк-мўғул уруғларини назарда тутган кўринади. Айнан, худди ана шундай жараён Чиғатой улусида Аловуддин Тармаширин (1326-1334) даврида Олтин Ўрдада Ғиёсиддин Муҳаммад Ўзбекхон (1312-1342), XIV асрнинг иккинчи ярмида эса Мўғулистонда Туғлуқ Темурхон даврларида (1329-1362) юз берган эди. Юқорида келтирилган ҳолатлардан келиб чиқиб, «Тузуклар»даги «ўзбеклар», «ўзбек» атамалари бўйича қуйидаги хулосаларни чиқариш мумкин:

1. Темурбек ҳукмронлиги йилларида қандай бўлмасин, «ўзбек» атамаси этник мазмунда Олтин Ўрда ва Оқ Ўрдада ҳам, Моварооуннаҳрда, шунингдек, Мўғулистонда ҳам кенг ёйилган. Бунга тарихий манбалар гувоҳлик беради. Жумладан, Мирзо Ҳайдарнинг «Тарихи Рашидий» асарида кўриш мумкин.

Бу эса Моварооуннаҳрда «ўзбек» номи Муҳаммад Шайбонийхон (1451-1501) давридан анча илгари ҳам кенг тарқалган ва унинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида маълум ўрин тутганлигини кўрсатади.

2. Мумтоз тарихий асарларни юзлаб йиллар мобайнида кўчириш, кўпайтириш вақтида баъзан хатоликларга йўл қўйилган ҳоллар ҳам бўлган. Бу табиий бир ҳол. Жуда кўп тарихий манбалар, айниқса, тарихий-ҳуқуқий манбаларда ана шундай ҳол учрайди. Масалан: X-XII асрларда Марказлашган қадимги Киев Руси давлатида вужудга келган «Рус Правдаси» бизгача турли ҳажм ва мазмундаги юздан ошиқ (списка) кўринишда етиб келган. Шу нуқтаи назардан ёндашилса, Темурбек тузукларидаги бир неча жойда келтирилган «ўзбек», «ўзбек жамоаси», «ўзбекларнинг фавжлари» сўзлари Мўғулистон (ёки Жета) қўшинларига тааллуқли бўлиб, манбада «мўғул» сўзи ўрнига «ўзбек» номи унинг кейинги таржимонлари ёки кўчирувчилари томонидан қўшиб (ёки алмаштирилиб) қўйилган бўлиши эҳтимолдан холи эмас.

3. Чиғатой улусининг иккига бўлиниши натижасида ташкил топиб, XVI асрнинг иккинчи яримгача Мўғулистон давлатининг



чегараси доимо ўзгариб турган. Дастлабки вақтларда унинг таркибига, асосан, туркий халқлар яшайдиган доиралар (Тошкент шаҳри, Дашити Қипчоқнинг жануби-ғарбий томонлари Сирдарё ва Сарисув оралари, Балхаш кўли воҳаси, Иртиш дарёси билан Марказий Тёншон орасидаги ерлар, Шарқий Туркистон) кириб, аҳолисининг асосий қисми Туғлуқ Темурхон давридан бошлаб ёппасига мусулмон динини қабул қилганлар. Шунинг учун Мўғулистон қўшинлари таркибида Моварооуннаҳрга келган туркий ёки турклашган мусулмон аскарларни хам тарихчи олимлар ва Моварооуннаҳр халқи томонидан ўзбек деб аталган бўлиши кўпроқ ҳақиқатга яқин келади.

Яна шундай тарихий ҳолатни ҳам эсдан чиқармаслигимиз лозимки, Дашти Қипчоқнинг жануби-ғарбий томонлари, Ғарбий Сибирда яшаган дашт ўзбекларининг бир қисми ҳамда ўзбек-қозоқлар, XIV асрда Мўғулистон–Жета таркибига кирган ерларда яшаганлари ҳолда, кейинчалик қозоқ ва қирғиз халқларининг таркибига сингиб кетдилар.

Ҳозирда олимларимиз Ҳ.Бобобеков ва бошқалар ҳамкорлигида нашр этилаётган «Темур тузуклари»нинг турли таржималарида бу масалани ойдинлаштирадиган ҳолатлар ҳам бор. Масалан, Набижон Маҳдум томонидан 1836 йилда форс тилидаги қисқартирилган нусхадан қилинган таржимада, Илёсхўжа Моварооуннаҳр ҳукмдори бўлгач, у давлат ишларидан бехабарлиги туфайли «умаролар ва ўзбеклар» зулми ошиб кетди, дейилган бўлса[1], иккинчи ўринда, айнан шу воқеанинг қайта тасвирланишида бошқача: сипоҳ ва умаро зулм ва таъадди (жабр) илкини кўб узотти» деб келтиради. Бир воқеа икки хил (қаранг: шу асар, 57-бет), яъни бу ерда – ўзбеклар деган сўз йўқ. Бу ҳам фикримизнинг исботига хизмат қилади.

Бу масала, айниқса, «Қиссаи Темур»да янада ойдинлашади.[2] Амир Темур, Туғлуқ Темурхон аскарларини Моварооуннаҳрга киритмаслик ва мамлакатни ғорат ва талон-торож қилишдан асраб қолиш мақсадида у юборган саркардалар, Улуғ Туғлуқ Темур ва Ҳожибекка мол-уманол (мол-дунё, бойлик) бериб

[1] Амир Темур Кўрагон. Зафарнома. – Тошкент, 2000, 13-б.
[2] Қиссаи Темур («Малфузоти Темурий»). – Тошкент, 2001.

қайтариб юборади бу ҳақида: «ўзбеклар танг чашмадурлар, аларнинг оч кўзларини мол ва манол билан тўйдуруб, фирифта (мафтун) қилғаймен, токим қатл-у ғоратдин қўл кўтаргайлар».[1] Кўриниб турибдики, ўзбеклар деганда, бу ўринда Туғлуқ Темурхон қўшинлари, яъни Мўғулистон аскари тушинилмоқда.

Ушбу ҳолда, таржиманинг бошқа кўп жойларида ҳам, «ўзбеклар», «ўзбекия» дейилганида Илёсхўжа амирлари ва Жета лашкари кўзда тутилган. Юқоридаги «Зафарнома»да келтирилган воқеа ушбу таржима «Қиссаи Темур»да қуйидагича баён этилган: «Илёсхўжани салтанатдин баҳраси йўқ эди. Жета лашкари зулм ва таъаддига (жабр) шуруъ этиб қатл ва ғорат ва торож қила бошладилар. Ул ҳолда ман Илёсхўжанинг нодонлигини ва ўзбекларнинг зулм ва таъаддисин (жабри) Туғлуқ Темурхонга ёздим». (Ўша манба: 115-бет). Биринчидан, ушбу: «Ва чун олти минг отлиғ бирла Илёс Хожанинг ўтуз минг отлиғига шикаст бериб, Мовароуннаҳр соҳатин ўзбекия хасхошокидин пок этдим» (Ўша манба, 149-бет) сўзлари, иккинчидан, Амир Темур мамлакатимизни мустақил давлатга айлантиришда олиб борган урушлари ҳақида гап кетганда, энг аввало, Мўғулистон – «Жете» қўшинларига қарши курашнинг назарда тутилиши, Тузукларда «ўзбек», «ўзбекия» деганда, Жета амирлари ва лашкарлари тушунилганлигига ҳеч шубҳа қолдирмайди.

[1] Қиссаи Темур («Малфузоти Темурий»). – Тошкент, 2001, 101-102-б.



# ХУЛОСА

Амир Темур тўғрисида ёзилган асарлар, илмий мақолалар жуда кўп. Лекин бизда ҳали улар тўғрисидаги жамики адабиётларнинг, манбаларнинг пухта ўрганилган танқидий чоғиштирма таҳлиллари мавжуд эмаслиги, Темурнинг ватани, у тузган давлат ҳудуди бўлмиш Ўрта Осиёда ҳозиргача чуқур илмий таҳлил этилган ёки кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган илмий асарларнинг камлиги ачинарли ҳолатдир.

Темур тузукларида, давлат ва ҳуқуқ масалалари хусусида, мукаммал изланишлар олиб борилган эмас зди. Амир Темур ўзбек давлатчилиги тарихида ёрқин из қолдирган улуғ ҳукмдорлардан бири бўлганлиги, айнан ана шу шахснинг саъй-ҳаракатлари билан XIV асрда сиёсий тарқоқликни вужудга келтирган чингизийлар истибдодига барҳам берилгани, жанубда Хитой девори, Ҳиндистонгача, ғарбда то Ўрта Ер денгизигача бўлган улкан ҳудудда марказлашган давлат тузгани, унда адолатли тартиб ва қонунчилик жорий этилгани илк бор инсон манфаатини ҳимоя этишга қаратилган конституциявй ҳужжат, «Тузуклар» яратилгани илмий-назарий жиҳатдан катта аҳамият касб этади. Аммо яқин йилларгача буни эътироф этишнинг иложи бўлмади, сабаби эски тузум бундай катта илмий салоҳиятга эга бўлган асарнинг юзага чиқиши ўзбек халқининг уйғонишига, ўзлигини танишига туртки бўлишидан жуда чўчир эди. Ғарбда эса жаҳон тарихида ўз аксини топган Темур шахсининг улуғлиги ва ўзига хослиги ҳақида турли маълумотномалардан тортиб монографик характердаги умумлашган асарлар пайдо бўлди. Аммо уларда ҳам Амир Темур давлати ва ҳуқуқи масалалари етарли даражада ёритилмаган эди.

Амир Темур даври қонунчилигининг моҳияти, унинг марказида фуқаро ва давлат туради. Бу ҳақда таниқли олим Азамат Зиё Амир Темур даврида «қонунчиликда биринчи ўринда фуқаро манфаати турган»[1], дея юксак баҳо беради. Бу ҳамма замонлар учун аҳамиятли сабоқ. Зеро, иқтисодий жиҳатдан ночор давлат заифлашиб, емирилиб боради. Иқтисодий қудратни эса халқ яратади. Бунда адолатли

[1] Азамат Зиё. //Ўзбекистон овози, 1995 йил 10 октябрь.

қонунчиликнинг роли беқиёсдир. Амир Темур даҳосининг ёрқин қирраларидан бири ҳам унинг мазкур ҳақиқатни англай билганлиги ва амалда намоён қила олганлиги билан ўлчанади. Зеро, келажаги буюк давлат қураётган эканмиз, ўтмишнинг маънавий тамойиллари бизни адолатли йўллардан юксак тараққиётга олиб бориши, шубҳасиз.

Демак, Амир Темур тузукларининг қадр-қиммати юксак бўлиб, ундаги сиёсий-ҳуқуқий, қарашлар бугунги кунда мустақил Ўзбекистон давлатини бошқаришда дастуруламал бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Ушбу ишимиз доирасида тадқиқ қилинган мавзу ва режа асосида қуйидаги хулосаларни чиқаришимиз мумкин:

1. Жаҳон ва Ўзбекистон давлати ҳамда ҳуқуқи тарихида XIV-XV асрлар Темур ва темурийлар даври алоҳида ўрин тутади. Амир Темур ушбу давлатни тузиш ва ўзининг давлатчилик фаолияти билан жаҳон халқлари тарихи ва цивилизациясига улкан ҳисса қўшдики, уни халқаро илмий жамоатчилик ҳам тан олган. Буларга қисқача қуйидагиларни киритишимиз мумкин:

а) У Марказий Осиёда Турк ислом давлати ва цивилизациясининг юксалишига асос солди (Ҳильда Ҳукхем). Марказий Осиё, Хуросон, Эрон, Афғонистон халқларини мўғул босқинчиларидан озод қилди;

б) бу доирадаги сиёсий тарқоқлик ва ўзаро низоларга барҳам бериб, қудратли марказлашган давлат тузди;

в) Россиянинг мўғуллар истибдодидан қутулишига ёрдам берди;

г) Ғарб ва Шарқни боғлаб турувчи халқаро «Буюк ипак йўли»ни қайта тиклади ва ривожлантирди;

д) Мовароуннахрнинг шон-шуҳратини дунёга танитди, илму фан, ҳунармандчилик, меъморчилик, санъат ва маданиятни мислсиз даражада ривожлантирди, яъни темурийлар ренессанси – Уйғонишига асос солди;

е) инсоният тараққиётида давлатчилик тизимини юқори поғонага кўтарди, янги қонунлар ва тартиб-қоидаларни жорий этди.

ё) ҳарбий санъатни мукаммаллаштирди.

2. Бугунги кунда Ўзбекистоннинг демократик ҳуқуқий давлат қуриш борасидаги конституциявий йўли Темур ва



Темурийлар давлати тимсолида ҳам ўзининг тарихий илдизларига эга. «Давлат агар дину ойин асосида қурилмас экан, тўра-тузукка боғланмас экан, ундай салтанатнинг шукуҳи, қудрати ва тартиби йўқолади», деб мустаҳкамлаб қўйилиши бежиз эмас.

3. Темур давлатининг пайдо бўлиши, унинг марказлаштирилиши, иқтисод, илм-фанни ривожлантириш сиёсати, Темурийлар Ренессанси тасодиф эмас, балки Ўзбекистон халқларининг ўша даврдаги ички ривожланиши натижасидир. Бизнинг давлатчилигимиз асрлар мобайнида, халқимизнинг юксак маънавият, адолатпарварлик, маърифатпарварлик каби эзгу фазилатлари Шарқ фалсафаси ва ислом дини таълимоти билан узвий равишда ривожланиб келди.

4. Амир Темур давлатига ҳуқуқий баҳо бериб, унинг бошқариш шакли, марказлашган, якка ҳокимликнинг мутлақлик даражасини аниқлашда мусулмон давлати ҳамда унинг бошлиғи ҳақидаги ислом ҳуқуқий қарашларидан туриб баҳолашимиз лозим. Бу қарашларга кўра, сўз умуман «давлат» тўғрисида эмас «имомат» ва «халифалик» тўғрисида бориб, уларда: давлат бошлиғининг Қуръон оятлари ва Расулуллоҳ (с.а.в.) ҳадисларини бажариш, руҳонийлар ва юқори табақалар билан келишиб қарорлар қабул қилиш, маслаҳатлашиш, раият аҳволидан хабар олиб туриш, қонунчилик ҳокимиятида қатнашмаслигидан келиб чиқиб, ҳокимият мутлақ эмас деб ҳисобланади. Амир Темурнинг мусулмон давлати бошлиғи сифатидаги ўзига хослиги шундан иборат бўлганки, у қонун чиқариш ҳокимиятида ҳам иштирок этган. «Тузуклар»ни яратиб, шу билан ҳам ўз давлатини юқори поғонага кўтарган. Шуларга асосланиб, унинг давлатини ўзига хос шарқона, мутлақ монархия давлати деб баҳолаш мумкин.

5. Темур тузукларининг «давлатни бошқариш учун бир қўлланма» тарзида яратилишида унинг пирлари Зайнуддин Тойободий, Шайх Шамсиддин Кулол, Мир Сайид Бараkaларнинг панд-насиҳатлари битилган хатлари ҳам, йўл-йўриқлари ҳам катта ўрин тутади. Шу жиҳатдан олиб қараганда Темур тузукларининг яратилиши табиий бир ҳол эди.

6. Собиқ Советлар даврида юқорида номлари келтирилган тарихчилар, ҳақиқий тарихий жараёндан кўз юмиб, Темур тузукларини қалбаки, компилятив, Ҳиндистонда ёзилган асар

деб паст назар билан қараб келдилар. Тарихий манбалар қадимий туркий давлатларда оғзаки ва ёзма қонунномалар бўлганлигини, хусусан, Хитой манбалари Самарқандда (Кан ибодатхонаси) жиноят ва жазо тўғрисидаги Турк қонунномаси сақланганлигини ёзади, яъни аввалги давлатчилик ҳам шунга ўхшаш ҳуқуқий қўлланмаларга эга бўлган.

«Темурнинг ўзи тиниқ ва очиқ турк шевасида ёзар эди. Бу ерда зикр қилинган «Тузукот» фикримизни исбот этадир».[1] Шунинг учун ҳам Темур тузукларининг яратилиши тарихий тасодиф эмас. Темур тузуклари Амир Темурнинг девонхонасида Амир Темур иштирокида яратилган ҳақиқий, тарихий юридик манбадир.

7. Амир Темур тузукларини тарихий-ҳуқуқий жиҳатдан таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, энг аввало, унда «кенгашдим», «амр қилдим», «ҳукм қилдим» иборалари кўп учраши унинг ҳуқуқий характерини очиб беради. Унда давлат, фуқаролик, молия, жиноят-процессуал ва бошқа ҳуқуқ тармоқлари бўйича нормалар мавжуд, давлат ва армиянинг ташкилий тамойиллари ўз ифодасини топган. Шунинг учун Д.Н.Логофет томонидан айтилган, «Туркистонда ҳуқуқий давлат ва Конституцион Кодекс (қонунлар тўплами) Европадан 500-600 йиллар оддин пайдо бўлган» деган фикрни тўғри деб биламиз. Темур тузуклари марказлашган давлатнинг ўзига хос Конституциясидан иборат Асосий Қонуни – қўлланмаси эди.

8. Темур тузуклари таҳлил этилганда, шу ҳолат яққол кўзга ташланадики, унда давлат ва армиянинг ташкилий тамойиллари, қонун-қоидалари, кўпинча 12,4 қоида-тамойиллар орқали ифода этилади. Бундай рақамлар тасодиф эмас, ўзбек давлатчилигида илгари ҳам бўлган, «Тузуклар»да ривожлантирилган ҳар бир гуруҳ рақамларининг остида ёки одат (тўра), ёки ҳуқуқ (тузук), ёки маълум бир фалсафий қарашлар тизими ётади. Масалан: тўрт тамойил асосида табиат асосидаги тўрт унсур – «чорвака», яъни ер, сув, ўт, ҳаво булар барча тараққиёт ва ўзгаришнинг асосидир деган фалсафий қарашлар ифодаланади. Бундай рақамлар билан ифода этишни Темур тузукларидан кейинги даврда ҳам, масалан, Мирзо Боди Девоннинг «Мажма ал-арқам»

[1] Вамбери Х. Кўрсатилган асар, 56-б.



китобида давлат мансабларининг тўрт қоида асосида тўртга бўлинишида кўриш мумкин.

9. «Тузуклар»да давлат мансаблари, давлат хизмати, уларни ташкил қилиш улар ўртасидаги ҳуқуқий муносабатлар фақат юридик жиҳатдангина эмас, ахлоқий жиҳатдан ҳам эътиборга моликдир. Шунинг учун «Тузуклар»нинг ахлоқий қадриятларга оид қоидаларини юридик факультетларида ўтиладиган махсус курс, юристнинг касбий этикаси дарсларида фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

10. Темур тузуклари тарихий манба сифатида бизга олти юз йиллик тарихий довон орқали турли таржималар ва нусхаларда етиб келган. Шунинг учун ҳам унинг баъзи бир нусхаларида ноаниқликлар бўлиши табиий. Жумладан, ундаги «ўзбеклар» атамаси кўплаб баҳсларга сабабчи. Олиб борган тадқиқотларимиз шуни кўрсатадики, «Тузуклар»да келтирилган «ўзбеклар», «ўзбекия» атамалари Туғлуқ Темурхон даврида мусулмонликни қабул қилиб, қисман ўтроқлашган ва кейинчалик Жета қўшинлари таркибида Мовароуннаҳрга келган турли турк-мўғул уруғ ва қабилалардан иборат, «ўзбеклар» атамаси «Тузуклар»да ана шуларга нисбатан қўлланилган.

11. «Темур тузуклари» нашрларининг баъзилари ҳажм бўйича кичик, баъзилари кенг, баъзилари тўлиқ таржима этилмаган. Фикримизча, Темур тузукларини чуқур ўрганиш учун шарқшунос ва тарихчи олимларимиз «Тузуклар»нинг ўзбек тилидаги барча таржималарини нашр эттириб, уларнинг бизгача етиб келган дастлабки форсий тилдаги нусхаси билан қиёслаб, унинг ягона илмий, танқидий матнини яратсалар, тарихий-ҳуқуқий тадқиқот эса ана шу матн асосида ўтказилса, нур устига аъло нур бўлур эди. Шунинг учун ушбу мавзуни келгусида янада атрофлича тадқиқ этиш лозим деб ҳисоблаймиз.

Ижтимоий адолат ва ҳақиқат қадрияти Амир Темур маънавий салоҳиятида ўта муҳим ўрин тутган. «Куч адолатдадир» шиори бу беназир давлат арбобининг ижтимоий фаолиятида, сиёсатида маънавий мезон бўлиб хизмат қилган.

Амир Темур томонидан ёзиб қолдирилган «Тузуклар» Бобурийлар улкан империясининг ҳуқуқий пойдеворини ҳам ташкил этиб, давлат ва ҳуқуқимиз ривожига ундан кейинги даврларда ҳам катта таъсир кўрсатди. Биз давлатчилик ва

ҳуқуқий меросимизни янада чуқур ўрганиш, уни қадрлаш ва ундан фойдаланишга янада эътиборни кучайтиришимиз лозим.

12. Тузукларнинг нусха ва таржималарининг кўп бўлиши жаҳон кутубхоналарида кенг тарқалганлиги, албатта, яхши, аммо шу билан бирга уларнинг қайси бири асл нусхага яқинлиги, қайсисига қўшимчалар киритилганлигини аниқлаш муаммоси ҳам бор. Биз илгари илмий ишларимизда айтилган «Қиссаи Темур» («Малфузоти Темурий»)нинг ҳажмига кўра Тузукларнинг тўла нусхаси бўлса керак, деган фикрни қўллаб-қувватлаган эдик. Ҳозирда Ҳабибулло Кароматов, Убайдулла Уватовларнинг мақола ва таржималарига таянган ҳолда, ушбу тарихий юридик манбанинг турли ҳажмидаги нусхаларини икки гуруҳга бўлиб ўрганиш мумкин, деб ҳисоблаймиз.

13. Биринчи гуруҳ нусхаларининг асоси Абу Толиб ал Ҳусайний ат Турбатий асл туркий нусхадан илк бор форс тилига ўгирган, Ҳиндистонда яшаган инглиз офицери майор М. Дэви 1779 йили Англияга олиб келган, майор Уайт унинг форсча матнини нашрга тайёрлаган. М.Дэви эса инглизчага ўгириб, 1783 йили Оксфордда нашр этилган нусхаси айнан ҳуқуқшунослар тасаввуридаги «Темур тузуклари» номи билан кенг тарқалган нусха бўлса керак. Тузукларнинг ҳуқуқий қоидаларни англатувчи номига, яъни Буюк давлат арбоби Амир Темурнинг давлатни бошқариш фаолиятидаги тажрибалари асосида чиқарилган хулосалар, қоидалар тўплами ва ҳукмлари деган мазмунига Алихон Тўра Соғуний ва Ҳ. Кароматовлар ўзбек тилига қилган таржима мос келади.

14. Иккинчи гуруҳ нусхалар Бобурий султонлардан бири Шоҳ Жаҳоннинг топшириғига кўра, Муҳаммад Ҳифз (Афзал) Бухорий томонидан Шарафуддин Али Яздийнинг «Зафарнома»-си асосида тўлдирилиб, қайта ишланган ва унинг асосида таржима қилиниб нашр этилган, «Темур қиссаси», «Қиссаи Темур», «Малфузоти Темурий», «Воқеоти Темурий» номлари билан кенг тарқалган нусхалар бўлса керак, деб ҳисоблаймиз. Бу борадаги кейинги тадқиқотлар ушбу масалаларга, албатта, ойдинлик киритади.



# ИЗОҲЛАР

**«Тузук»** – ушбу сўз кўп маъноли бўлиб, қайси ўринда келишига қараб ҳар хил маънони англатади. Давлатшуносликда эса тарихий-ҳуқуқий атама сифатида тузиш, тартиб бериш, яратишга оид қонун-қоидалар – тузук тузушни англатиб, маъноси форс тилидаги «ойин» сўзига айнан тўғри келади. Икки жилдли ўзбек тилининг изоҳли луғатида ҳам тузук – қонун-қоидалар тўплами, низом маъноларини англатиши кўрсатилган (Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 2 жилд. Маъруфов З.М. таҳрири остида. 2-жилд. – М.: Рус тили, 1981. – 220 б.). Бундай қонун-қоидалар тўпламини ёзиш фақатгина Темур фаолиятидагина бўлмасдан, бошқа машҳур давлат арбоблари даврида ҳам бўлган. Ушбу атама ҳозирда ҳам усмонли туркларда сақланиб қолган бўлиб, қонунларнинг амал қилишини, уларда амр этилганларни юзага чиқариш, ҳуқуқий кўрсатмаларга аниқлик киритиш учун (очиқлаш) Боқонлар (Вазирлар) Курули (Кенгаши) томонидан чиқарилган ҳужжатни англатади. Тузуклар Туркия Конституция-сининг 115-моддасига биноан кучга киритилган ёзма ҳуқуқ қоидалари ҳисобланади.

**Хива хонлиги** Россия мустамлакачилари томонидан босиб олингач, хон хазинасидаги барча қимматбаҳо буюмлар, жумладан, «…уч юз мужаллад ёзма музайян китоблар Питербурғга юборилган» (Муҳаммад Юсуф Баёний. «Шажараи Хоразмшоҳий», Мерос тўплами. – Т.: Камалак, 1991. – 221 бет). Ушбу китоблар бир мунча вақт ўтгандан кейин, Хива хонлигининг давлат ҳужжатлари билан биргаликда Петербургдаги Салтиков-Шчедрин номидаги Россия миллий кутубхонасидан топилган. Ҳозирда ҳам ушбу манбалар ўша ерда сақланмоқда.

**Туғлуқ Темурхон** – чиғатой улуси парчаланиши натижасида унинг шарқий қисмида Шарқий Туркистон, Еттисув, Тянь Шань этаклари, Балхаш кўли, Иртиш ва Эмиль дарёлари атрофидаги ерларни ўз ичига олган Мўғулистон хони (1348-1362).

**Рашидуддин Фазлуллоҳ ибн Имом уддавла Абулхайр Ҳамадоний ат табиб** (1247-1318 йй.) – машҳур тарихчи олим, «Жоме ут таворих» кўп жилдли тарихий асарнинг муаллифи.

**Ушбу сатрлар муаллифи** ҳам 1968 йилнинг декабрь ойида Тошкент давлат университетининг партия ташкилоти ҳуқуқини, район партия Комитети ҳуқуқига тенглаштирилиши муносабати билан, Тошкент шаҳар, Октябрь район партия Комитетининг биносида ўтказилган, ТошДУ 1-партия конференциясида «Юридик факультети партия ташкилоти» талабаларидан делегат бўлиб қатнашиб (Мандат №210, 1968, 9 декабрь) ушбу арбобни кўриб, ана шу руҳдаги сўзларини ўз қулоғи билан эшитган эди.

**Мазкур сатрлар муаллифи** ушбу нашрни ўрганиб, қониқиш билан қабул қилиб ўз фикрини берган. Ушбу фикр ҳам журнал саҳифаларида босилиб чиқди (Қаранг: Акс садо. Темур Тузукларининг нашр этилиши ҳақида. //Шарқ Юлдузи, 1990. №2. – Б.63.)

**Амир Ҳожи Барлос** – Барлос уруғининг бекларидан. Кеш ва унга тобеъ ерлар ҳокими, Амир Темурнинг амакиси бўлган 1361 йилда Хуросонда ҳалок бўлган.

**Зайниддин Абубакр Тайбодий** – Амир Темурнинг пирларидан бири, хуросонлик йирик шайх ва Шайхулислом. 1389 йилда вафот этган.

**Илёсхўжа** – Тўғлуқ Темурхоннинг ўғли, Мўғулистон хони (1362-1364).

**Амир Ҳусайин ибн Мусаллаб ибн амир Қозағон** – Чиғатой улусининг инқирози даврида Балх, Ҳисори Шодмон ва Бадахшон вилоятларининг ҳокими. Дастлаб Амир Темурнинг иттифоқчиси. 1370 йилда ҳалок бўлган.

**Амир Қозағон** – Чиғатой улусидан таниқли турк бекларидан, амирул – умаро. Амир Ҳусайннинг отаси. 1346 йили Қарши ёнида Чиғатой улусининг хони Қозонхонни енгиб, ҳокимиятни ўз қўлига олган (1346-1358). 1358 йилда ов пайтида фитна натижасида ўлдирилган.

**Чиғатой** – Чиғатой улусининг хони (1227-1242). Чингизхоннинг иккинчи ўғли. Шу улус таркибига кирувчи Шарқий Туркистон, Қошғар, Или ва Еттисув воҳасидаги ерлар ҳукмдори.



# ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

## I. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ И.А.КАРИМОВ АСАРЛАРИ:

1. Каримов И.А. Амир Темур ҳақида сўз. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996.

2. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. – Тошкент: Шарқ, 1998.

3. Каримов И.А. Миллий давлатчилик, истиқлол мафкураси ва ҳуқуқий маданият тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президенти асарларини ўрганувчиларга ёрдам). – Тошкент: ИИВ Академияси, 1999.

## II. ТАРИХИЙ МАНБАЛАР:

1. Абулғозий. Шажарайи турк. – Тошкент: Чўлпон, 1992.

2. Абу Тоҳирхўжа. Самария. Мерос тўплами. – Тошкент: Камалак, Б. 5-20.

3. Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри. – Тошкент: Мерос, 1993.

4. Абдураззоқ Самарқандий. Матлаи Саъдайин ва Мажмаи ал Баҳрайн. 2-жилд, 1-қисм. Форс-тожик тилидан таржима. Кириш сўз. Изоҳ. А. Ўринбоевники. – Тошкент: Фан, 1969.

5. Амир Темур Кўрагон. Зафарнома. Араб алифбосидан Кирилл алифбосига ўгириш, сўзбоши, луғат ва изоҳ муаллифлари: Ҳ.Бобобеков, Ҳ.Бобоев, А.Қуронбеков. – Тошкент, 2000. – 652 б.

6. Амир Темур Кўрагон. Зафар йўли. Ўз аҳвол ва атвори, юриш ва қўшини, мусолиҳа ва муҳориба воқеъотини туркий луғат бирлан ёзган китоби (таржимаи ҳол). Нашрга тайёрловчи, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи т.ф.д. Ашраф Ахмедов. – Тошкент: Нур, 1992.

7. Амир Темур Кўрагон. Қиссаи Темур ("Малфузоти Темурий"). Араб алифбосидан кирилл алифбосига ўгириш, сўз боши, луғат ва изоҳ муаллифлари: Ҳ.Бобобеков, Ҳ.Бобоев, А. Қуронбеков. – Тошкент, 2000.

8. Бобир З.М. Бобурнома. – Тошкент: Юлдузча, 1989.

9. Ибн Арабшоҳ. Амир Темур тарихи. 2-жилдлик. – Тошкент: Меҳнат, 1992.

10. Вамбери Херман. Бухоро ёхуд Мовароуннаҳр тарихи. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1990.
11. Мирзо Муҳаммад Ҳайдар. Таърихи Рашидий. Ведение. Пер. с.перс. А.Уринбаева, Р.П.Джалиловой, Л.М.Епифановой. – Ташкент, 1996.
12. Мирзо Улуғбек. Тўрт улус тарихи. Б.Аҳмедовнинг кириш сўзи, изоҳлари ва таҳрири остида. – Тошкент: Чўлпон, 1994.
13. Низомиддин Шомий. Зафарнома. Форс тилидан ўгирувчи Юнусхон Ҳакимжонов. – Тошкент: Ўзбекистон. 1996.
14. Руи Гонсалес Де Клавихо. Дневник путешествия в Самарканд ко двору Тимура. (1403-1406 г.) Пер. со староисп. Предисл. коммент. И.С.Мироковой. – Москва: Наука, 1990.
15. Рахмоналиев Рустан. Империя Тюрков. Тюркские народы мировой истории. С Х в . до н э по XX в. н.э. – Москва: Прогресс, 2002. – 912 с.
16. Қуръони Карим. Араб тилидан таржима ва изоҳ муаллифи Алоуддин Мансур. – Тошкент: Чўлпон, 1992.
17. Темур тузуклари. Форс тилидан Алихонтўра Соғуний ва Ҳ.Кароматов таржимаси.//Шарқ юлдузи, 1989, №8.
18. Темур тузуклари. Форсчадан Алихон тўра Соғуний ва Ҳабубулло Кароматов таржимаси. проф.Б.Аҳмедов таҳрири остида. // Адабиёт ва санъат, 1991. – 144 б.
19. Темур тузуклари. Форсчадан А. Соғуний ва Ҳ.Кароматов таржимаси (Сўз боши ва изоҳлар, умумий таҳрир академик Бўрибой Аҳмедовники). Ўзбек, француз, инглиз тилларида. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1996. – 344 б.
20. Темур Тузуклари. Сўзбоши муаллифи ва масъул муҳаррир М.Али, форсчадан тарж. А.Соғуний ва Ҳ.Кароматов. – Тошкент: Шарқ, 2005. – 160 б.
21. Уложение Тимура (Тамерлана). Под.ред. Н.П.Остроумова. – Казань, 1894.
22. Уложение Тимура. (перевод и факсимелие с изд. Н.П.Остроумова «Уложение Тимура», вьпушенного в Казан в 1894 г.) – Тошкент, 1968.
23. Уложение Тимура. (Журналный вариант) «Звезда Востока», 1992, №5.
25. Уложение Тимура. Перевод с персидского Х.Кароматова под научной редакцией Б.Ахмедова. Автор предисловия,


примечания и комментариев Б.Ахмедов. – Ташкент: Литература и искусство, 1999. – 352 с.
Ғиёссиддин Али. Дневник похода Тимура в Индию. Перев.с.перс. пред.и прим. А. АСеменова. – Москва: Наука. 1958.
26. Шарафиддин Али Яздий. Зафарнома. //Шарқ юлдузи, 1992-1993.
27. Шарафиддин Али Яздий. Зафарнома, форс тилидан ўзбек тилига Дарвеш Али ал Бухорий таржимаси. – Тошкент: Шарқ, 1997. – 384 б.
28. Фосеҳ Аҳмад Ибн Жалолиддин Муҳаммад ал Ҳавофий. Мужмали Фосиҳий. (Фасихов свод.). – Тошкент: Фан, 1980.

## III. ТАДҚИҚОТЛАР ВА ИЛМИЙ АДАБИЁТЛАР:

29. Амир Темур жаҳон тарихида. Ўзбек, рус ва инглиз тилларида. БМТ, ЮНЕСКО. – Париж, 1996.
30. Амир Темур ва унинг дунё тарихида ўрни. //Халқаро конференция маърузаларининг тезислари. – Самарқанд, 1996, 22-23 май.
31. Амир Темур илм-фан ва маданият ҳомийси. /Халқаро конференция маърузаларининг тезислари. II қисм. – Самарқанд, 1996, 22-23 май.
32. Амир Темур ва унинг жаҳон тарихидаги ўрни. //Халқаро конференция маърузаларининг тезислари. Ўзбек, рус, инглиз тилларида. – Тошкент, 1996, 23-26 октябр.
33. Амир Темурнинг миллий давлатчилик сиёсати: тарих ва ҳозирги замон. // Республика илмий-амалий конференцияси мақолалари тўплами. Навоий шаҳри. 2006 йил 6 апрель. – Тошкент: Фан, 2006.
34. Амир Темур ва Улуғбек замондошлари хотирасида. – Тошкент: Ўқитувчи, 1996.
35. Аҳмедов Б. Тариҳдан сабоқлар. – Тошкент: Ўқитувчи, 1994.
36. Аҳмедов Б. Амир Темурни ёд этиб. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996.
37. Аҳмедов Б. Амир Темур дарслари. – Тошкент: Шарқ, 2000.

38. Аҳмедов Б. Темур тузуклари ҳақида икки оғиз сўз. //Шарқ юлдузи, 1989, 8-сон.
39. Аҳмедов Н. Амир Темур: уйдирма ва ҳақиқат. – Тошкент: Қомуслар бош таҳририяти, 1996.
40. Аҳмедов Н., Бадиров А. Амир Темур ва Темурийлар даври тарихига кириш. (маъруза матни). – Самарқанд, 1999.
41. Бартольд В.В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия. Соч. т, 1. – Москва, 1963.
42. Бартольд В.В. Двенадцать лекция по истории Тюркских народов Средней Азии. Соч., т.5. – Москва, 1968.
43. Бартольд В.В. История культурной жизни Туркестана. Соч., Т.2. Ч.1. – Москва, 1963.
44. Бартольд В.В. История Туркестана (конспект по истории Туркестана с древнейших времен до завоевания его русскими) Соч., т.2. ч.1. – Москва, 1963.
45. Бартольд.В.В. Мир Алишер и политическая жизнь. (Алишер Навои).Соч., т.II., ч.2. – Москва, 1964.
46. Бартольд В.В. Улугбек и его время. Соч., т.II., ч.1. – Москва, 1964.
47. Бобоев Х.Б. Алишер Навоий буюк давлат арбоби. – Тошкент: Фан, 1982.
48. Бобоев Х.Б. Амир Темур ва темурийлар салтанати. – Тошкент: Камалак, 1996.
49. Бобоев Ҳ.Б. Ўзбекистон сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихидан. – Тошкент: Университет, 1987.
50. Грановский Т.Н. Тимур. Полн. Собр.соч.., I. – Санкт-Петербург, 1905.
51. Греков Б.Д., Якубовский А.Ю. Олтин Ўрда ва унинг қулаши. – Тошкент: Ўқувпеднашр, 1956.
52. Жизнь Тимура. Сочинения Лянлге. Пер. с франц. Н.Суворова. – Ташкент. 1890.
53. Каримов С.К. Амир Темур ижтимоий таълимотининг асосий тамойиллари. Ўрта Осиё социологик фикрлари тарихидан. – Самарқанд: СамДУ нашри, 2000.
54. Кляшторный С.Г. Предисловие к V тому Сочинений В.В.Бартольда. – Москва: Наука, 1968.
55. Логофет Д.Н. Страна безправия. Бухарское ханство и его современное состояние. – Санкт-Петербург, 1909.

56. ЛогофетД.Н.Бухоро тоғлари ва текисликларида, «Сомон йўли». – Тошкент: Камалак, 1992.
57. Лунин Б.. Новая книга о Тимуре и не сбывшиевся надежды ё читателей. Общественнне науки в Узбекистане. 1992, №9-10, с. 66-70. Рец. На из. Эпоха, личность. – Москва, 1992.
58. Лунин В.Б. Амир Темур ва унинг даврига оид манбалар. Темур ва Улуғбек даври тарихи. – Тошкент, 1996.
59 Мўминов И.М. Амир Темурнинг Ўрта Осиё халқлари тарихида тутган ўрни ва роли. – Тошкент: Фан. 1969.
60. Мўминов И.М. К Изданию факсимелие «Уложение Тимура». Уложение Тимура. – Ташкент, 1968.
61. Муқимов З.Ю. Ўзбекистон ҳуқуқининг асосий тарихий манбалари (монография). – Самарқанд: СамДУ нашри, 2008.
62. Муқимов З.Ю. Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи тарихи (тарихий-ҳуқуқий тадқиқот). I-қисм. – Самарқанд: Зарафшон, 1998.
63. Муқимов 3. Амир Темур тузуклари ҳуқуқининг тарихий манбаи сифатида. /Амир Темур илм-фан ва маданият ҳомийси. Халқаро конференция тезислари. – Самарқанд. 1996, 22-23 май, 2-қисм.
64. Муҳаммадиев Ш. Темур тузукларида жиноят ва жазо. // Амир Темур ва унинг дунё тарихидаги ўрни. Халқаро конференция тезислари. – Самарқанд, 1996, 22-23 май.
66. Муҳаммадиев Н. Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи тарихини ўрганишнинг назарий методологик асослари. – Тошкент, 1994.
63. Муҳамаджонов М. Амир Темур ва темурийлар салтанати. – Тошкент: Қомуслар бош таҳририяти. 1994.
66. Мухтасар. Шариат қонунларига қисқача шарҳ. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1991.
67. Саидов А.Х.,Тошқулов Ж. Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи тарихи. – Тошкент: ИИВ Академияси, 1995.
68. Соғуний А. Олтин китоб ҳимояга муҳтож эмас. Ўзбегим тўплами. – Тошкент //Правда Востока, 1992.
69. Таджиханов У. Саидов А.Х. Общая характеристика конституции мира. Конституция мира, 1-жилд. – Ташкент: Академия, 1997.
70. Ҳамраев Т. Амир Темур ва илм-маърифат. Амир Темур сабоқлари. 2. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1999.

71. Иванин М. Икки буюк саркарда. Чингизхон ва Амир Темур. – Тошкент: Хазина, 1994.

72. Ишанов О.Э., Саматова Х.С., Уразаев Ш.З. История государства и права, Узбекистана. 4.1. – Тошкент: Ўқитувчи, 1969.

73. Ғойибов Н. Амир Темур даври маънавияти. Бадиа. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 2001.

74. Убайдулла Уватов. Соҳибқирон араб муаррихлари нигоҳида. – Тошкент: Шарқ, 1997. – 157 б.

75. Хильда Хукхэм. Властитель Семи созвездий. Перев. Англ. Г.Хидоятова. – Тошкент, 1995.

76. Шлоссер Ф. Всемирная история. т.8. – Москва, 1870.

77. Файзиев Т. Темурийлар шажараси. – Тошкент: Ёзувчи, 1999.

78. Яхшиликов Ж., Аҳадов Ш. Темурийлар маънавияти. (Илгариги манбалар ва янги тадқиқотлар асосида). – Тошкент: Фан, 1999.

## IV. МАТБУОТДА ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН МАҚОЛАЛАР

79. Бердимуродов А. Улуғларимизни қачон улуғлаймиз? // Туркистон, 1992, 10 январь сони.

80. Жўзжоний А. Амир Темурнинг ҳуқуқий қарашлари. // Ҳаёт ва қонун, 1997, 7-сон.

81. Каримов С.К. У фоний бўлмаган... (Амир Темур ва тасаввуф). // Гулистон, 1996, 5-сон.

82. Назаров Ҳ. Соҳибқироннинг адолат ҳақидаги таълимоти. // Ҳаёт ва қонун, 1996, 8-сон.

83. Муқимов З. Тузукларда ўзбеклар масаласи. // «Зарафшон» газетасининг Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишланган махсус сони, 1996, 25 октябрь.

84. Муқимов З. Темур давлатида суд ва қонунчилик. // Ҳаёт ва қонун, 1995. 4-сон.

85. Муқимов З. Амир Темур нега хонлик мансабини олмаган. // Гулистон, 1998. 3-сон.

86. Усмон О. Ваҳдат шаробин ичдим (Яссавия тариқати). // Мулоқот, 1991.

87. Салоҳиддинов З. Тарихий жасорат ёхуд жавонмардлик сабоқлари. // Гулистон, 1996. 4-сон.



88. Ўзбекистон тарихи. ЎзФА тарих институти журнали. – Тошкент: Шарқ, 1999, 1-2-сонлар.

## V. АВТОРЕФЕРАТЛАР

89. Мукимов З. Основнне исторические источники права в Узбекистане (VIII-XIX вв.) Автореф. дисс. на соиск. уч. степен. докт. юрид. наук. – Ташкент, 1998.

90. Маматов Х.Т. Темур тузукларида давлат ва ҳуқуқ масалалари. Юрид. фан. номзоди даражасини олиш учун дисс. Автореф.канд.дисс. – Тошкент, 2002.

91. Туляганов А.А Роль и место Амира Темура в развитии Узбекской государственности (на основе Уложений Тимура). Автореф. канд. дисс. – Ташкент. 1996.

92. Хидиров С.М. Амир Темур давлатининг ташкил топиши ва давлат тузуми. Номзод. дисс. Автореф. – Тошкент, 2002.

**Зиёдулла МУҚИМОВ**

**АМИР ТЕМУР ТУЗУКЛАРИ**

**Тарихий-ҳуқуқий тадқиқот**

СамДУ нашриёти, Самарқанд, 2008, 131 бет.

Муҳаррир: Мелиев Қ.Й.
Тех.муҳаррир: Маматқулов О.Б.

*Буйруқ № 68, 19.06.08. 2008-йил 20-ноябрда оригинал-макетдан босишга рухсат этилди. Бичими 60х84/ 1,16. “Times New Roman” гарнитураси. Офсет қоғози. Офсет босма усулида босилди. Шартли босма табоғи 8,25. Нашриёт ҳисоб табоғи 5,6. Адади 100 нусха. 335-буюртма.*

***СамДУ босмахонасида чоп этилди.***
***140104, Самарқанд ш., Университет хиёбони, 15.***